

96K9

59

Мирзоалим Мушриф

# АНСОБ УС-САЛОТИН ВА ТАВОРИХ УЛ-ХАВОҚИН

(Қуқон хонлиги тарихи)

9010 ФБ АН РУ  
1-20

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Нашрга тайёрловчилар: филология фанлари доктори, профессор  
АКБАР МАТФОЗИЕВ ва кичик илмий ходим МУҲАББАТ  
УСМОНОВА

Сўзбоши муаллифи ва умумий таҳрирчи А. МАТФОЗИЕВ

Тақризчи АБДУСОДИҚ ИРИСОВ

Мушриф, Мирзоолим.

Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин: «Султонлар насаби ва ҳоқонлар тарихи» (Қўқон хонлиги тарихи) (Нашрга тайёрловчи: А. Матфозиев, М. Усмонова; Сўзбоши муаллифи А. Матфозиев).— Т.: Ф. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.—128 б.

Ушбу асарда халқимиз тарихининг энг оғир ва мудҳиш даври бўлмиш XIX аср воқеалари баён қилинган. Бир томондан, хонликлар, амалдорлар ва фуқаролар ўртасидаги тинимсиз уруш ва талашлар очиқ-ойдин тасвирланган бўлса, иккинчи томондан, Қўқон хонлигининг чор Россияси томонидан босиб олинishi ва унинг реакция моҳияти аниқ ва тўғри кўрсатиб берилган. Зеро, муаллиф бу даҳшатли воқеаларнинг шоҳиди бўлган.

63.3(5V)

М 4702620201 — 35 95  
М352(04)—95

© Мирзоолим Мушриф, 1995 й.

ISBN 5-635-01329-5

## ШОҲИД НИГОҲИДА БЎЛГАН ВОҚЕАЛАР

XV асрнинг охири ва XVI аср бошларига келиб буюк жаҳонгир Амир Темур Қўрагоний асос солган салтанат таназзулга учраб, ҳокимият аста-секин шайбонийлар сулоласи қўлига ўтди. XVI асрда дастлаб Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги, кейинчалик эса Қўқон хонлиги вужудга келди. Иқтисодий ва сиёсий маҳдудлик бу хонликларнинг парчаланиши ва занфлашувига олиб келди. Бундан фойдаланган Чор Россияси XIX аср ўрталарида Ўрта Осиёга бостириб келиб, уни ўз мустамакасига айлантиришга муваффақ бўлди.

Ватанимиз ва халқимизнинг ўтган асрдаги ана шу қора қисмати яқин йилларгача тарихчи олимлар ва сиёсатдонлар томонидан бутунлай тескари ва нотўғри талқин қилиб келинди, кўп вайронгарчилик ва қирғинларга сабаб бўлган бу истило улкан прогрессив воқеа сифатида баҳоланди.

Хайриятки, она днёримиз яна овозликка эришиб, ҳуррият шабадаси эса бошлади. Унутилган тарихимиз, йўқотилган ва топталган қадриятларимизни қайтадан тиклаш, маданиятимиз, адабиётимиз ва тилимизни эъзозлаш даври келди.

Ватанимиз ва халқимиз тарихининг унутилган лавҳаларини тўлдирish, қора қилинган саҳифаларни янгидан тиклаш ва ойдинлаштириш лозим. Бунда ўтган асрларда маҳаллий муаллифлар томонидан яратилган илмий ва тарихий асарларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Ана шундай манбалардан бири Мирзоолим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин» («Султонлар насаблари ва ҳоқонлар тарихлари») номли асаридир.

XIX асрда Қўқонда бадий адабиёт билан бир қаторда тарихнавислик ҳам анча тараққий этди. Ҳақимхон тўранинг «Мунтахаб-ут-таворих» номли, Мирзоолимнинг юқоридаги тарихий асарлари бунга яққол мисол бўла олади. Биринчи асар хусусида махсус тадқиқотда фикр юритилар деган умиддамиз. Қуйида эса «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин» хусусида, унинг муаллифи ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Мирзоолим ибн Мирзороҳим асли тошкентлик бўлиб, Қўқон хонлари Маллахон ва Худоёрхон саройида хизмат қилган. Дастлаб дабир (ар.— котиб), кейинроқ Мушриф ё «Мушриф» тахаллуси билан ижод этиши ҳам ана шу сабабдандир.

Мирзоолимнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида кенг маълумот берувчи асосий манба унинг «Ансоб ус-салотин...» номли тарихий асари ва унинг охирида берилган шеърларидир. Мушриф ва унинг ижоди ҳақида профессор А. П. Қаюмов ўзининг «Қўқон адабий муҳити» номли монографиясида батафсил тўхталиб ўтади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Азиз Қаюмов. Қўқон адабий муҳити (XVIII—XIX асрлар). Ўзбекистон ССР ФА нашриёти, Тошкент, 1961, 330—341-бетлар.

Мирзоолимнинг туғилган ва ўлган йиллари аниқ эмас. «Ансоб ус-салотин...»да 1875 йил ва ундан кейинги воқеалар баён қилинганлиги ва муаллифнинг Маллахон ва Худоёрхон саройида хизмат қилганлиги ҳисобга олиб, тахминан у XIX асрнинг 20—80-йилларида яшаган ва ўз асарини умрининг охирида ёзиб тамомлаган, деб ҳисоблаш мумкин.

Мирзоолимнинг ҳаёти, айниқса унинг кексалик йиллари анча машаққатли бўлган. Буни шоир «Баёни ҳасби ҳоли мулло Мирзоолим» сарлавҳали мусаддасида аниқ баён қилиб ўтади:

Ўзумга ўзум турфа ҳайронмен,  
Куюб доғи фарзандда гирёнмен,  
Вужудим тутаб, бағри бирёнмен,  
Қолиб кўчаларда сарсонмен,  
Тирикликда иелар кўраркан кишп,  
Хаёлида йўқлар бўларкан иши.

(Ас, 193а)

«Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин» асарининг учта қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Биз шулардан бири — 1314 рақамли нусха бўйича тадқиқот олиб бордик ва уни нашрга тайёрладик.

Мазкур қўлёзма 215 varaқдан иборат бўлиб, шундан 1—180-varaқларда «Ансоб ус-салотин...», қолган саҳифаларда Мушрифнинг ўзбек ва тожик тилларида ёзилган шеърлари — ғазал, мухаммас, мусаддас, рубойилари ўрин олган. Қўлёзманинг охириги varaғида (215б) ҳижрий 1319 (милодий — 1901) санаси ёзилган. Бу бизнингча, котиб томонидан қўлёзманни кўчириб тамомланган йил бўлса керак.

Асарда XIX асрнинг иккинчи ярмида Қўқон хонлигида юз берган сиёсий-ижтимоий воқеалар акс эттирилган. Бу воқеаларнинг аксариятини муаррихнинг ўзи бевосита кузатган бўлса, айримларини ўзидан олдин ўтган муаллифлар асарларига таянган ҳолда баён қилади.

«Ансоб ус-салотин...», кичик муқаддима билан бошланиб, сўнг 1875 йил воқеаси, яъни рус аскарлари томонидан Қўқоннинг босиб олинishi тасвирланган. Муаллиф ўқувчи диққатини асар сюжети-нинг чуққиси бўлган ана шу воқеага жалб қилиб қўйгач, бирданига мозийга кўчиб, Мирзо Бобурхон тарихи баёнига ўтади. Муаллифнинг ёзишича, 1483 йилда Мирзо Умар шайх хонадонида ўғил фарзанд дунёга келгач, Хўжа Аҳрори валий унга Заҳриддин деб ном қўяди. Аммо оддий кишиларнинг айтишлари анча қийин бўлганлиги учун «Мирзо Бобур исмига хитоб қилдилар» (4б). Бобурийлар сулоласи ҳақида қисқача тўхталиб ўтгач, «Олтин бешик» воқеасини тасвирлайди. Унда баён қилинишича, Мирзо Бобур ўз юртини ташлаб, Қобул ва Ҳиндистонга кетаётганида, йўлда бир ўғил фарзанд кўради. Ҳар хил андишалар билан чақалоқни бир олтин бешикка солиб, бир бешада қолдириб кетади. Тангри иродаси ва тақдир тақозоси билан у гўдак улғайиб, унинг авлодлари кейинчалик Қўқон хонлари сулоласига асос солидилар. Бу воқеанинг ҳақиқатга қанчалик яқинлиги биз учун анча қоронғу. Бироқ шуни қайд қилиш лозимки, «Бобурнома»да бу ҳақда ҳеч нима ёзилмаган.

Мирзоолим ўз асарида ўзбек халқи ва унинг тарихига чуқур ҳурмат ва зўр эҳтиром билан қарайди. Ўзбекларнинг келиб чиқиши-

ни пайғамбарлар авлодига боғлайди. «Ҳар кимарса жамоайи ўзбака иҳонаг еткурса ва тил теккузса, гуноҳкори азим бўлур»,— деб ёзди муаллиф (4а).

Асарда Норбўта бийдан то Худоёрхонгача бўлган Қўқон хонлари тарихи ҳикоя қилинган, яна Россия истилоси ва унинг оғир мусибатлари баёнига ўтади. Совет тарихчилари томонидан нотўғри талқин қилиб келинган бу воқеани рўй-рост ва ҳаққонийлик билан тасвирлаб беради:

Руссиялар бой халқига қилди шафқат,  
Бой халқи ҳам анга бўлди докм улфат.  
Деҳқон халқи ўлпониди тортти кулфат,  
Халок бўлиб, захру заққум ютти, дўстлар.

«Ансоб ус-салотин...»— тарихий-бадиий асар. Унда, аввало, XIX асрда Қўқон хонлигида юз берган сиёсий воқеалар аниқ акс эттирилган. Бироқ тарихий воқеалар илмий услубда оддий баён қилинмасдан, ўзига хос бадиий шаклда ва раvon услубда тасвирланган. Буни муаллифнинг бадиий асар тилакга хос ўхшатиш, сифатлаш, муболага, жонлантириш каби тасвирий воситалардан усталик билан фойдаланганлигидан ҳам очиқ сезиш мумкин. Айниқса, асарда халқ оғзаки ижодида хос сажъ (қофияланган наср) санъати кенг қўлланилган. Масалан, мусулмон бандалар ўқумоқ ва эшитмакдари бирдан шоядки кўнгуллари очилиб ва гаплари сочилиб баҳраманд бўлғайлар» (3а).

Асарнинг бадиий қиймати яна шундан иборатки, унда ўзбек ва тожик тилларидаги жуда кўп шеърини парчалар келтирилган. Уларнинг умумий миқдори 2000 мисрага яқиндир<sup>1</sup>. Юқорида қайд қилинганидек, қўлёзманнинг 180б-varaғидан то 215б-varaғигача (71 саҳифа) Мушрифнинг шеърини асарлари берилган. Улар, биринчидан, «Ансоб ус-салотин...» да баён қилинган тарихий воқеалар мазмунини тўлдирса, иккинчидан, шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида анча кенг маълумот беради. Бундан ташқари, асарнинг ўз ичида ҳам жуда кўп шеърини парчалар — тарихлар берилган.

Тарих — бирор воқеа-ҳодиса юз берган ёки маълум шахс туғилган ёки ўлган йилни қайд қилиш учун махсус ёзилган кичик шеър бўлиб, сана ўша парчада берилган алоҳида сўзлардан абжад ҳисоби орқали чиқарилади. «Ансоб ус-салотин...»да юзлаб шундай тарихлар келтирилган. Уларнинг аксарияти тожик тилида ёзилган. Масалан, амир Умархон ўзи қаздирган ариқча бағишлаб шундай тарих ёзган:

Дар биойи наҳри Сайхун сурату, Жайхун шоир,  
Соли тарихаш хирад «Наҳри Умархоний» навишт.

(Ас,21б)

Мазмуни: Сайхун суратли ва Жайхун шоирли ариқнинг бино бўлиши тарихини ақл «Наҳри Умархоний» деб ёзди. Бунда «Наҳри Умархоний» сўзларидаги ҳарфларнинг абжад ҳисоби бўйича йиғиндиси 122б бўлиб, милодий 1811 йилни англатади.

«Ансоб ус-салотин...»нинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки,

<sup>1</sup> А. П. Қайюмов. Уша асар, 338-бет.

унда XIX аср Қўқон адабий муҳитига мансуб бўлган ҳамда ундан олдин ўтган бир қатор ўзбек шоирлари ҳақида қисқа маълумот берилган ва улар ижодидан айрим намуналар келтирилган:

Мирзо Маъсум Косоний, Домулло Шер Хўқандий — Акмал, Абдураззоқ Марғилоний, Тимомали Қори Қундузий, Ҳозиқ, Фаазлий, Нодира, Машраб, Суфи Оллоёр ва бошқалар.

Айниқса, машҳур шоир Жунайдулло махдум Ҳозиқнинг Бухоро амири Насрулло томонидан ёвузларча ўлдирилиши изтиробли сатрларда очиқ баён қилинган. Амир Насрулло 1842 йилда Қўқонга боштириб келиб, Муҳаммадалихон, унинг онаси шоира Нодира, ўғли Муҳаммадамин ва бошқа аъёнларини ваҳшийларча ўлдириб, Бухорога қайтади ва шоир Ҳозиқдан ана шу воқеа ҳусусида шеър айтишни сўрайди. Шунда шоир қуйидаги байтни ўқийди:

Буриди бар қади худ аз маломат,  
Либоси то ба домони қиёмат.

(28а).

Мазмуни: Ўз қадинга лаънатлардан шундай бир либос тикиб кийдингки, у либос устингда то қиёматгача қолади.

«Ансоб ус-салотин...» ўзбек тили тарихи учун ҳам қимматли манба саналади. Унда ўзбек тилининг бундан бир асрдан кўпроқ вақтдан аввалги ҳолати, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмидаги фонетик, лексик ва грамматик хусусиятлари тўла акс этган. Шунинг ҳам қайд қилиш лозимки, асар тилининг синтактик ва услубий хусусиятларида баъзи бир ўзига хос томонлар кўзга ташланади: қаратқич ўрнида тушум келишиги шакли, аксинча, тушум ўрнида баъзан қаратқич келишиги шаклининг қўлланиши, ким боғловчиси билан келган айрим қурилмаларнинг ишлатилиши каби. Масалан, «Фарғона мамлакатини подшоҳлари (26); Убайдуллохоннинг подшоҳ кўтариб...» (6а). Бундан ташқари асар тилида айрим услубий ғализликлар ҳам учрайди. Биз ушбу нашрда асар матнини деярли ўзгартиришсиз бердик, ишни бир оз енгиллатиш ниятида тожик тилидаги шеърини парчалар ва тарихларни тушириб қолдирдик.

Мирзоолим Мушриф ўз асарида муҳтарам ўқувчиларга мурожаат қилиб шундай ёзади: «Нозирони асҳоби фаросат ва арбоби дарбасоратлардин таваққуъ ва тарассуд улдурким, ҳар сахви ва хатон манзури назар бўлса, эҳсон юзидин хилъати афв кийдуруб ва ислоҳ бериб ва ростлик мартабасига етқариб, дуойи хайр бирлан ёд қилғайлар» (3а). Азиз китобхонлар муаллиф илтижосига бизни ҳам шерик билиб, ушбу нашримиз ҳақидаги ўз фикр ва мулоҳазаларини изҳор этурлар, деган умиддамиз.

А. МАТФОЗИЕВ,  
филология фанлари доктори, профессор.

## МУҚАДДИМА

..Санаи 1292 (бир минг икки юз тўқсон икки)<sup>1</sup> та-риҳда фирқани руссия хуруж айлади ва Фарғона мамлакатларини тахти тасарруфиға олди.

Жаноби Сайид Худоёрхон саодат нишоннинг аҳли авлоди бирлан асир айлаб Тошканд вилоятиға юборди ва аҳли авлодларини Тошканд вилоятида сақлаб, Худоёрхонни ўн бир одам бирлан вилояти Урунбурунға юбориб, анда сақлади. Мамлакатға тафриқа пайдо бўлди, дини ислом ривожига футур етти. Шариат хор, маъҳийлар ошқор бўлди. Аҳли дин, мусулмон бандаларни дили кабоб, сийнаси хароб, кўзлари пуроб бўлди. Бандаи бечораларни ҳидоят қилғучи ва кўнгил очқучи ва ғам ёзғучи дафъе савдо китоб бўлди...

Бул бонсдин бул фақири бебазоат во ҳақири беисти-тоат Мулло Мирзоолим ибн домло Мирзораҳим Тошкандий иродан азалий ва хоҳиши лам язалий бирлан Фарғона мамлакатларини подшоҳларини ва ўтган воқеоти ажибларини таворихлардан хўшачинлик айлаб, туркий алфозиға кетуруб ва баъзи воқеотларниким, Шералихон марҳум замонидин Худоёрхоннинг охир давлатиғача ўтган ғариб ва ажиб воқеаларни баайни солда иборат бирла қайди таҳрирға олиб, баён айлаб «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин» исм берилди. Токи мусулмон бандалар ўқумоқ ва эшитмаклари бирлан шоядки кўнгиллари очилиб ва ғамлари сочилиб, баҳраманд бўлғайлар ва биздин бир ёдгор қолғай.

Нозирони асҳоби фаросат ва арбоби басоратлардин таваққу ва тарассуд улдурким, ҳар сахви ва хатон манзури назар бўлса, эҳсон юзидин хилъати афв кийдуруб ва ислоҳ бериб ва ростлик мартабасига еткуруб, дуойи хайр бирлан ёд қилғайлар.

<sup>1</sup> Милодий 1875 йил.

«Насабномаи ўзбак»да андоғ нақл қилибдурларким, Аҳмад Муставфий раҳматуллоҳу алайҳи он ҳазрат саллаллоҳи алайҳи васалламдин саврл қилдиларким: «Е Расулиллоҳ, ўзбак насабининг асли нечук турур?» деб. Ҳазрати расули акрам саллаллоҳи алайҳи васаллам дурарбор, шакарнисор тиллари бирла андоғ баён айладиларким, «насаби асли ўзбак Ўзгон пайғамбар турур, анинг отаси Малик Толут турур ва анинг отаси Армиё пайғамбар турур ва анинг отаси Яҳудо пайғамбар турур ва анинг отаси Исҳоқ пайғамбар турур ва анинг отаси Иброҳим пайғамбар турурлар. Салавотуллоҳ алайҳи ва ало олиҳи ва асҳобиҳи ажмаин. Ва яна меҳрибон бўлуб айдиларким, ҳар кимарса жамоайи ўзбекга иҳонат еткурса ва тил текузса, гуноҳкори азим бўлур ва анга таъсир лозим ва вожиб бўлур». Бул ривоят «Китоби қитмир» ва «Мишкоти шариф»да турур.

«Таворихи Бобурий»да андоғ келтурубдурларким, Мирзо Бобурхон Фарғона мамлакатини улуг подшоҳларидин эрди. Бул зоти бобаракотнинг валодатлари моҳи муҳаррамнинг олтинчи куни, санаи 888 (саккиз юз саксон саккиз)<sup>1</sup> эрди. Мавлоно Мунири Марғинонийким, Мирзо Улугбекнинг эътиборлиғ уламоларидин эрди, Бобурхон валодатларини лафзи «шаши муҳаррам» тарих топқон эканлар. Ул зоти бобаракотга ҳазрат хожа Аҳрори валий қуддусу сирраҳу Мирзо Заҳириддин ном қўйғон эканлар ва бул исм баъзи авом халқнинг тилларига гарон келди эрса, ҳазрат хожа Аҳрори валий Мирзо Бобур исмига хитоб қилдилар. Аммо хутбада хатиблар Муҳаммад Заҳириддин Бобур ўқур эрдилар. Мирзо Бобурхон ибн Мирзо Умаршайх Қурагон ибн Мирзо Султон Абусаидхон ибн Султон Маҳмуд Муҳаммад Мирзо ибн Мирзо Мироншоҳ ибн Амир Темур Қурагон ва яна она нисбатидин Мирзо Бобур ибн Қутлуғ Нигорим бинти Юнисхон ибн Увайсхон ибн Шералихон ибн Муҳаммадхон ибн Хизирхожахон ибн Туғлуқ Темурхон мўгул турурким, пойтахтлари Оқсув ва Қошғарда эрди. То Самарқандгача тахти тасарруфида эрди, ҳукумат қилур эрди. Туғлуқ Темурхон ибн Буғохон ибн Дузхон ибн Бароқхон ибн Қарсухон ибн Чигадойхон ибн Чингизхон ибн Яссугой Баҳодир ибн Бартон Баҳодир ибн Қобилхон ибн Туманайхон ибн Бойсунғирхон ибн Қойдухон ибн Зутамияхон ибн Буқохон ибн Бузсанжархон турур.

<sup>1</sup> Милодий 1483 йил.

Аммо Бобурхоннинг авлодлари барча Ҳиндустон юртларига ўн икки таи икки юз саксон йил подшоҳлиғ қилиб келган турурлар:

Замониким тарихи 899 (саккиз юз тўқсон тўққуз) эрдиким,<sup>1</sup> Мирзо Умаршайхнинг умри тамом бўлуб, олами фониьдин рихлат қилдилар. Уламо ва умарон замон иттифоқ айлаб, фарзанди аржуманди Бобурхонни ўн икки ёшда Фарғона юртларига хон қилдилар. Андижон шаҳрида тахтга ўлтурди. Ул замонда Бобурхоннинг тағоси Тошкандга ҳоким эрди. Амакиси Мирзо Аҳмад Самарқандга ҳоким эрди. Укаси Жаҳонгир. Мирзо Аҳсиқентга ҳоким эрди эрса, бул ёш ўғулнинг подшоҳлиғини саҳл билиб, ҳар тарафда ётган шоҳзодалар хуруж қилиб, Бухоро ва Самарқанд атрофида шўриш бошладилар эрса, Мирзо Бобурхон бовужуди ёшлиғи бирлан қўшуни беадад жам айлаб, қипчоқ ва қирғиз ва турк ва тожик ва жунгбоғиш ва қароқалпоқларни жам қилиб, Самарқанд устига бориб, уч маротаба Шайбонийхондин Самарқандни уриб олиб, кўп ривожи баланд бўлуб шуқуҳ пайдо қилди. Атроф ва жонибга овозаси баланд бўлди эрса, Бухоро атрофидаги шоҳзодаларни рашки зиёда бўлуб ва хусумати ҳаддин ошиб Дашти қипчоқ одамлари бирла ва тўқсон икки жамоаси бирла бир бўлуб, Бобурхон устига қўшун тортиб, арода уруш воқеъ бўлди. Билахир, Бобурхон лашкарига раҳна солдилар.

Бобурхон лашкари мутафарриқ бўлуб кетти. Бобурхон ўз тавобелари бирлан Қобул тарафига равона бўлуб, Исмоил подшоҳким, ул вақтда Эронга хон эрди, иътимодлиғ ошноси эрди. Анинг хидматиға бориб мулоқий бўлуб эрди. Исмоил подшоҳ ҳаддин зиёда навозишлар кўргузуб, дафъатан Эрон ва Қобул аскаринин беадад қўшун марҳамат айлади. Бобурхон ўзиға ҳамроҳ қилиб олиб келиб, Бухоро ва Самарқандни фатҳ қилиб тахти тасарруфиға олди. Эрон ва Қобул аскарига жавоб берди.

Бобурхон хотиржам бўлуб Андижонга равона бўлди. Бадавлати тамоми доҳили Андижон бўлуб, ҳукмронлиғга машғул бўлди ва бир неча вақтдин сўнг, Бухоро устидаги мухалифлар жам бўлуб иттифоқ бирлан Убайдуллохоннинг подшоҳ кўтариб ва барча шайбонийларни Убайдуллохоннинг буйруқиға кириб итоат ай-

<sup>1</sup> Милодий 1495 йил.



лаб, Бухоро юртларин фатҳ қила бошлади эрса, бул воқеа Бобурхоннинг самъига етти эрса, дафъатан қўшуни беадад бирла отланиб Бухоро тарафига равона бўлди. Бир неча манзил ва мароҳил тай қилиб, Бухоро тавобедаги Қўли малик ва ёким Чўли малак деган жойга бориб, дафъатан Убайдуллохонга муқобил бўлди. Убайдуллохон нав рўзгор эрди, асбоби олоти ҳарб камроқ эрди. Неча қаттол ва жанги жадал ҳаддин зиёда воқеъ бўлди эрса, тангри таоло қудрати бирлан, агар чанди Бобурхонда асбоби ҳарб зиёда эрди, Бобурхон қўшунига бир паришонлиғ тушти, Убайдуллохон зафар топти.

Бобурхон ўзига тобе хос одамлари бирла ва аҳли аёлларин олиб пинҳон йўллар бирла Фарғона тавобега дохил бўлди эрса, шул аснода заифаси ҳомиладор эрди, вазъи ҳамл ўлуб бир барно ўғул туғди. Бобур подшоҳга ҳазимат шиддати ортуқ эрди ва Шайбония жамоатидин ваҳми тарси ёлиб эрди. Бул боисдин ул нав таваллуд тифлни бир олтун таъбия қилгон бешикга солиб, бир неча қийматбаҳо тошлар ва гавҳарлар ва бир ҳамён зар бешик ичида ул гўдак бошига кўюб, бир бешада худога амонат топшириб кеттилар ва яна бир тағосини анга ниғаҳбон қилди, токи дарандалар анга зиён-заҳмат еткурмасун, деб.

Шинтоб бирлан Кобулга равона бўлдилар. Андижонга боришга маслаҳат топмади. Билахир, куп ранж ва машаққатлар бирла Ҳиндустон бориб, тақдири илоҳий бирлан бирдонг Ҳиндустонга подшоҳ бўлди. Неча вақт ул ерда адли дод қилиб, осойиш ва ором бирлан умр ўтқариб эрди.

Адди доди ва жавонмардлиғи атроф ва жонибга шуҳрат топти эрса, худонинг фазли ва карами бирлан тамоми Ҳиндустон юртларига мутасарруф бўлуб, адли додга машғул бўлди. Худойи таоло инояти бирлан йилдин-йилга равнақ ва тажаммули баланд бўлуб, овозаси атроф-жавонибга машҳур бўлуб, бир улуг давлатлик подшоҳ бўлдиким, анинг ҳайбатидин ер ларзада эрди ва шукуҳидин осмон изтиробда эрди. Бул саодат ва иқболга шуқр айлаб, яна ҳаргиз Туркистон подшоҳлиғин кўнглидин чиқариб тилига олмади. Шул суратда ўттиз олти йил етти. Донги Ҳиндустонга болонстиклол подшоҳлиғ қилди. Барча умрин адли дод бирлан ўтқарди. Замонини мўйсафид бўлуб, қарйлик мартабасига етти эрса, аввал ва охир ямон ишларига тавба айлаб, оллоҳу таоло ибодатига машғул бўлуб, халойиқни жам қилиб,

узрлар пеша айлаб, фарзанди рашидиким, Ҳумоюн Мирзо эрди, сафарда ва ҳузурда, роҳатда ва меҳнатда ўзига рафиқ бўлуб, фазилати одоби мулкда муфаззал эрди. Ўз тожин анинг бошига кўюб, тахтига ўлтурғузуб, Ҳиндустон вилоятига билистиклол подшоҳ қилди. Бобурхон бир гўшада худойи гўйлиғ қилиб, боқий умрин сарф айлади. Бир неча йилдин сўнг жаҳони фонийдин олами боқийга хиром айлади.

Ҳумоюн Мирзо Ҳиндустон вилоятига адли дод кўрғузуб, оламни обод айлаб, миқдори ўн олти йил ҳукмронлиғ қилиб, охират мулкига сафар қилди.

Андин сўнг Ҳумоюн Мирзони ўғли Султон Жалолидин Акбар подшоҳ бўлди. Андин сўнг шаҳзода Салим подшоҳ бўлди. Андин сўнг ўғли Аловиддин, яъни Шоҳжаҳон подшоҳ бўлди. Андин сўнг Муҳаммад Сирожиддин Аврангзоб подшоҳ бўлди. Рахти умрин сарсарн ажали тўндбод фанога юборди.

Ақаси Фарруҳ Сир бин Матмаъиддин подшоҳ бўлди. Ун ўрт йил ҳукмронлиғ қилиб оламдин ўтти. Андин сўнг биродарзодаеи Муҳаммадшоҳ подшоҳ бўлди, анинг умри тамои бўлуб, охират мулкига кетти.

Ҳосили авлоди Бобурхон саккиз тан бўлди ва баъзи тарихда ўн икки тан подшоҳ бўлуб ўтгандурлар. Муддати подшоҳлиғлари икки юз саксон йил эрди. Тарихи бир минг бир юз саксон етти эрдиким<sup>1</sup>, авлоди Бобурийнинг подшоҳлиғлари Ҳиндустон мамлакатидин мунқатиъ бўлуб, бошқа жамоага ўтти.<sup>2</sup>

## ОЛТУН БЕШИК ВОҚЕАСИ

Андоғким, замонеки Мирзо Бобурхон Убайдуллоҳ подшоҳи Бухородин мунҳазим бўлгон вақтда Фарғона бешасида янги туғулгон гўдакнинг олтун бешик ичида бир ҳамён зар бирла ташлаб кетиб эрдилар. Иттифоқо, Фарғона ўзбакияларидин муҳим ва маслаҳат бойлов учун ўшал тарафга гузорлари тушти эрса, кўрдиларким бир дарахт тубида, бир бешик ичинда гўдак овози келди. Бориб кўрдиларким, бешикни чўблари олтундин таъбия қилгон ва гўдакни бошида бир ҳамён зар қўйгон, қийматбаҳо матолар бирлан йўргагон ва гавҳар ва жавоҳирлар тоқгон ажаб гўдақдурким, юзидин нур зоҳир

<sup>1</sup> Милодий 1773—1774 йил.

<sup>2</sup> Бу ерда форсийда ёзилган шеърлар қисқартирилганидан тарихларга бағишлаб ёзилган форсий шеърлар ҳам қисқарган.

ва ҳувайдо турур. Жамоани минг ва жонкентлик ва жамоани қирғиз ва қилчоқ тилло ва ажносларни иттифоқ бирла тақсим қилиб олдидлар ва гумон қилдиларким, бул гўдак подшоҳзода турур. Бул жамоалар иттифоқ бирла покиза сўфи хотун топиб, анга топшурдилар. Жони дил бирла парварниш айлади эрса, кундин-кунга нашъу намо топти. Халойиқ орасида машҳур бўлди. Бир жамоа «олтун бешик» от қўйдилар ва бир фирқа «Ҳумоюн» от қўйдилар ва бир жамоа «Амирэли» от қўйдилар ва бир жамоа «Оллоҳберди» от қўйдилар. Камоли шавқи муҳаббат бирла кўп исмга тасмийа қилдилар. Неча вақт ва замон ул гўдакни тарбиятига машғул бўлдилар.

Замони Мирзо Бобурхон гўдакни бешага ташлаб, суръат бирла Ҳиндустон борди эрса, худонинг фазли ва карами бирла бирдонг Ҳиндустонга подшоҳ бўлди. Адли доди камолон бажо келтурди, халойиқга адли ва жавонмардлиги зоҳир бўлди эрса, андак таважжуҳ бирла тамоми Ҳиндустонга билистиклол ҳоким бўлуб, ўшал гўдак фарзандики, олтун бешик бирла Фарғона бешасига ташлаб келиб эрди, ёнига тушуб, дафъатан бир одами донони элчи қилиб, кўп ёдномалар бирла Фарғона юртига юборди. Элчи завқ ва шавқ бирла равона бўлуб, Фарғона вилоятига келиб, сўроғлаб ул гўдакни топти. Хат ва ёдномаларни топшурди эрса, бир неча кун кўп элчини меҳмон қилиб, иззат ва икром бирла навозишлар қилдилар. Андин сўнг халойиқлар жам бўлуб, маслаҳат бирла Бобурхонга арза ёздилар. Мазмунни арза ултурким:

«Бул подшоҳзода бул умид бирла тарбият қилиб эрдукким, юртимизга хон қилурмиз деб, жанобларидин илтимос қилдук. Густоҳлик бирла бул шаҳзода ни сақлаб, элчиларни қайтардук. Тил сўзумизни арз қила ижобатга мақрун бўлғай, ассалому алайкум»— деб, арзани элчига бериб инъом ва эҳсонлар бирла қайтардилар.

Неча манзил ва мароҳил тай қилиб бориб, сурати воқеани тил бирла баён қилиб, арзаларини Бобурхонга еткурди эрса, гўдакни саломатлигини англаб хурсанд бўлуб, шукроналар айлаб, сўзларини қабули ижобатга қарин айлади.

Андин сўнгра тамоми халойиқлар жам бўлуб, уламо ва фузало ва машойих иттифоқ бирла Фарғонага хон кўтардилар. Аммо ул Ҳумоюн конниким, олтун бешик исмида машҳур бўлди, овозаси атроф ва жавонибга етиб, йилдин-йилга рутбаи камоли баланд ўлуб, халойиқлар инқилб ва итоатларин ҳусни ризо, вужуди сахо

билан қабул айлаб, анинг вужуди муборакни ўзларига ғанимат билиб, улуглигин қабул қилдилар.

Ул замонда Абдулазизхон Бухорога подшоҳ эрди ва баъзи тарихда Убайдуллохон подшоҳ эрди. Арсларида алоқан ошнолик маҳкам эрди. Олтун бешикхон минг жамоани улурини Кутлуқхоним деган қизини ниқоҳига олди эрса, андин бир ўғул вужудга келди эрса, уч исмга машҳур бўлди: Тангриёрхон, Худоёр Султон ва Султон Иликхон.

Замонки Олтун бешикхон умри тамом бўлуб дунёдин ўтти. Султон Иликхон Аксикентда тахтга ўлтурди. Олти ёшда эрди, ҳазрат Маҳдум Аъзам валининг назари кимё асарларига манзур бўлуб, қабул топқон эрди. Бу ҳазрат анинг ҳақиқа дуо қилғондурларким: «Сенинг наслинг қарнаи баъда қарнин, батнаи баъда батнин<sup>1</sup> подшоҳ бўлғай»,— деб.

Кўп одил, босаховат подшоҳ бўлди ва андин икки ўғул вужудга келди: Муҳаммадаминхон ва Ермуҳаммадхон. Отасини таважжуҳи Ермуҳаммадхонга тўлароқ эрди ва Муҳаммадаминхонга камроқ эрди. Бул боисдин маҳзун бўлуб, бир неча навкарлари бирла Бухорога қочиб кетти. Тарих тўққуз юз етмиш иккида<sup>2</sup> Бухорога дохил бўлуб, Имомқулихонга кўрунуш қилиб, ўрун топти. Олти йил Бухорода турди. Тарих тўққуз юз етмиш саккизда<sup>3</sup> Имомқулихон оламдин ўтти. Ўғли Искандар Жонибек подшоҳ бўлди эрса, Муҳаммадаминхоннинг кўп навкар бирла Хоразмга подшоҳ қилиб юборди.

Муҳаммадаминхон Урганч тахтида барқарор бўлуб, одиллик бирла ўн икки йил подшоҳлик қилди.

Вақтики Тангриёр Султон оламдин ўтти эрса, анинг иътимомлик ўғли ҳукумат маснадида ўлтурди. Ота-босни йўлида юрмай, бебоклик ва шохидбозлик ва майичмаклик бирла умр ўткарди. Арзи дод эшигин халойиқ юзига боғлади. Сипоҳ ва фуқаро ҳолидин хабардор бўлмади. Кеча-кундуз базмга оғушта бўлди эрса, аён, ашроф, уламо ва фузало, сипоҳ ва фуқаро сабр ва тоқат қилолмай, иттифоқ бирла азл қилдилар ва Ҳиндустонга Акбаршоҳни хизматиға юбордилар. Урниға Муҳаммадаминхон ўғли Абдулқосимхонни подшоҳлик тахтиға ўлтурғуздилар.

Саккиз ёшда эрди, халойиқга мақбул бўлуб, соҳиби

<sup>1</sup> Мазмун: «Асрдан-асрга, авлодан-авлодга ўтиб».

<sup>2</sup> Милодий 1564—65 йил.

<sup>3</sup> Милодий 1571 йил.

тахт-тож бўлди. Анга Султон кучақ лақаб қўйдилар. Ун йил подшоҳлик қилди, ун саккиз ёшда оламдан ўтти. Андин уч яшар бир ўғул қолди ва уч исмга машхур турур: Асилзодахон, Убайдуллохон ва Тубҳикхон. Мундин бўлак муносиб хон бўладурғон хон йўқ эрди. Ночор улуг-кичик иттифоқ бирла саятанат тахтига ўлтурғуздилар.

Муддати ўттуз икки йил подшоҳлик айлаб, ўттуз беш ёшда оламдин ўтти. Андин бир фарзанди аржуманд ёдгор қолди, шоҳ Уматвали дерлар. Ешликдин ҳазрат Мавлоно Лутфулло Чустийдин тарбият топқон ва ул ҳазрат иродат қўлни бериб, тасфиятан ботин ва тазнийтан қалб пайдо қилғон, ҳолу қолни ҳосил айлағон, ўн ёшда камолот ҳосил айлаб, подшоҳлик маснадида ўлтуруб, адли дод қилиб элнинг кўзига марғуб бўлуб, яхшилик бирла умр ўтқариб, қирқ ёшқа етганда раҳмати илаҳийга восил бўлди. Андин Шаҳрухбий деган ёдгор қолди. Тахти муваррасага ўлтуруб доди адл бирла ҳукмронлик қилиб, йигирма уч йил подшоҳлик қилиб, эллик олти ёшда оламдин ўтти. Ўғли Рустамхон тахти салтанатга ўлтурди.

Абдулазизхон Бухоро бирла иродан байтуллоҳ қилиб, зиёрати байтуллоҳ қилиб келиб эрди. Ҳожихон исми машхур бўлди. Бул бонсдин Рустамхон Ҳожихонликка машхур бўлуб, неча йил ҳукмронлик қилиб, оламдин ўтти. Андин икки ўғул ворис қолди: Ашурқули Отолик ва Фозил Отолик.

Халойиқни иттифоқи билан Ашурқули Отолик отасини маснадига ўлтурди. Бир неча йиллар ҳукмронлик қилиб, оламдин ўтти. Андин Шаҳрухбий ёдгор қолди. Тахти салтанатга ўлтуруб, ўн уч йил подшоҳлик қилиб, қирқ ёшда оламдин ўтти.

Андин уч ўғул ёдгор қолди: бири Абдурахимбек, иккинчи Абдукаримбек, учунчи Шодибек. Аммо отасини жойига халойиқ иттифоқи бирла Абдурахимбек хонлик маснадида ўлтурди. Раҳимхон исмига машхур бўлди. Неҳон тўда мавзеида қўрғон айлаб, маскан тутти. Аҳд таворихлар иборати «Раҳим соҳиб қирон» хатга ёзгон эканлар. Ул зоти бобаракот баланд ҳиммат, шижоатлик, тез ва ринд ва мизожи мунҳариқ экан. Сипоҳ ва фуқаро доим ваҳм ва ҳаросда экан. Тахти салтанатга ўлтурди эрса, дафъатан қўшун тортиб, бир кечада Хўжандга дохил бўлуб, Муҳаммадраҳим Отолик қирғизнинг ўғли Оқбўтабий қатл айлаб ва яна икки ўғлини қатл этиб, Хўжанд ҳукматини укаси Абдукаримбек-

ка тафвиз қилди ва кичик укаси Шодибекга Марғинон ҳукматини берди. Аскар жам айлаб, Самарқанд устига бориб фатҳ айлаб, андин ўтуб Каттақўрғонни фатҳ айлаб, Шаҳрисабзга мутаважжих бўлди.

Шул вақтда Ҳакимбий навқари Иброҳим Отолиқнинг биродари эрди, ҳоким эрди. Урушга асбоб тузоб турди.

Умаро ва фузало маслаҳат қилиб, сулҳга қарор қилдилар. Уртада ошнолик тархи тузалуб, Иброҳим Отолиқни қизи Ойчучукойимни Раҳимхонни никоҳига ақд қилиб, аҳди паймон маҳкам қилиб, иззат ва обрў бирлан мурожаат қилиб, Самарқанд дохил бўлуб, неча кун анда турди. Савдойи касалга мубтало бўлди. Охир жунунга оид бўлди. Бир нечаларни сўзи шулким, Раҳимхон гурур бирлан ҳазрат мазори Шоҳизияданинг зинаполярига от узасига савора чиқти. Бул беадабликдин бу касалга мубтало бўлди. Кундин-кунга гоҳ худ, гоҳ беҳуд — касали зиёда бўлди. Самарқандга Мулло Бечорани ҳоким қилди. Диззахга Оллоҳқулибек додхоҳин ҳоким қилиб, мурожаат қилди. Хўжандга дохил бўлди. Касали ҳаддин ошти. Табиблар муолажаси фойда бермади. Укаси Абдукаримбек фурсатни фанимат топиб, бир кечада шаҳид қилди. Урнига ўзи хон бўлди.

Раҳимхон шаҳид жасадини Хўқанд олиб келиб, боболарини қабристонига дафн этдилар. Андин бир ўғул Эрдонабек ва уч қиз ёдгор қолди. Муддати ўн икки йил подшоҳлик қилди. Ўттуз уч ёшда мақтул бўлди...

## АБДУКАРИМБЕК

Андоғким, замониким Абдукаримбек ибн Шаҳрухбий тахти салтанатда билстиклол ўлтуруб, халойиқга яхши муомала қилиб, сипоҳ тарбиятига саъйи кўшиш айлади. Ойчучукойим Шаҳрисабзийки, Раҳимхон завжаси эрди, ани никоҳига олди. Хўқанд мулкани ободлигига саъй ва кўшиш айлади.

Шул замонда Хитой хуруж айлаб етти. Шаҳри Қошигарини олди. Ҳокимлари Ойхожа ва Қунхожа, авлоди Махдуми Аъзамий эрдилар, Хитойи шаҳид қилди. Бир тифли ширхўра ёдгор қолди. Ани бир одам пинҳон сақлаб, Ҳиндустон олиб бориб, Аврангзеб подшоҳга сипориш қилди. Кўп тарбият айлаб, жамолга етқуруб, ўз қизини никоҳлаб берди. Ҳоло Марғинон хожалари ўшал сайнзодадин ва подшоҳзода қиздин қолғон насл турурлар.



Замоники Хитой Кошғарни олғондин кейин, жамоатан қалмоқ ва кошғари ва жамоан тоғлик қочиб келиб, Хўқандда мутаваттин бўлди ва яна Самарқанд қаҳтлик бўлуб, неча жамоа мулк-жойларин ташлаб, Хўқанд келиб мутаваттин бўлди эрса, буларни «ғаламис» деб тарих топқондурлар, бир минг юз ўттуз экан<sup>1</sup>.

Хўқанд кўп обод бўлуб эрди. Хитой Кошғарни олиб, давондин бул тарафга жамоан қалмоқларни буюрди. Уш ва Андижон ва Марғинонни олиб, якбора Хўқандга мутаважжих бўлуб, шаҳарни муҳосара қилди.

Абдукаримхон қўрғондорлик қилиб, қалмоқ бирла уруш қилиб турди. Ул вақтда Хўқанд қўрғони кичик эрди (эски ўрдага алҳол жойи раста ва бозор ва мадраса турур) ва ҳар кун қўрғондин чиқиб урушар эрдилар. Бир кун урушда бир баҳодир бачча қипчоқ қалмоқларни сафиға от қўюб, неча қалмоқни чопиб жаҳаннамга юборди. Билахир, захм еб шаҳид бўлди. Ҳамма таҳсин ва офарин қилдилар. Уламо ва фузало шаҳид ҳукм айлаб, жаноза ўқуб подшоҳликни боғини баланд ериға дафн қилдилар. Шул замонда «Катта қабристон» дерлар, барча Хўқанд хонларини қабри ва мазори анда турур.

Алқисса, бул муҳосара узоқга тортти. Ночор Уратепа ҳокимиға мадад тилаб одам буюрдилар. Чароки, ошнолиги арода зиёда эрди. Дафъатан Фозилбий ибн Содиқбий юз ҳокими Уратепа аскари билан отланиб, суръат бирла дохили Хўқанд бўлди. Абдукаримбек ҳаддин афзун хурсанд бўлуб, меҳмондорлик қилди. Эрта бирлан урушқа чиқтилар, неча қалмоқни қатл айлаб, савоби ғазоға мушарраф бўлуб, билахир, маслаҳат топиб, масолиҳа талаб қилиб, элчи чиқардилар. Қалмоқларга сўзлари маъқул бўлуб, қирқ-эллик калоншаванда қалмоқлар аҳд-паймон қилмоқ учун Хўқандга кирдилар эрса, аломон ва сипоҳ ўртаға олиб ўлдурдилар. Бул воқеани ташқаридаги қалмоқлар англаб, баякбора қочиб кеттилар. Абдукаримхон ва Фозилбий лашкари бирлан арқасидин таъқиб қилиб, нечасини уруб, беадад ўлдурдилар ва ўзгаси қочиб кетти.

Фозилбийни зиёда иззат ва обрў бирлан юртиға узаттилар. Ҳамма хурсанд ва хотиржам бўлдилар эрса, қипчоқ жамоаси бош кўтариб, Хўқанд аҳлиға жабр ва ситам қила бошладилар. Неча одам арза айладилар.

<sup>1</sup> Милодий 1718 йил.

Абдукаримхон қипчоқларга насиҳат қилар эрдилар, қулоқға олмай, одатларини қўямас эрдилар.

Умаро ва фузалолар пинҳоний маслаҳат қилиб, сўзни шул ерға қарор бердиларким, бозор кунни барча халойиқ жам бўлгонда, бозор қизигон маҳалда, бир баланд ерға чиқиб, бир одам нидо қилсунким: «Эй халойиқлар, ҳар ерда қипчоқ бўлса, тутуб ўлдурунглар. Хоннинг фармойиши шуддур!»— десун.

Алқисса, ул кун бозор қизигон маҳалда, бир одам ул баланд ерға чиқиб нидо қилди эрса, қипчоқларни тутуб ўлдурдилар ва баъзи қипчоқлари қочиб, пинҳоний элларига бориб хабарлашиб, Езининг даштиға жам бўлдилар. Ул замонда Шигойхон деган Тошканд тўраларидин Езида хотун олиб тургон эрди. Анинг хон қилиб, жамоат бўлуб, Тўрақўрғонга бориб кирдилар. Атроф ва жонибға фитна ва шўриш сола бошладилар.

Ул вақтда Утаб баковул ҳокими Хуррамсарой эрдилар арза юборди, қўшун қилмоқ учун. Мақбул бўлуб, дафъатан отланиб маа лашкари бегарон бирлан дарёдин ўтуб, Шаҳанд қишлоқға нузул қилиб, мутаважжихи қўрғон бўлуб, тўп қўюб, қарнай ва сурнай ва наққора навозишға киргуздилар эрса, бул шукуҳ ва сиёсатдин қипчоқларга қўрқинч тушти. Ноилж Намангон ҳокимиға ўзларини солдилар. Мазкур ҳоким: «Гуноҳларингни хондин тилаб олурман»,— деб, аҳд ва имон учун бир неча калоншавандаларини талаб қилди. Миқдори қирқ-эллик одам Намангон ҳокимиға кўрунуш қилгон ҳамоно, уларни ҳибс қилди.

Абдукаримхонга баёни воқеани арза қилди. Эрта бирлан Тўрақўрғонга мутаважжих бўлуб отландилар. Анбуҳи лашкар жанги қипчоқларга маълум бўлди эрса, шошиб ва саросима отланиб, саф торттилар. Лашкари Абдукаримхонга худованди карим зафар ва нусрат ато қилди. Баякбораки, от қўюб қипчоқларни куштаи пушталар қилиб, қолғони қочиб пароканда бўлуб кетти. Ул маҳбусларни Намангон ҳокими қатл айлади.

Обрў ва иззат билан гоним ва солим Абдукаримхон маа аркони давлат мурожаат қилиб, фирузлик бирлан Хўқандга дохил бўлди.

Хулласи калом шулким, Абдукаримхон шижоатлик сипоҳ ва фуқароға шафқатлик, худованди таолога ибодатлик эрди. Хизматиға эшон сўфи Оллоёр ва домло Олим Қонибодий ва домло Вали Хўжданйй ва Машраби девонаи Намангоний келиб суҳбат тутар эрдилар. Аларнинг суҳбатидин ифода ва истифода топиб, неча

улум кашфлиқиға олим ва кошиф бўлуб, камолот ҳосил қилди. Охири ҳаётида Хўжандға бориб эрди, анда Баданиға касал ориз бўлуб, ночор мурожаат қилди. Ҳануз манзили мақсудға етмай, йўлда жонин ҳаққа топшурди. Муддати айёми ҳукумати ўн икки йил, муддати ҳаёти қирқ йил...

Абдукаримхон марҳумдин бир ўғул қолди. Абдурахмонбек дер эрдилар. Эрдонахон ибн Раҳимхон подшоҳ бўлди. Андин хавф тортиб, йигирма уч ёшда ва ё йигирма беш ёшда Абдурахмонбекни шаҳид қилди... Абдурахмонбекдин уч ўғул ёдгор қолди: бири Норбўтабек, Кенасойимдин туғулгон ва яна Шаҳрухбек ва Ҳожибекки, чорқўлик оинмдин туғулгон.

Эрдонахон муддати ўн тўрт йил хонлик қилиб, қирқ икки ёшда фоний дунёдин олами боқийға рихлат қилди...

Умаро ва фузало ва машойих ва тамоми юрт яхшилари иттифоқлик бирла Норбўтахон Қаротепаи Мўйинмуборакда ўн тўрт ёшда эрдиким, олиб келиб хон кўтардилар. Ўттиз йил хонлик қилиб, халойиқға роҳат ва осойиш еткуруб, неча шаҳарларни тасхир қилиб, санан бир минг икки юз ўн учда<sup>1</sup> олами боқийға рихлат қилди...

## ОЛИМХОН

Халойиқни иттифоқлари бирлан катта ўғли Олимхон подшоҳ бўлди. Чунон азим, осон овозалик, башижоат подшоҳ бўлдиким, атроф ва жонибдаги подшоҳлар кўнгилларига ларза тушиб, элчилар келиб Қаротегин, Дорбоз, Бадахшон юртлари мусаххар бўлуб етти. Шаҳри Кошғар тасарруфияға кириб, кўп сиёсатлик подшоҳ бўлди. Амири Бухоро ҳам таваҳҳумға тушти. То ҳадди Самарқандгача бориб тоз-ёз қилиб, жамоаи тожикға ривож берди. Неча замона бўлуб мардум, танг бўлдилар ва эшонларни жам қилиб «каромат кўрсат»,— деб, хижолатга солди.

Умархон укаси Марғинонга ҳоким эрди. Умаро ва фузало анга мутиъ бўлуб, Олимхондин юз ўғурдилар. Олимхон Тошканд тарафида сафарда эрди, ҳамма иттифоқ бўлиб, Андижон ва Марғинон қўшуни бирла Хўқандға Умархонни олиб келдилар. Вақтики Олимхон Тошканддин бозгашт қилди, Понгғоз мерганлари Қусумбел довонини тўсуб ўткармадилар. Лоилож туз кониға,

<sup>1</sup> Милодий 1798—99 йил.

Қамишқўрғон бирлан Хўқанд тарафға дарёдин ўтуб равона бўлди. Олтиқўш деган мавзида Андижон қўшуни олдидин тўсуб, милтиқ бирла отиб, шаҳодат даражасига еткурдилар.

## УМАРХОН

Умаро ва фузало Умархонни тахт-салтанатга ўлтурсулдилар. Банззат тамоми жамоат бирла Олимхонни жанозасин ўқуб, дафи қилдилар. Уламо ва фузало ва машойих «жаннатмакон» лақаб қўйдилар. Фарғона тахтгоҳига ўлтурсди. Чунон услуб ва одоб ва адл бирла ҳукмронлик қилдиким, шариат ҳукмин кўкдин баланд маротиб ва меърож берди.

Уламо ва фузало донишлари қадр топти. Сипоҳ ва аскарлари низом, оройиш топиб, давлатидин халқ кўнгида равшанлик пайдо бўлди. Адлидин раиялар осойиш топиб, роҳатда бўлдилар. Халойиқни инъом ва эҳсон бирла шод қилди. Фозил ва расо ва уламо ва шуаро бирлан суҳбат туттилар. Аларни суҳбатларидин истифода олиб, кундан-кунга фазли зиёда бўлуб, овозаси вилоятларға машҳур бўлди. Атрофдаги подшоҳлар Саид Умархонни икромларин бажо келтуруб, тортуқ ва ҳадялар юбордилар. Юруш ва турушда зафарлик бўлуб, умрида жилови ва инони қайтмади. Идбор юзини кўрмади. Тамоми умри иқбол билан давлатда ўтти. Туркистон маа Дашти қипчоқ фатҳ бўлди ва яна дарёдин сув чиқариб, андак таважжуҳ билан Шаҳрихон деган шаҳар чиқарди. Саҳл кунда обод бўлуб, ғалласи Хўқанд аскариға кифоят қилиб, яна зиёдаси анбор бўлур эрди...

Билахир, ул ҳам доми ажалға гирифтор бўлуб, тамоми умаро ва фузалоларни олдиға чорлаб, узр айтиб, розилик талаб қилиб, санан бир минг икки юз ўттиз еттида<sup>1</sup> жума куни олами фонийдин бақолик оламиға хиром айлади. Ўн икки йил подшоҳлик қилдилар...

## МУҲАММАДАЛИХОН

Ул зоти бобаракот жаннатмакондин икки ўғул ёдгор қолди: аввали Муҳаммадалихон, иккинчи Султон Маҳмудхон. Уламо ва фузало ва машойих ва умаро иттифоқлари бирла Муҳаммадалихон доронишоннинг ўн етти ёшда подшоҳлик тахтиға ўлтурсулдилар. Умархон-

<sup>1</sup> Милодий 1821 йил.

дин қолгон вазири соҳибтадбирлар маслаҳати бирла ҳукмронлиғ қилди эрса, улуғ давлатлиғ, азим эшон подшоҳ бўлдиким, атрофидаги подшоҳлар, чунончи амири Бухоро ва Урганч изтиробда эрди ва Хитой юртидин бож олди. Дашти қипчоқ тасарруфида эрди. Бадахшон ва Кўлобдин тортуқ олур эрди, Қаротегин тасарруфида эрди.

Давлати уруж айлаб, кундин-кун давлати тараққий айлаб, бир неча паст мартаба одамлар суҳбатига йўл топиб, базм тарафига ва бўзахўрликга одат қилдуруб, Ҳаққули мингбоши юзни шаҳид қилди. Хожа додхоҳни ҳажга юбордилар. Ибо қила-дургон вазирлар барҳам бўлди. Қаро муҳаррам деган беҳудагўй суҳбатидин йўл топти, бир неча кабутар ва кийикбозлар йўл топдилар ва бир неча фоҳишалар йўл топдилар. Ҳар кимни соҳибжамол қизи бўлса, хонга маъқул қилиб, фоҳишалар соябонлик аробага тушуб бориб, ул қизни хоннинг хизматиға олдуруб келур эрдилар. Вазирлар, уламолар ва умаролар хижолатда эдилар, аҳдининг риоя айламас эрди. Ҳар кимни қизини соҳибжамол деб эшитса, ҳар вилоятда бўлса ҳам, хоҳ эшон, хоҳ уламо, хоҳ бой,— риоя қилмай олдуруб келар эрди. Манзур бўлса сақлар эрди, манзур бўлмаса жойига юборур эрди. Бул важҳдин умаро ва фузало, раоё ва бароё ҳаддин афзун танг бўлдилар эрса, бир неча нодавлатхоҳлар зимнан амири Бухорога арза юбордилар. Уртага муҳолифат пайдо қилдилар, амир қўшун тортиб келди. Бир неча давлатхоҳлар тараддуд қилиб, жусту-жў айладилар, уҳда чиқмади. Билахир, тўқсон икки жамоаси голиб келиб, Хўқандни босиб, поймол айлади. Бир неча давлатхоҳ калоншавандаларни шаҳид қилди.

Чаҳоршанба куни рабиулсонийнинг аввалида, санаи бир минг икки юз эллик саккиз<sup>1</sup> тарихда Хўқандга дохил бўлуб, Ботурхон<sup>2</sup> аскарини торожга фармонлаб, Муҳаммадалихонни арк ўрдасида қарор топти. Шаҳар ва қишлоқларни то Рашидон устигача чунон торож қилиб, пиёздек қилдилар.

Муҳаммадалихон Султон Маҳмудхон укаси бирлан Ермасор ҳаддигача бориб, яна илож топмай, ака-ука бўюнсунуб, Ботурхон хизматиға келиб дуо қилдилар эрса, баъзилар дебдурларки, Андижондин нари Ойим-

<sup>1</sup> Милодий 1842 йилнинг май ойи.

<sup>2</sup> Гап Бухоро амири Насрулло ҳақида боради. Муаллиф уни Ботурхон, Баҳодирхон номлари билан беради.

қишлоқга бориб, тонг откунча Ойимқишлоқдин боши айланиб, қорни оч ва ташна бўлуб, бир кампир уйига тушуб, аталла қилдуруб ичиб, ухлаб тонг отиб қолибдур. Эрта бирлан кампир масжидга бориб юртга хабар берибдурки:— Менинг уюмга хон келиб ётибдур,— деб. Ушал қишлоқ катта-кичик ҳаммалари номоздин чиқиб келиб тўхтатибдур. Орқаларидин сипоҳлар бориб, ушлаб олиб келиб, амир Ботурхонга манзур қилдилар эрса, Ушал кеча Заррин деган хос иморатиға олиб кириб, ана ва ука ва Муҳаммадаминбек ўғли учаласини даражан шаҳодатга еткурди ва яна онаси Моҳларойимни ва Хушқолбиби ва Норбиби ва бир заифани — тўрт адад заифани бечораларни ахтаҳонада даражан шаҳодатга еткуруб ва яна неча бекзодаларни шаҳид қилди...

Алқисса, Баҳодирхон манғит хат чиқармагон саркарда ва умароларни даражан шаҳодатга еткуруб, гўё қатли ом қилди ва бир неча ажал етмай қолгонларини оқ уйли қилиб, аҳл ва аёли бирла Бухорога кўчурди. Филжумла, хотиржам бўлуб, Иброҳим Хаёл деган манғитни Хўқандга ҳоким қилиб, бир неча манғит мерган ташлаб, Баҳодирхон тамоми тўп, тўпхона, асбоб ва яроғ ва хазиналарни олиб, Бухорога мурожаат қилди.

### ҲОЗИҚ ҚАТЛИ ВОҚЕАСИ

Неча манзил ва мароҳил тай қилиб Бухорога яқин борғонида, тамоми уламо ва фузало ва машойих истиқболига чиқиб муборақбод қилгон эканлар. Шул аснода амир Баҳодирхон хурсандлиғ қилиб Мирзо Жўнайидилло, Махдум Ҳозиқ муллақабким, шайхулислом Ҳиротийнинг ўғуллари эрди, амири Бухорога кеча-кундуз ҳамнишин эрдилар, зиёда густоҳ эканлар, амир фармойиш қилдиким, «бизни бу сафардин бо зафар келганимизга бир фард байт машқ қилиб, бир нимарса айтинг»,— дедилар. Дарҳол бу байтни ўқудиларким.

Назми Ҳозиқ:

Буриди бар қади худ аз маломат,  
Либоси то ба домони қиёмат<sup>1</sup>.

Амирнинг зиёда жаҳли келиб, рангида қатра қон қолмади. То ўрдасиға дохил бўлгунча сўзламади.

<sup>1</sup> Мазмуни: Ўз қаддинга лаънатлардан шундай бир либос тикиб кийдингки, у либос устингда қиёматгача қолади.

Маҳдум Ҳозиқ таваҳҳумга қолдилар ва ўшал кеча отлашиб, Шаҳрисабзга ўтуб кетдилар. Амир эртаси саломдин сўнгра сўради: «Ҳозиқ Маҳдум саломга келмади?»— деди. Таъкид қилиб сўради эрса, Шаҳрисабзга кетганларини эшитиб, орқалардин иноятнома ёзиб юбордиларки, «Келсунлар», деб. Эшон Ҳозиқ: «Мен борсам Улдураулур», деб келмадилар. Уч маротаба аҳднома битиб одам юбордилар, келмадилар. Амири Бухоро даргазаб бўлуб, неча муддатдин бери Душабой деган бир ўғрини зиндон қилиб қўюб эрди, ани чиқариб фармойиш қилдиким, «сен агар Маҳдум Жўнайидни ва эшон Шофени бошларини олиб келсанг, банддин озод қиламан»,— деди. У ҳам қабул қилиб, Шаҳрисабзга келди. Неча кунлар қасд қилиб, пойлаб юрди ва Шаҳрисабз ҳокими қирқ нафар миршабларни пойлатиб қўйгон эрди. Кечаси атрофларни ухламай айлашиб чиқар эрдилар.

Қазоро бир кун амир буюрган Душабой номлиғ ўғри эрди, бир одам касал суратида қилиб олдиларига олиб келди:— «Тақсир, мунга дору беринг, касал бўлубдур»,— деб. Шул кеча ётиб, бошларини олиб ва андин чиқиб эшон Шофени бошларини олиб, кечалаб амири Бухорога манзур қилди эрса, инъом-эхсон болони ҳоялар сарафроз айлади.

## ШЕРАЛИХОН

Андоғки, замоники Баҳодирхон қатли торож қилиб, Хўқанд элининг то қиёматгача кўнгилдин кетмас кулфат ва озорлар бериб, Иброҳим Хаёлни ҳоким қилиб кетти эрса, Хўқанддин бир неча хушёр ва оқил одамлар маслаҳат қилиб, жамоани қирғиз ва қипчоқ ва турк ва қароқалпоқ ва тожик ва жунбоғиш тоғлиқ ва афғон ва алқорлар сўз бир-бирга қўюб, Талос мавзёига бир неча хушёр одам юбориб, Шералихонни Тўрақўрғонгача олиб келиб, оқ кийгизга солиб хон кўтардилар эрса, тамоми Хўқанд элига офтоб чиққандек равшанлик пайдо бўлуб, дафъатан жамоат бўлуб, Қал Юсуф қирғизини мингбоши айлаб, Муҳаммад Назарбекни амири лашкар айлаб ва Қўчар бейни ботурбоши айлаб ва яна ҳар жамоатдин худойчи ва тунқатор, дастурхончи, понсадбонни, юзбоши, ясовулбоши тайёр қилиб, беибо дарёдин ўтуб, суръат бирлан Хўқандга дохил бўлуб, манғитларни ўрдага қамаб танг қилдилар эрса, Хўқанд аламонлари Раҳмондин ва Обнурдин кириб, манғитларни

ўлдуруб ва банди қилиб эрди. Иброҳим Хаёл баякбора Қалмоқ дарвозасидин саҳл одам бирла Қамишлик мазор тарафидин қочиб кетти. Аламзадалар манғитларни итдек ўлдурдилар. Баъзи қолғонини банди қилиб, саранжом ва саришта қилди.

Шералихон маа аркони давлат ўрдага дохил бўдилар эрса, дафъатан тамоми уламо ва фузало ва машоих ва хожа ва мулла ва бойлар жамоат бўлуб, дуо айлаб, муборакбод қилиб, яна бошқадин оқ кийгизга солиб хон кўтариб, санан бир минг икки юз эллик саккизда<sup>1</sup> тахт мурассаъга ўлтургуздилар. Неча сўқум ва қўй сўюб, тўй ва худойи қилиб ва яна сарулойи олий тайёр қилиб, ҳар кимга либоси муносиб бериб, барча халқларни сарафроз айлаб, ул кеча фароғат топдилар.

Алассабоҳ ҳар жамоадин калоншавандаларини, амин, оқсоқол ва арбобларни чорлатиб, маслаҳат қилиб, асбоб ва яроқ тарадудини ўртага солиб, сипоҳи кўҳналарга яроқ ва милтиқ фармонладилар ва ҳар ким ўз жойи учун ҳаракат қилсун деб, атроф ва жавонибга милтиқ ва шоф ва шамшир фармонлаб, иноятнома ёздилар ва яна маҳалла-маҳаллага улов пули дафтари юзидин мувофиқи аҳвол милтиқ буюрдилар. Ҳамма халойиқ аз тахти дил тарадудга туштилар.

Ҳар кун Раҳим наққорачи деган, ўтган хонлардин қолгон табаррук одам бор эрди, ҳар кунни шодиёна қўюб, кўси калон наққоралар ва карнай ва сурнайларни навозишга киргузуб, нағмаи жонгудоз айлаб эрдилар. Болтажон Ҳофиз Намангоний, Қўр Юсуф Намангоний сурнайни жўр қилиб, тонг отқунча ҳофизлик қилар эрди. Ҳар кун атрофдин тортуқ келиб, дуо қилур эрдилар...

Бир калима сўз Ботурхондин эшитмак керак. Замоники Иброҳим Хаёл саҳл одам бирла қочиб бориб кўрунуб қилди эрса, амирнинг ҳуши бошидин учуб, ҳайрат бармоғини тишлаб тафаккурга тушти. Соатидин сўнгра аркони давлатини чорлаб, даргазаб бўлуб кўшун қилмоқга фармойиш қилди. Вазири донолари ҳарчанд манъига кўшиш қилдилар, онча маъқул тушмади. Билахир, кўшунни беадад бирла Хўқандни қасдида отланди. Неча манзил ва мароҳил тай қилиб, Хўқанднинг қибла тарафига босиб тушти. Баякбора югургузди. Аламзада мерганлар тахти дил бирлан чунон милтиқ

<sup>1</sup> Милодий 1842—43 йиллар.



бирла отиб бердилар. Неча баҳодир манғитлар ўқға учти.

Ул вақтда ҳануз қўрғон бино бўлгон йўқ эрди. Шох бирла жайф босиб эрдилар. Яна эрта бирлан яна югуртурди. Хўқанд халқи далил бўлуб, андоғ милтиқ ва фавзу жазоил отдилар, ўқлари хато бўлмади. Кўп манғит беадад ўқға учуб ўлдилар. Ҳар кун эртадин то қазойи пешингача уруш солмаса, Хўқанд мерганлари хумори бўлуб, бетоқат бўлур эрдилар. Чунон далил бўлдиларки, жайфдин чиқиб, боғларға оралаб, ўтчи манғитларни отар эрдилар.

Шаҳарда ғалла ва хашак ноёб бўлди. Мусулмонлар кўп танг бўлдилар. Атроф қишлоқлар шошиб, мол ва жонларини Хўқанд ичига олиб эрдилар, тангликдин молларини сўюб, хўрок қилур эрдилар, Шералихон бечора таваккал зоти вожибга қилиб, бир неча солхўрда бойлар ва муллалар бирла суҳбат тутуб, худога мутаважжих бўлуб, ўрда ичида истиқомат тутуб турди. Дунё йўқ ва хазина йўқ, инъом ва эҳсонға ажнос йўқ. Билахир, маслаҳат топдилар. Хизмат қилгон баҳодирларға ёрлиғ бердилар. Домла Абдулвахоб мунший ва домла Исмаил Мирзо ва домла Муҳаммадражаб Мирзо ва мулла Ҳабиб Мирзо ва мулла Абдурахим Мирзо ва мулла Мирзоолим Мирзо ва мулла Исо Мирзо ва мулла Абдураззоқ шоир ҳар кун жамоат бўлуб, ёрлиғ битар эрдилар.

Одам отган ва хизмат қилгон одамларға ёрлиғ берар эрди. Хоҳ сипоҳ ва хоҳ фуқаро неча кун сой тарафдин ва Жарчамандин уруш солди эрса, мақсуди ҳосил бўлмай, кунчиқар тарафда Тўқайтепа деган мавзёға кўчуб кўнди. Шул вақтда маврид топиб, Хўқанддин оқ уйли бўлуб кетган одамлар, Муҳаммадкарим Қашқа деган бир неча одам бирла қочиб, сой тарафдин кирди. Дафъатан хон хизматлариға бориб, дуо айлаб, хоки пойларин кўзға сурди. Қордон одам эрди. Жаноби олийға ва аркони давлатға ўр кавламоқға маслаҳат айтти. Ҳамма халойиқға маъқул бўлуб, Муҳаммадкарим Қашқани ўзини фармойиш қилди. Худойназар Амин ўн икки оғоликлар бирла учлаб тақсим қилиб бердилар. Ур тупроғини ичкари тарафға олдилар эрса, тупроқ баланд бўлуб, девордин ҳам яхшироқ бўлуб, устиға шох ва тўнгалар бирла баланд қилиб, милтиқандоз қилдилар. Баъзи ери тамом ва баъзи ери нотамам эрдиким, алассабоҳ Тоғлиғ тарафдин баякбора манғит

босиб кириб, карнай қўйди. Ҳамма саросима бўлуб, шошиб қолдилар эрса, Тоғлиғ мерганлари Жарчаманда эрди. Огоҳ бўлуб, етиб келдилар. Дафъатан пиёда бўлуб, жайфдин ўтуб, аробаларни тескари қилиб, ўқни устиға тахтафаранг ва жазойилларни қўюб отабердилар. Кўча бирла тикилгон манғитлардин ўтуб, чок-чок қилиб, тутдек тўкуб солди. Орқаға қайтолмай отдин ташлаб, пиёда боғларға уруб кетдилар. Шул ҳолда аламон халқи жайфдин ўтуб, карнайчини ушлаб банди қилдилар. Яна Бекмурод Қалла деган саркарда бош бўлуб келган эрди, ушлаб бошини кесиб олдилар ва яна боғлардин неча манғитни ўлдуруб ва банди қилиб, беадад бўш отларни боғлардин ушлаб ва хотунлар ҳам от ва банди олдилар. Бул тарафдин саранжом бўлдилар эрса, Навбахор тарафдин Абдурахмон Метин кириб, Таиграқули шиғовулни боғиға келиб карнай қўйгон экан. Тоғлиғ мерганларни, чунончи Юнус додхоҳ ва Абдурахим юзбоши ва Муҳаммад Юсуфбий ва Муҳаммад Каримбий ва Бойбўтабий, бир неча мерганлар Навбахор тарафиға бориб, жазойил ва тахтафарангларға ўт бердилар. Қабат-қабат ўқ ўтуб, тутдек тўкти. Манғитлар қочиб, тоқат тутмай орқаға қочдилар. Аламонлар югуруб ва бир нечани банди қилиб олдилар. Ҳамма мусулмонлар хушвақт бўлуб ва шодмон бўлдилар, шодиёна қўйдилар. Худованди каримға шукр айтдилар.

Манғитлар бу тарафдин мунча далиллик бирла келгонининг босиб андоғким, Мирзо оқсақол деган Навбахорий ва мулла Муҳаммад Юсуф саҳоф Навбахорий амирға тил бериб, хат чиқариб, шул тарафдин кирмоқға ишорат қилгон экан. Бул хабарни аламонлар эшитиб ҳужум бўлуб, Мирзо оқсақолни ва саҳоф мазкурни тутуб, уйларини торож қилиб, ўзларини ўлдурилди эрса, бу хабарни қўшуни манғитлар англаб, тавахҳумға қолдилар. Шул аснода Шоди додхоҳ ва Мусулмонқули қипчоқ ва яна неча оқ уйли бўлуб кетган маврид топиб қочиб келдилар эрса, Баҳодирхон тавахҳумға тушти ва лекин мардуми Хўқанд ҳаддин афзун ғалла ва хашак ваҷҳидин кўп ҳалок бўлди. Шул вақтда мавзёи Ҳашт ва Чодак тарафидин Бегимқули жарчибоши қипчоқ миқдори икки юз от ва эшакка ун, жувару юклар, миқдори беш юз қўй ҳайдаб дарёдин ўтуб, Ер масжид тарафдин кириб келди эрса, халойиқға фараҳлик ҳосил бўлди ва яна Азимхожа эшони Марғинонийким машҳурлар, то Уш ва Андижонға хат ёзиб, уламо ва фузалар



ва марди коройиларни азбаройи мадад учун талаб айлаб юбордилар эрса, уларга кўп маъқул тушуб, амин ва оқсақоллар тараддуд қилиб, неча марди коройиларни жам айлаб Марғинон келдилар. Мунда буларким, ҳазрати эшон ва туралар неча миқдор мерганларни жам этиб, тайёр бўлуб туруб эрдилар. Йўлга равона бўлдилар эрса, суръат билан юруб кечалаб, вақти азон Мазанглик тарафдин ҳужумни лашкар бирла бир оқ аламлик туғ бирла кириб келдилар. Хонга хабар бердиларким: «Ҳазрат эшон икки минг мерган бирла Андижон ва Марғинон уламолари азбаройи мадад келибдурлар»,— деб. Дафъатан истиқболга амин, оголиқларни буюрдилар. Бориб дастбўслик қилиб, бошлаб Шералихон хизматларига олиб келдилар. Хон бечора, неча қадам истиқбол бориб, зиёрат ва мулоқот эти. Юқори ўлтурсузуб, дастурхонни олиб, таомҳои гуногун тортиб, баъд аз фароғ сарупойи олиб бериб сарафроз қилдилар. Андин сўнг тамоми уламолар жам бўлуб, бир тахта коғазга ривоят қилдилар. Нурулло хожа раис ва мулла Муҳаммадқарим қози Ушийга бердилар. Булар қўрғон жайфларидин айланиб, дафъа-дафъа муддат ерларда бўйнига фўта солиб, ривояти уламони ўқуб, мазмунини амри маъруф қилиб, халойиқга фаҳмлатур эрдилар. Андоқким: «Эй мусулмонлар, огоҳ ва доно бўлунгларким, шаррият ҳукми, ривояти уламо шулдурким, бул манғити муфсидни ўлдурғон ғози, ўлғон шаҳиди аъло. Эй биродарлар, мужтахидлар ривоят мазмуни шулдур, белларингнн маҳкам борлаб, тахти дилда жадаи-жаҳд қилинглр, савоби азим топарсизлар»,— деб йиғлаб, мардумларни далил қилур эрди. Кеча-кундуз жайф айлаиб, амри маъруф қилиб, отдин тушмай тараддуд айлар эрди. Шул аснода амири бадкир элчи киргузди эрса. Ковусбек, Тўйчибек баякбора аждар даҳан деган катта занбуракка ўт берди эрса, замину замонга ларза кириб, атроф ва жавонбдин аламонлар пайдо бўлуб келдилар. Қўрдиларким, элчи келгонига отган тўп экан. Булар хотиржам бўлуб қайттилар эрса, Ғозеглиғ тарафдин ҳужуми одамлар келиб, бир-бирига ҳамла қилур эрдиларки, «қайтғил, урушқа борурмиз»,— деб. Булар айтур эрдиким: «Уруш йўқ, элчи келибдур»,— десалар, маъқул бўлмас эрди. Сони англадиларким, элчини келгонига отган занбурак экан.

Элчи яхши одам экан, Деҳибед хожалардин экан. Мардумга дилдорлик бериб, яхши муомилалар қилди:

«Боракалло ҳаминияларингга, маҳкам бўлунглр!»— деб. Элчини хонга кўрсатиб, яна қайтардилар.

Элчи бориб амирга онча кўрган воқеаларни баён айлабдурким: «Иложи йўқ, ҳаддин афзун маҳкам, хотун — эркак ҳамма бел борлаган, самимий қалб бирла омондан жанг турурлар, агар бир йил турсангиз ҳам, ҳеч ваҳддин буларни чарчатиб бўлмас»,— деб, бозгаштга мойил қилди. Алассабоҳ кўч қилиб, бозгашт қилди.

Қирқ кун қамади. Шул замон аламонлар чиқиб, баъзи йиқилғон ва адашқонларни тутуб, банди қилиб олиб инъом олдилар. Ҳамма халойиқларга шодмонлик ҳосил бўлди ва хотиржамлик мияссар бўлуб, умаро ва фузало ва юрт яхшиларни ўрдага жам бўлуб, қўрғон қилмоқга маслаҳат қилдилар.

Қаримқули халифа деган Муҳаммадалихондин қолғон одам бор эрди, они мутасаддий қилдилар. Худойназар амин ва Азиз амин ва Раҳимқули чойфуруш ва ўн икки оголиқлар жамоат бўлуб, атрофи қўрғоннинг найза бирдан ўлчаб, маҳалла-маҳаллага мувофиқи аҳвол тақсим қилиб бердилар. Урини қишлоқ халқиға бердилар ва атроф саркардаларига ҳам бақадри аҳвол бердилар эрса, ҳамма халқ аз самими қалб ишлаб, қўрғонни саҳл кунда итмомига еткурдилар. Филжумла хотиржам бўлдилар...

Замоники амири Бухоро бозгашт айлаб мурожаат қилди, суръат бирла қочқондек Хўжанддин тамоми оқ уйли Хўқандликларга жавоб бериб қайтарди. Андоқки Азимбой қушбеги, Тангриқули шиговул ва Солиҳ судур ва Муҳаммад Ниёз худойчи ва Танди иноқ ва Муҳаммадқарим ясовул ва яна шул масаллик одамлар жамоат бўлуб келдилар. Жаноби Шералихоннинг мулоқот айлаб, сарафроз бўлуб, муборакбодлик қилдилар.

Эл ва халқга хурсандлик ҳосил бўлуб, умаро ва уламо ва фузало—ҳамма иттифоқ бирла Тошканд фатҳига қўшун маслаҳат қилдилар эрса, бир неча хушёр ва кордон ва кордида маслаҳатлик одамларни Маллахон шаҳзодага ҳамроҳ айлаб, шаҳзодани амири лашкар айлаб, Юсуф мингбоши қирғизни сардори лашкар айлаб фотиҳа бердилар. Булар хуш ва хурсанд жамоат бўлуб, азбаройи фатҳи Тошканд ва Қурама равона бўлдилар. Дарёдин ўтуб, неча манзил ва мароҳил тай қилиб, давон устиға чиқиб эрдилар, Фармон додхоҳ жамоаси бирлан келиб хонзодани дуо қилиб, қўлларини кўзига суртиб, тамоми аркони давлатга мулоқий бўлуб, хуш ва хурсанд бўлдилар. Шул кун қўндуруб, аҳли қўшунни

меҳмон қилиб, ҳар ваҳддин мамнун қилди. Чунон хонзода маа аркони давлат билиттифоқ юртини ўзига марҳамат қилиб, Гаровчи устига равон бўлуб бориб қўндилар. Ул кеча ётиб, эрта бирлан кўч қўюб, мавзеи Бўкага бориб босиб қўндилар эрса, маслаҳат бирла Муҳаммад Ниёз худойчини элчи айлаб, Гадейбой додхоннинг олдиға киргуздилар.

Худойчи кўп оқил, хушгўй одам эрди. Бир неча сулҳомиз сўзлар баён қилди эрса, онча маъқул бўлмади. Билахир, қайтиб келиб аркони давлатға Гадейбой ва Абдурахмон метин азбаройи мадад келган эрди. Буларнинг сўзларини бир-бир баён қилди эрса, дарғазаб бўлуб, жўш ва хуруш бирлан отланиб, атрофи қўргони Бўкани гирдоғирд қуршаб, тўп ва тўфанг ва жазойилларға ўт бердилар эрса, қўргон ичига ўқлар балойи осмонидек ёғди эрса, саросима бўлуб, хуш бошидин учти ва яна пийда мерган югуртурдилар. Дарҳол қалъани тағига етиб, бел ва каланд бирла кавлаб қўргонни раҳна айлаб, тамоми аҳли қўшун баяк-бора қўргон ичига ўзларни олиб урушуб, отиб, чоплаб, босиб кирдилар. Гадейбой ва Абдурахмон метин маа қўшунни манғит ҳарчанд тиккапў ва жустужў қилиб, тоби мақовамат қиллолмай роҳи гўризпеш қилиб, баҳазор машаққат қўргонидин чиқиб қочтилар эрса, орқасидин муборизлар татиқиб қилиб, нечани чопиб, нечаларини банди асир айлаб, олиб келдилар. Гадейбой ва Абдурахмон метин Тошканд тарафига қочиб, Муҳаммад Шариф отолиқ олдиға ўзини олди.

Ушал кун аҳли қўшун зафар топиб, Бўка халқини чунон торож ва поймол қилиб, икки кун туруб атроф ва жавонибдин тортуқ олиб, саранжом ва саришта айлаб, бадавлати тамоми хуш ва хурсанд кўч қилиб, Пекатға нузул этиб қўндилар. Тўп қўюб, кўс ва наққора шодийна ва карнай навозишға киргуздилар эрса, ҳамма халқға фараҳлик ва хурсандлик ҳосил бўлди. Хожа ва уламои Пекат ва калоншавандагон ва амин, оқсақол тортуқ ва дастурхон олиб, чунон хонзоланинг дуо қилиб, меҳрибон қўруб, либоси олий кийиб сарафроз бўлдилар.

Ул ерда бир кун туруб, эрта бирлан кўчуб, давлати тамоми бирла Тўйтепа устига нузул ва ажлол айладилар ва бир-икки кун таваққуф айлаб, ўшал ерда турдилар. Маслаҳат қилиб, бир неча сухани мулоим ва насиҳатнома қилиб ва яна бир неча руқъан пинҳоний бирлан умаролардин бир одами хушёрни элчи қилиб ва бир неча одами хушёрни анга қўшуб, Тошканд калон-

шавандаларига сипориши хати пинҳонийнинг топшурмоқ учун меҳрибонлик қилиб, Тошкандга равона қилдилар эрса, булар суръат бирлан бориб, дохили Тошканд бўлдилар. Оқсақоллар пешбоз чиқиб, иззати тамоми бирла олиб кириб, оталиқға мулоқот қилдуруб эрдилар, хати сипориш — насиҳатномани қўлиға берди. Уқуди, эшиттилар эрса, хат аркони давлатға камокон маъқул бўлди. Аммо оталиқға маъқул бўлмади. Бир неча молйиғи сухани бемазаларни элчиға сўзлади. Ушал кун элчини меҳмон қилиб, эрта бирлан қайтарди. Тараддуи жангға муқайяд бўлди...

Вақтики оталиқ кўрнамак сухани молйиғи бирла элчини қайтарди эрса, тошкандликларға маъқул бўлмай, бир жойға шабона йиғилиб, тамоми калоншавандалар, чунончи мулла Солиҳбек ва Бекмуҳаммад оқсақол ва Зухур эшик оғоси ва бир неча уламо ва умаро ва оқсақоллар жамоат бўлуб, хат ва арза ёзиб, аҳдлар қилиб ўшал кечаси Бекмуҳаммад оқсақолни қўлиға бериб, сўзни бир ерга муқим қилиб: «Бизлар ичкаридин бўлсак, сизлар ташқаридин бўлуб, бул кўрнамакни ўртадин кўтарурмиз, ҳар ваҳддин бизлардин хотиржам бўлунглар», — деб, Бекмуҳаммад оқсақолни фотиҳа бериб, хонзода олдиға шабона чиқардилар.

Ушал кечада қўшунға дохил бўлуб, аркони давлатни кўруб, даст-бўслик қилиб сарафроз бўлди. Аркони давлат жамоат бўлуб хати арзани ўқуди. Кўнгиллари тўлуб, камокона катта-кичikka хурсандлик ҳосил бўлуб, либоси гуногун марҳамат айлаб, ўшал кеча яна оқсақолни қайтардилар. Алассабоҳ ҳаммаи аркони давлат омодаи жанг бўлуб, давлати тамоми бирла отланиб, шавқу завқ бирла Каварнавои деган мавзеёга қўнуб, атроф ва жавонибға чаповул қўйдилар эрса, бул хабари ваҳшатасар оталиқ кўрнамакни гўш ва хушиға етиб, хуши бошидин учуб, саросима бўлуб, номус кучидин лоилож отланиб, қўшунни Тошканд ва қазоқия бирлан Солордин ўтуб, Талоғучтепа деган ерға қўнди. Ушал кеча оталиқ қўшунидин бир неча хўқандлиғ ва тошкандликлардин қочиб келиб, оталиқ қўшунини нонттифоқликларини баён қилдилар эрса, ўшал кун жамоат бўлуб, маслаҳатни ушбу ерға қарор бердиларким: «Агар фаттоҳи зулминан бизларға фотиҳ ва носир бўлса, эрта бирлан мажмуи мерганларни жамоат қилиб олдимизға солиб, орқадин тамоми лашкар, қўш ва пилтир билан манзур қилмай, бенбо камони тўфонгға ўт бериб, ўқларни жаладак ёғдуруб, бир «оллоҳуакбар» бирла от қўюб бос-

моқдин бўлак сўз бўлмас»,— деб фотиҳа ўқудилар. Хотиржам бўлуб, ўшал кеча фароғат топтилар. Аммо Чирчиқни ул тарафи оталиқни қаровули, бул тарафи хўқандликни қаровули «соғ бўл ва берк бўл»— деб ухламай тонг оттурдилар эрса, аҳли қўшун отланиб, тамоми коройи мерганларни ҳар дастадин олиб жам қилиб, милтиқларни ўқлаб, филталарин тутатиб олдиларига солиб, ўнг ва сўл қилиб, журъат ва ғазаб бирла пурдил бўлуб, беибо қўш ва пилтир бирлан Тошканд қўшунни тарафига равона бўлуб, суръат бирлан Чирчиқдин ўттилар. Кўрнамак қўшунига мутаважжих бўлуб бостилар эрса, муборизларнинг отларини туёқидин чиққан чанг ва гард Дашти қипчоқни ҳавосини зулуматга айлантуруб, рўзи равшанни қаронғу кечадек қилди. Бул чанг, гард кўрнамак қўшунни кўрдилар эрса, бесаранжом бўлуб, ларзага келиб турар эрди.

Филжумла яқин етгач, «оллоҳуакбар» деб фотиҳа бердилар эрса, Тошканд халқи бошлаб бузуб, қочиб берди. Орқасидин қазоқ бузулуб, мутафарриқа бўлуб кетти. Қўшунни иккаласи аралаш бўлуб, дўст-душманни имтиёз қилмай, Тошканд ичига дохил бўлдилар. Оталиқ кўрнамак ўз тавобеълари бирлан ўрдага қамалиб, дарвозаларни хокрез қилиб кўмдурди эрса, атрофини ҳалқадек қўшун қуршаб туштилар. Пароканда лашкарга эътимод қилиб, шармандан охират бўлди..

Бир соат ўтмаб эрдик, бир тахта қоғазга арзи аҳволини ёзиб, ўз гуноҳини тилаб одами муътаиддин чиқарди. Мазмуни арзаси шулким: «Камина бир умр Муҳаммадалихонга хизмат қилиб, тахти дилда урушуб, Уратепа устида амирга банди бўлуб туштум. Амир меҳрибонлиқ қилиб, навкар қилди ва хизматга солди. Тошканд ҳукуматини бериб эрди, ноилож расми сипоҳигарлиқ қилиб урушмай юрт бермоқни ўзумизга лозим кўрмай, мунча амали нописандида ва кирдори ношойишта вуқуъга келди ва яна хонзодамага ҳам яхши бўлдиким, аввал сафарларида Гадойбой додхоҳ ва Абдурахмон метин ва Муҳаммад Шариф оталиқдек номдорларнинг бир ҳамлада зеру забар қилдилар. Иншоаллоҳ, жаҳонгир бўлурлар. Эмдиликда бул гуломларини гуноҳларин афв айлаб, марҳамат қилсалар, деб, бауминди қабул арза қилдим. Подшоҳ бокарам ва банданавоздурлар аттақсир» деб, арза чиқарди. Хонзода чиқиб дуо қилсун, фармонладилар эрса, аз рўйи лоиложи тавобеълари бирла чиқиб дуо қилдилар. Хонзода ва мингобоши ва аҳли қўшун бирла ўрдага дохил бўлуб, қои-

дан султонлик ва русуми жаҳондорликни барпо айлаб, барқарор бўлдилар эрса, уламо ва фузало ва калоншаванда ва бойлар фирқа-фирқа, гуруҳ-гуруҳ келиб, хонзодани дуо айлаб, муборакбод қилдилар. Хонзода ҳар қайсиларига мувофиқи мартабалари либос ва дастор марҳамат қилиб, сарафроз қилур эрдилар.

«Қадимулайёми қайси тариқа амалдор бўлса, жой-жойларида барқарор бўлсун»,— деб меҳрибонлик айладилар. Юрт яхшилари бирла маслаҳат қилиб, арза ёзиб оталиқ кўрнамакни оғанилари ва фарзандлари бирла бир неча хизматларда калла ботурлардин ҳамроҳ қилиб, Хўқандга юбордилар. Бир неча кун Тошкандда истиқомат қилиб, атроф ва жавонибдин тортуқ олиб ва яна Дашти қипчоқдаги қазоқия бийлари келиб, тортуқ ва ҳадя бирла дуо қилдилар. Аларга муносиб либоси кимхоб ва латта ва зарбофт ва фўтан заррин ва ёрлиғлар бериб, марҳамат айлаб, сарафроз қилдилар.

Неча кун туруб, арқони давлат маслаҳат бирла Муҳаммадкарим каллаи Марғинонийнинг ҳокими Тошканд қилиб, Давронбек додхоҳ тожикни ботурбоши қилиб, сарупойи олий ва ёрлиғ марҳамат айлаб, мурожаат қилдилар.

Неча манзил ва мароҳил тай қилиб, азбаройи фатҳи Хўжанд гоним ва солим давлати тамом бирла музаффар ва мансур бўлуб, Хўжанд устига, дарёнинг лабига нузул ва ижлол айладилар. Дафъатан марҳаматноман банозокат одамони ҳушёрдин жаноби хожа калон Жўйборийга, ҳокими Хўжанд эрдилар, киргуздилар. Булар бориб хонзодани марҳаматларини еткуруб, яхши муомила қилдилар эрса, ҳокими Хўжанд дафъатан отланиб, элчилар бирлан хонзода олдиға келиб, таъзини убудият бар жо қилиб, дуо айлаб муборакбод қилдилар. Эъзоз ва икром, тавқир ва эҳтиромларини бажо айлаб, сарупойи олий сарафроз қилдилар. Давлати тамом бирла отланиб, дарёдин ўтуб Хўжандга дохил бўлдилар. Уламо ва умаро ва фузало ва машойих ва амин ва оқсақоллар тортуқ ва ҳадялар бирла келиб, дуо қилдилар. Жомаҳойи фоҳира муносиби ҳол марҳамат қилиб, сарафроз айладилар.

Андин Нов ва Қўштегирмон узасиға отланиб, Оқсувга нузул қилиб, аларни ҳокимлари ҳам пешбоз чиқиб дуо қилди. Сарупойи олий бериб, сарафроз қилдилар. Аъёни вилоят, амин ва оқсақоллар келиб дуо қилиб, марҳамати олий ва сарупойи олий бирла сарафроз бўлдилар. Андин сўнг арқони давлат Уратепа устиға бор-

моққа маслаҳат қилдилар эрса, жамоани қипчоқ қабул қилмадилар. Ораға чиза муҳолафат пайдо бўлди. Лоилож мурожаат қилиб, неча манзил ва мароҳил тай қилиб, ғоним ва солим давлати тамом бирла хуш ва хурсанд, музаффар ва мансур дорус-салтанага дохил бўлуб, хон саодатнишоннинг дастбўслариға мушарраф бўлдилар.

Ул кеча фароғатда эрдиларким, қипчоқлар маслаҳат қилиб, бир кечада сой тарафдин чиқиб, икки сув орасиға бориб йиғин қилдилар. Андин сўнг аркони давлат маслаҳат қилиб, оталиқ кўрнамакни темур қафас ичида сақлагон эрдилар... Андин сўнг, неча муддатдин кейин бозори Уратепасиға олиб чиқиб, оталиқ кўрмак(ни) қатл айладилар... Андин сўнг Абдуали додхоқ укаси оталиқни вилояти Чустга юбориб, қатл қилдилар...

Вақтики жамоан қипчоқ Мусулмонқули васвасаси бирлан жамоат бўлуб, Оқтепан Шаҳрихонға қўш қилиб туруб юрдилар эрса, аркони давлат билиттифоқ қўшун тортиб, азборойи мусолаҳа Саримсоқбек амири лашкар ва Юсуф мингбоши қўшуни беадад бирлан равона бўлуб, Ерматорға бориб қўндилар. Ул вақтда Шоди додхоқ ҳоким эрди.

Уламо ва фузало ва умаролар бирла истиқбол чиқиб, банззати тамом қўндуруб, меҳмондорликни камокона бар жо қилиб, алассабоҳ бадавлати тамом отландилар. Манзил ва мароҳил тай қилиб, Шаҳрихонға яқин етгач, уламо ва фузало ва тамоми калоншавандалар истиқбол чиқиб, Шаҳрихон устида бир қуруқ васиъ бор эрди, анга қўндуруб меҳмондорлик қилдилар. Уламо ва фузало ва умаролар жамоат бўлуб, маслаҳат бирлан элчи юбормоқ бўлуб, ҳар жамоадин одами оқил ва донолардин элчи қилиб юбордилар. Булар бориб уларнинг муддаоларини сўрдилар эрса, муддаоларини пардадин чиқариб айтдиларким: «Бизлар ҳеч кимдин ранжида бўлгон эмасмиз, аммо кал Юсуф мингбошидин озурдадурмиз, ани чиқариб ўрниға ҳар кимни мингбоши қилсалар, қабул қилурмиз ва лекин ул кални ҳукмиға кирмасмиз ва яна бизларға миңбаъд зиён ва зарар ва заҳмат етмаса, бирор аҳднома умид қилурмиз, мундин бўлак муддаомиз йўқтур»,— деб элчиларни банззати тамом қайтардилар. Булар келиб анча ўтган сўзларни баайни тақрир қилдилар эрса, аркони давлат жамоат бўлуб маслаҳат қилиб, Юсуф мингбоши қирғизни мингбошилиқдин чиқариб, ўрниға Шоди додхоқ

ни мингбоши қилиб, Юсуф мингбошини Марғинонга саркарда қилдилар ва яна ўшал соат аҳднома буюрдилар...

Мирзолар аҳдномани тамом қилиб, элчиларға бердилар. Элчилар қипчоқларни ичига бориб, бўлгон воқеаларни баён қилиб, аҳдномани аларға бердилар. Жамоат бўлуб ўртада аҳдномани ўқудилар эрса, ҳаммасини дилидин фитна ва фасодлар бартараф бўлуб, баябора йиғлаб, дуо қилдилар. Ҳаммаларини кўнгиллари равшан бўлуб, отланиб келиб, амири лашкар хонзодани дуо қилдилар. Қўзи қўйга қўшилгондек топишиб, як жузв ва як бадан бўлуб, мурожаат қилиб, дорус-салтанага равона бўлдилар. Неча манзил тай қилиб, дорус-салтанага дохил бўлуб, жаноби хон кароматнишоннинг дуо айлаб ва дастбўсликға мушарраф бўлдилар.

Шул замон аркони давлат билиттифоқ маслаҳат қилиб, Мусулмонқули қипчоқни ботурбоши қилдилар. Юсуф мингбошини Марғинонга ҳоким қилдилар. Шоди додхоқни мингбоши қилдилар. Саримсоқбекни Тошкандға ҳоким қилдилар. Бухородин келган оқ уйлиларким, Азимбой қўшбеги, Тангриқули шифовул, Сидиқ тунқатор ва амсол буларким, Муҳаммадалихон шаҳиддин қолгонларни хонзодаға ҳамроҳ қилиб сипориш айладилар ва айдилар: «Сизлар кордон ва кордида беклариниға яхши йўл кўрсатинг ва яхши йўлға солинглар»,— деб сарупойи олий ва ёрлиғи олий бериб, сарафроз айладилар. Ҳамма саркардалар хуш ва хурсанд отланиб, юрт-юртлариға равона бўлдилар...

Вақтики саркардалар сарупойи олий ва ёрлиғи олий бирла хурсанд ва шодмон бўлуб юртлариға равона бўлдилар, амири лашкар ҳам мўйсафид куҳансоллар бирла озими Тошканд бўлдилар. Вақтики яқин боргонда, Муҳаммадкарим калла додхоқ ва Давронбек баҳодирбоши, уламо ва фузало ва умаро ва амин, оқсақоллар истиқбол чиқиб, иззат ва икром бирла дохили Тошканд қилдилар. Барчага муносиб либослар бериб, сарафроз қилдилар. Ҳаммаи аҳли Тошканд сипоҳ ва фуқаро форигбол бўлуб, умри давлати хонзода дуога машғул бўлдилар. Кундин-кунга шукуҳлари зиёда бўлуб, осойиши халқ оллоҳға саъй ва кўшиш айлаб, ҳукмронликға машғул бўлдилар.

Замонки Шоди мингбоши ҳукуматни зери даст қилиб, ҳукмронликға машғул бўлди, чунон доно ва ҳушёр ва ҳамадон ва маҳмадона эрди. Ҳар кимарса арзға келса, муддаосини баён этмасдан бурун ўзи тақрир қи-



эрди, Мирзоларга кўп ривож бериб, танобга чиқарди. Камокона пули танобни жам айлаб, хазина қилди. Эски ўрдага, ҳоло бозор ва мадраса бўлгандур, Шералихон бирла истиқомат қилиб, макон туттилар. Чунон мамнулик Хўқанд ва Марғинон одамларни ривож олдилар.

Шоди мингбоши кал Юсуфдин ибн қилур эрдиким; мабодо бир фасод бошламаса, деб. Аркони давлатга маъқул қилдиким: «Кал Юсуф хаёли фосидга мубтало бўлуб, қипчоқ, қирғиз бир бўлуб, фасод бошламоқ тараддуд қилмишдур», деб катта ва кичикларга маъқул қилиб, неча гувоҳ ва исбот бирла хонга арз қилиб, қатлига ҳукм айлаб, Муҳаммадкарим ясовул алқорни буюрдилар эрса, суръат бирла бориб даражан шаҳодатга еткурди...

Андин сўнг Яккамеҳр мингбоши бўлуб, ҳукумат дастгир қилиб, атроф ва жавонибдин бохабар ва ўз ишига ҳушёр бўлиб, бир суқуб ўн марта атрофга қарар эрди. Бул арода Андижон тарафдин бир сўз фасодомиза самийга етти эрса, яна одами ҳушёр буюруб, меҳтар ва Мусулмонқули аҳволидин хабар олмоқга. Бул одам бориб зимнан огоҳ бўлдиким, Мусулмонқули толиби фасод, мунтазири вақт бўлуб, катта ва кичикга сўз маъқул қилиб, нав фитна ва фасод бошламоқ табиатиға жой олиб, саён ва кўшишда эрди.

Дафъатан суръат бирла келиб, Шоди мингбошига баён ва аён қилди эрса, аркони давлатни жам айлаб, бул воқеани ўртага ташлаб, келган одами ҳам қамту айлади. Ул одам онча англагон сўзини буларга тақрир қилди. Дафъатан хоннинг хизматлариға жамоат бўлуб кирдилар. Мусулмонқули қипчоқни қатлига иноятнома қилиб, хожа Муҳаммадбий ўқини буюрдилар. Суръат бирла равона бўлуб, Шаҳрихонга бориб кўнди. Анда неча ёр-дўст келиб аҳвол сўрдилар. Бул содалўҳ аларга боядшоёд асрори ниҳоний — мофизамирни аларга ифшо ва баён қилди. Бул базми суҳбатда Мусулмонқулдин хабаркаши бор эрди. Дафъатан равона бўлуб, Мусулмонқулиға бул сўзни еткурди. Анга кўп инъом қилиб, ваъдалар қилди. Қирғиз бетамиз алаассабоҳ отланиб, суръат бирла Андижонга дохил бўлуб, меҳтарни кўруб мулоқот қилиб, иноятномани меҳтарга берди. Меҳтар иноятномани олиб, ўрнидин туруб Хўқанд тарафиға қараб таъзим қилди. Ясовул қўшуб покиза жойи олийға қўш тайин қилди. Муборақомани Мусулмонқулиға юборди. Мусулмонқули дафъатан ўшал замон кат-

та ва кичикларни йиғиб, маслаҳат қилиб, жам мадди шул кеча даражан шаҳодатга еткурди. Атроф ва жавонибга жамоани қипчоқ ва қароқ жунбоғиш ва қирғиз ва ғайр ҳам турк ва то арабларга ваъдаи ваъид, муаккад бақасам қилиб, қайсиға бир шаҳарни ҳокимлигини тайинлаб, баъсил хат ёзиб равона қилди ва яна Муҳаммадназар Тошкандда эрди, хат юборди: «Басуръати тамом келсунлар», — деб. Ушал кун мукамал ва мусаллаҳ бўлуб, эрта билан Андижон ва Шаҳрихон қўшуни бирла отланиб; Мирободга бориб кўндилар. Гурўғли қипчоқ жамоаси бирла Шаҳрихонга кириб, Танди Иноқ саркор эрди, ани олиб Мирободга келиб қўшулдилар. Андин кўчуб Балиққидин ўтуб, мавзеи Каппага кўндилар. Андижондин бир неча яровлик одамлар буюруб эрди: «Сизлар кечалаб, Намангон ва Тўрақўрғон бориб, Мирҳожидодхоқим ҳоким эрди, дафъатан ўлдурунлар» — деб. Булар бориб дастгир қилиб ўлдурдилар эрса, ўшал замон Тошканддин Муҳаммадназарбек парвоначи қочиб келди. Андоғки анга Тўрақўрғон ваъда қилиб хат ёзиб эрдилар: «Мусулмонқули сардорни лашкар тўтуб, катта ва кичикларни насваса айлаб, сўз бирлан фирифта айлаб, ҳар кун ваъз айтиб ботурларни тезлар эрди. Эрта бирлан Каппадин кўчуб, Тўрақўрғонга дохил бўлди эрса, атрофдин одам келиб кўп жамоат бўлдилар. Бул ҳодисалар Шоди мингбошиға масмуъ бўлди эрса, саросима бўлуб, дафъатан атроф ва жавонибга иноятнома юборди ва яна жаноби Саримсоқбек ҳокими Тошкандга одами ҳушёрдин таъкидлаб, иноятнома юборди: «Суръат бирла етиб келсунларким, иш қўлдин кетти», — деб. Аркони давлат то Саримсоқхон келгунча таваққуф лозим деб, маслаҳат қилдилар. Шоди қабул қилмай саросима бўлуб, қўшун тортиб ва қилқуйруқ қилиб равона бўлди. Дарёдин ўтуб, Хуррамсаройга тушуб кўнди. Эрта бирлан отланиб, суръати тамом бирла Чуст вилоятиға дохил бўлуб, Боймоқ деган мавзеёга бир даста калла ботурлардин қаровул буюрдилар. Раҳматулла додхоқим ҳокими Чуст бирла маслаҳат қилиб, шикаст-рихт асбоб бирла сипоҳигарликга тараддуд айлади. Ушал кеча Мусулмонқули қипчоқ Хўқанд катта ва кичиклариға хат ёзиб юборди. Чунончи, Юнус тоғлиғ, Чинқул алқор, Абдулла афғон, Абдурахмонбий, Худоёрбек юз, Қулмонбий юз ва ғайр ҳам. Мазмуни хат шулким: «Бизларни кал Шодидин бўлак аҳдиға хусуматимиз йўқтур. Хонимиз хон ва бекларимиз бек. Сизлар бирла



бир тан ва бир бадан турурмиз»,— деб, хоса мерган, хоса ботурларнинг кўнгилларини ва кўйинларини пуч янгоқга тўлдуруб тайёр қилди. Булар ҳам хат ёзиб чиқардилар.

Ул кеча ўтти эрса, эрта бирлан бечора Шоди мингбоши Хўқанд катталариға илтижо бирла ваъз айтиб, кулла ботурларға хушомад бирла ваъдан ваъид қилиб отланди. Мазорларға худойи қилиб, мадад ва истионат тилаб, Чустининг кунчиқарида миқдори бир фарсах ерға бориб кўнди эрса, икки лашкар бир-бириға муқобил бўлди. Дафъатан қипчоқ кўшунни ҳам ибто босиб келиб, саф тортиб урушда толиб бўлуб турдилар. Шоди мингбоши отланди. Ҳар дастадин мерган ва найза даст жудо айлаб, жой-жойларға тайинлаб туруб эрдикки, хат чиқаргонлар иттифоқ бўлуб, Мўмин хожа, Юнус тоғлиқ бош бўлуб, қипчоқ тарафига қочиб ўттилар эрса, баякбора қипчоқ от кўюб бостурди. Шоди орқасига қочти эрса, чодирини олдиға боргонда қипчоқ ўртаға олиб, даражан шаҳодатға еткурдилар. Хўқанд кўшунни мутафариқа бўлуб кетти. Гўё киёмати сўғро бўлди, кўп шиддатлик уруш бўлди. Фуқаро ва сипоҳ аралаш бўлуб шаҳид бўлдилар ва бир неча Хўқанд катталаридан хат чиқармагонларни, чунончи Миролимбий, Бердалибий ва Худоёрбий ва Мулла Иззатбий ва ғайр ҳамларни омон бермай ўлдурдилар. Кўп мусулмонлар нобуд бўлди...

Ул кун қипчоқлар зафар толиб, кўшларида фароғат бирла ёттилар. Эрта бирлан отланиб, дарёдин ўтуб, ҳазрати шоҳ Жарерға кўндилар. Хўқанд мингбоши, амин, оқсақоллари тортуқ ва дастурхон бирла келиб кўрдилар. Буларға муносиб либос бериб қайтарди. Ул кеча неча сўқум ва кўй сўюб, худойи қилиб, дуон фотиҳа қилиб, ҳазрат мазори фазлосардин мадад ва истионат тилаб, эрта бирлан отланиб Тўқайтепа устиға бориб кўндилар эрса, Шералихон бечора саросима бўлуб, ҳаддин афзун шошиб туруб эрди, Саримсоқбек хонзода ва Давронбек додхоҳ маа кўшунни Тошканд шул замон дорус-салтанаға дохил бўлуб, отахонларини дуо қилиб, дастбўслик мушарраф бўлдилар. Аркони давлат маслаҳат қилиб, бир неча хушёр, бақонда одамларни элчи тариқасида чиқариб, салоҳ йўлиға таклиф қилдилар эрса, Мусулмонқули бир неча одамлардин номзад қилиб: «Шул тариқа муфаттинларни бизларға чиқариб берсалар, бизлар банда ва бурдадурмиз, бўлак муддаомиз йўқ», деб элчиларни қайтарди. Буларға ҳам бул сўз маъқуланамо бўлуб, маслаҳат қилиб, Муҳаммадумар

додхоҳ Марғинонийки, аскара ўртасида ривож олиб, кўп шуҳрат толиб, кўп одамларға озор бериб, мардумға ямон бўлуб эрди, маслаҳат бирла шул одамни қипчоқларға тутуб бермоқ бўлдилар ва яна айдилар:— «Хон тахтада туруб, аркони давлат ҳозир туруб, одам чиқариб бермоқ анча подшоҳлар шаъниға яхши эрмас», деб. Мазкур Муҳаммадумар додхоҳни бозорға чиқариб ўлдурдилар эрса, яна бир неча одамларни талаб қилди. Кўрдиларки, булар ваҳҳи беҳуда экан, муддаоси урушмоқ. Аркони давлат жамийят қилиб, маслаҳат бирла урушмоқ бўлди. Эрта бирлан уламо ва фузало ва машойхларни жам айлаб, фотиҳа олиб, толиби жанг бўлуб, чунон хон авлиёнишон отландилар. Аркони давлат, сипоҳ ва фуқаро ҳужум бўлуб, Марғинон дарвозасидин чиқиб, Мазангликдаги боқға тушуб, саҳл истироҳат қилдилар, яна отланиб хон авлиёнишон тамоми юз-чашмлари, хонзодалари бирла равона бўлуб, Ёйилмага бориб, сафи ораста қилиб турдилар. Қипчоқлар ҳам Ҳасанқаро деган қишлоқни устида саф тортиб турдилар. Ярим соат ўтмаб эрдиким, Турғоқ тарафидин Муҳаммад Назарбек парвоначи Намангон кўшунни бирлан бостуруб от кўйди. Мусулмонқули ҳужуми лашкар бирлан Ёбу ва Қалтатой қишлоқ тарафидин от кўюб бостурди. Ўртада бир неча тўп маҳрам ва кулла ботур уруш солдилар эрса, зиёда шиддатлик уруш бўлди. Яқбора қипчоқлар икки тарафдин от кўюб бостурдилар. Хон бечора юз-чашмлари билан орқаға қайтиб, гуризон бўлдилар. Кўп мусулмонлар шаҳид бўлдилар. Одам боши сойнинг тошидек бўлди. Фуқарони пиёда нечаси ўлган, қолғони ярадор, ҳаддин афзун луч ва бараҳна, кетлариға алафдин боғлаб сатри аврат қилгон, шаҳарға кирдилар. Азбаройи мусолиҳа жаноб ҳазрат Соҳибзода эшон чиқиб эрдилар, бул кишини ҳам яланғочлаб, банди қилгон эрди. Майдонгоҳда ўлук ва чала ўлук, ярадор буғдойни боғидек гўё бир ҳашри сағир бўлди. Қипчоқлар ўшал от кўйгонича санчиб, чопиб, аралашиб Хўқандға кирдилар. Хўқанд ичиди маҳалла-маҳалла юруб, бир нечаларни ўлдуруб, мол-амволин торож қилдилар. Шайхул-ислом Намангоний, домла Холсиёҳ, домла Хўжамқули, Азимбой қушбеги, Тангриқули шиговул, Солиҳ судур, Эрназар баковулбоши, Содиқбий ва Муҳаммадкарим ясовул ва яна шул амсол одамлардин беадад ўлдурди. Гўё қатли омдек қилди. Ушал кун ўлган ўлди, қолган қолди эрса, қипчоқлар ўрдаға жамоат бўлуб, уламо ва фузало ва машойхларни чарлаб олди. Булар ҳам минг таваҳҳум

бирла ва турш харрос айлаб «ал-ажал ва аҳди ва яна розини биқазоника»га амал қилиб бордилар эрса, Мусулмонқули мингбоши минг шева бирла ва сусаомиз иззат ва икром айлаб, навъи уларга маслаҳат ташлаб ва маъқул қилиб, Шералихонни оқ намадга солиб, дубора хон кўтариб, тахти салтанатга ўлтурғуздилар. Фотиҳа қилиб, либоси муносиблар бериб, иззат ва икром узаттилар...

Минг икки юз олтмиш<sup>1</sup> тарихда Тўқайтепа мавзеида уруш бўлиб, кўп одамлар ўлуб, беадад ярадор бўлуб, Хўқанд аскарига тафриқа тушганда, Саримсоқбек ҳокими Тошканд ва Давронбек додхоҳи тожик бир неча шогирдпеша махрамлар бирла Бухоро тарафига қочиб эрди. Хўжанд борғонда Даврон додхоҳни Бухоро бормоққа рағбати бўлмай, Хўжандда туруб қолди эрса, бир неча Шаҳрихон тожиклари қипчоқларга ҳамроҳ бўлуб, кўп хидмати шойиста қилиб, давлатхоҳ бўлуб эрдилар. Булар Мусулмонқулидин хат олиб, Даврон додхоҳга юбориб, олиб келдилар. Мусулмонқули сарупо бериб, меҳрибонлик қилди. Мулла Холибек қипчоқни Тошкандга ҳоким қилиб, Давронбекни баҳодирбоши қилиб, бир неча қипчоқ ва хўқандликларни ҳамроҳ қилди. Ерлиғ ва сарупойи олий бериб, Тошканд равона қилди. Мусулмонқули тамоми ҳукуматни ўз қўлига олиб, қипчоқ катталарига юрт тақсим қилур эрди. Андоғким, Мирзо қушбегига Намангонни ва Утамбойга Марғиновни. Ҳар қайсини ўз ихтиёрича ҳоким қилур эрди. Хон бечора бир табақ ош эгаси эрди. Шералихонга чандони рағбатлари йўқ эрди. Аввалги аҳдларини риоя қилиб ўлдурмадилар. Лоилож хон қилиб, маврид пойлар эрдилар. Ҳамиша фикр ва хаёлида эрдиларки, навъи қилиб, бўлак хон қилсалар. Бул бенизолик бирла ҳукмронликга иштиғол айлаб, ҳукуматни қипчоқларга хос қилиб, бўлак жамоаларга анча меҳрибонлиги йўқ эрди. Бул боисдин бўлак жамоалар Мусулмонқулига рағбатлари йўқ эрди.

Бир жамоа қирғизлар маврид толиб, йиғин қилиб, Уш устига келиб, то Учқўрғон ва Олойгача чошиб, бесаранжом қилди ва яна Саримсоқбек хонзода Бухоро бориб, амирни кўруб, дуо қилди эрса, амир меҳрибонлик қилиб, сарупойи олий бериб, Чордарага ҳоким қилди. Бир неча кун анда истиқомат қилиб, Тошкандга одами ҳушёрдин хат киргузди эрса, ҳамма тахти-дил бир-

<sup>1</sup> Милодий 1844 йил.

лан қабул қилдилар. Дафъатан Давронбек додхоҳни буюрдилар, бир кечада хонзадани Тошкандга олиб келдилар. Мулла Холибекни бир неча қипчоқлар бирлан банди қилиб, аробага солиб Бухорога юбордилар эрса, бул хабар Мусулмонқули қипчоққа масмуъ бўлди. Саросенма бўлуб, ҳуш калласидин кетти. Бул воқеа дафъига маслаҳат топмай туруб эрди, Уш тарафдин қирғиз жамиятларини хабари келди эрса, Мусулмонқули арқони давлатни маслаҳатга чарлаб айдиким: «Бизларни бул содалавҳ хон бирла ишминиз битмас, навъи қилиб бўлак хон қилсак. Муродхон деган Олимхонни ўғли Самарқандда бор эрмиш, анга хат қилиб Сотиболдибекга берсак, албатта олиб келиб тахтга ўлтурғузур. Бизлар холис бўлуб, қирғиз қўшунига борсак, эл-халқ биздин кўрмас ва аҳдимиз ҳам бузулмас»,— деб. Ушал суҳбатга Қосим беклар бегини ўгли Сотиболдибекни, ҳокими Исфара эрди, Хўқанд ичида ҳавлисида эрди, олдуруб келди. Аҳд ва имон билан кўнгил тўладурғон хат қилиб анга берди. Сўзни бир ерга қўюб, эрта билан қўшун қилиб, Ушга равона бўлди эрса, Сотиболдибек Исфарага бориб одами ҳушёр, кордондин хатни Муродхонга юборди. Суръат билан кеча-кундуз йўл юруб бориб, хатни Муродхонга топшурди. Хатни ўқуб, мазмунинин камокон огоҳ бўлди. Хат мазмуни тамоми элат ва сарт билитиғоқ аҳд ва паймонлар бирлан бўлғон хат экан. Дафъатан отланиб, шавқ-завқ билан кеча ва кундуз йўл босиб, Лолак деган дарага дохил бўлди эрса, анда Эшназарбий деган жамоан ибодатни каттаси эрди, атрофга киши юбориб, жамоат бирла келиб Муродхонни кўрдилар. Муродхон аларни ваъдан ванд бирлан сарафроз қилди. Ул кеча фароғатда ётиб, эрта бирлан отланиб жамоат бўлуб, Исфарага туштиллар. Исфарада саҳл истироҳат олиб яна отланиб, суръат билан бозор кун вақти пешинда ўрдага дохил бўлди. Ҳамма баякбора атрофга қочтиллар. Ҳеч аҳадиға зарар ва захмат еткурмади.

### МУРОДХОН

Муродхон қирғизлар бирлан ўрдага дохил бўлуб, саломхонага кириб Шералихонни жойига ўлтурди эрса, Имомназарбой ҳозир бўлуб, дуо қилди. Нурбой Иноқ келиб дуо қилди ва яна Хўқандда қолғон сипоҳлар, ҳамма келиб дуо қилдилар эрса, ҳаммаларига либоси покиза бериб ва яна ваъда айлаб, сарафроз айлади.

Шералихонга одам буюрди. Ушал кун Обнурдин чиқиб, Тоғлиқ маҳалласида богбонни уйига пинҳон бўлғон

... бечоранинг топиб олиб келдилар. Муродхон-  
ни олдиға салом қилиб кирдилар. Муродхон камокона  
эъзоз ва икром, тавқир ва эҳтиромни бажо келтуруб/  
дастурхони олий олдиға солди. Хон бечора икки калима  
насиҳат қилди ва айди: «Эй бўтам, сизға тахти муварра-  
сий муборак бўлсун, эмдиликда ҳукуматни кишиға бер-  
манг, огоҳ бўлунг. Камина ҳукуматни кишиға бериб,  
расво бўлдум. Алҳамдулиллоҳ, юртни бегонаға бермай,  
эгасига топшурдум. Тахт сизға муборак бўлсун», — деди.  
Муродхон туруб таъзим қилди, сарупойи олий бериб,  
меҳмонхона тайин қилди. Ушал кеча боққа чиқариб,  
шаҳид қилди ва яна одам буюруб, Маллабек ва Сўфи-  
бек ва Султонмуродбекни топиб, олдуруб келиб неча  
муваккил била меҳмонхона тайин қилиб, кўкнор ва афюн  
шарбатига амр айлади. Хон шаҳиднинг жасадини Қа-  
дамжойга дафн айладилар...

Алқисса, Муродхон хотиржам бўлуб, атроф ва жаво-  
нибға иноятнома ва сарупойи олий ва суюнчиғўён му-  
лозимлардин юборди ва аҳли қўшунға, алаалхусус, Му-  
сулмонқули мингбошиға номзад қилиб, марҳаматнома  
ва сарупойи олий бирла одами ҳушёрдин юборди. Бу-  
лар бориб топшурдилар эрса, мингбоши иноятномани  
кўзига суртуб, ўрнидин туруб Хўқанд тарафиға боқиб,  
таъзим бирла дуо қилди. Андин сўнг жарчиларға буюр-  
диким: «Бозорларға, шаҳар-шаҳарға мунодий қилинг-  
ларким, замон-замон Муродхон замони, деб». Дарҳол  
мунодий қилдилар эрса, мардумлар гумон қилдилар-  
ким, бул воқеалар Мусулмонқули мингбошининг талбиси  
бирлан вуқуға келган экан. Мазкур мингбоши қирғиз-  
лар жамоатинин бузуб, бир нечасини қатл қилиб ва бир  
нечани банди асир қилиб, Ушдан кўчуб, Андижонға қўн-  
ди. Эрта бирлан кўчуб Мирободга қўнуб, бир неча бе-  
гуноҳ мусулмонларни қатл айлаб, андин кўчуб Балиқ-  
чи қўнуб, Намангонға уламо ва фузало ва машойих-  
ларға хат юбордиким: «Дафъатан отланиб Шералихон-  
нинг ўғли Худоёрбек вали неъматнинг ҳамроҳ олиб  
келсунлар», — деб, одами ҳушёр сипориш қилиб, фармон  
қилди. Ба суръати тамом бориб, хати сипоришни Азиз-  
хожа эшонға, дарёга кўприк солғон эрдилар, ушал киши-  
ға топшурди. Ул киши одами ҳушёрларни буюруб, На-  
мангон калоншавандаларини ва яна Худоёрбек хонзодани  
олдуруб келиб, жамоат бўлуб Балиқчига бориб, Мусул-  
монқулининг кўруб мслоқот қилдилар. Мусулмонқули  
аларни кўп иззат ва икромларини бажо келтуруб, рози  
пинҳоний, яъни ич сирри аларға маъқул бўлди эрса,

андин кўчуб Гўрттепа қўндилар. Эрта билан кўчуб, ма-  
зори шариф ҳазрат шоҳға қўндилар. Неча сўдум ва қўй  
сўюб худойи қилдилар ва хатини қуръон қилиб, ҳазрат  
мазори файзосорнинг руҳи шарифларига бағишлаб ма-  
дад, истионат тилаб, кўчуб, Майда юлғун деган шаҳарни  
қутб тарафида бир мавзеёга туштилар. Фароғат била  
ётиб, эрта бирлан отланиб, дарвозани Урганжидин Ма-  
ховорсойи тарафидин босиб кириб, чолиб, санчиб ўрда-  
ға дохил бўлуб, Муродхоннинг даражан шаҳодатга ет-  
курдилар ва яна Хўқанд калоншавандаларини тутуб  
даражан шаҳодатга еткурди. Андоғким, Сотиболдибек  
ва Охунд-додхоҳ, Муҳаммадкарим халифа ва Лўла ха-  
лифан тунқотор, шул амсол одамларни қатл айлаб,  
Раҳматуллоҳ додхоҳни дорға остилар. Ушал кун то  
вақти асрғача одам ўлдурдилар, гўё қиёмати суғро  
бўлди. Урда сахни, ташқари ва ичкари ўлукға тўлди,  
қон дарё-дарё оқиб, замин лолагун бўлди...

Вақтинки Мусулмонқули, тамоми қипчоқ ва хўқандий-  
лар қўшун тортиб келиб, Шералихон марҳумни қасоси-  
га Муродхонни ўлдуруб ва яна неча Хўқанд катталари-  
ни ўлдуруб, тамоми уламо ва машойихларни жам ай-  
лаб, Худоёрбек вали неъматни оқ кийгизга солиб, тахти  
муваррасийға ўлтурғуздилар, ҳамма шод-хуррам бўл-  
дилар...

### МУСУЛМОНҚУЛНИНГ ҲУКУМАТНИ УЗ ҚУЛИҒА ОЛИШИ

Мусулмонқули мингбоши форигбол бўлуб, ўрданинг  
ичига хос мактабхона қилиб, мулла Сидиқ деган домо-  
дини мактабдор қилиб ва яна қипчоқ баччаларни жам  
қилиб, хонға қўшуб ўқутмоққа саъй-кўшиш айлади.  
Юрт ихтиёрин ва ҳукуматини қўлиға олди. Хўқанд ҳу-  
куматларини ўзиға хос кўрди ва соҳиби ихтиёр бўлди.  
Нормуҳаммад додхоҳни Гаровчиға саркарда қилди.  
Турдибей додхоҳни Хўжандға саркарда қилди ва яна  
маслаҳат қилиб, ҳазрат Миёнфазил Халилни неча ваъ-  
дан ваъд ва аҳду паймон бирла Тошкандға Саримсоқ-  
бекни олдиға юбормоқ бўлдилар. Сарупойи олий ва  
ҳадаяи муносиблар бирла ҳазрат эшонға фотиҳа бериб  
жўнатдилар эрса, неча манзил ва мароҳила тай қилиб,  
Тошканд узасиға боргонларини хонзода англаб, ула-  
мо ва фузало ва умаролардин истиқболларига чиқариб  
эъзоз ва икром бирла олиб Тошкандға кирдилар. Хон-  
зода зиёрат қилиб, жойи олийға қўндурдилар. Дастур-  
хони олий, таомҳон гуногун тортиб зиёфат қилдилар.

Ҳазрат эшон мактуби Мукулмонқулини бердилар. Уртага олиб ўқудилар. Васвасаомиз сўзлар буларга камокона маъқул бўлди ва бир неча кун туруб хонзодага забоний неча сўзларни тақрир қилдилар эрса, хонзодага маъқул бўлуб, ҳазрат эшон бирла Хўқанд келмоққа жазм бўлди эрса, тараддуд айлаб, муносиб тортуқлар бирла Хўқандга отландилар.

Неча манзил ва мароҳил тай қилиб, доҳили Хўқанд бўлдилар ва қипчоқлар иззат ва икром бирла мулоқот қилиб, хонни хизматлариға олиб кириб мулоқот қилдурдилар ва яна сарупо бериб, сарафроз қилдилар. Не-ча кун иззат ва икром бирла туруб, билахир хонзода бечорани Балиқчи тарафиға юбориб, даражаи шаҳодатга еткурдилар. Ҳазрат Миёнфазил Халил ҳарчанд амри маъруф била насихат қилдилар, бадбахтларга маъқул бўлмай қатл айлади. Жаноби ҳазрат эшон кўп малолхотир бўлуб, Тошкандга бориб анда истиқомат қилдилар...

Қипчоқлар хонзадани даражаи шаҳодатга еткуруб, Тошкандга Азизбачча чуствликни саркарда қилиб, ёрлиғ бериб равона қилдилар ва бир неча вақтдин сўнг қипчоқлар орасиға муҳолиф пайдо бўлди. Тошканднинг Азизбаччага берғонига бир неча қипчоқлар хусумат оғоз қилди эрса, Мукулмонқули воқиф бўлуб, дафъатан Уратепа устиға қўшун қилиб отланди. Бир даста одам Хўжандга буюрдиким, Муҳаммадкарим додхоҳ ва Бобораҳим иноқни қатлиға ҳукм айлаб. Булар бориб ул бегуноҳларни даражаи шаҳодатга еткурдилар.

Андин Мукулмонқули қўшуни беадад бирлан Уратепа атрофини тохт-тоз қилиб, неча муҳосара айлаб, ўрталариға муноқаша пайдо бўлуб, бозгашт қилдилар ва бир неча қипчоқлар жамоат бўлуб, сўзларини бир ерға қарор бериб, иттифоқ бирла Мукулмонқулини мингбошинликдин азл қилиб, ушлаб Овлиғга бадарқа қилиб юбордилар. Мулла Холбекни мингбоши қилиб, доҳили доруссалтана бўлдилар...

Ва яна шул тарихда халойиқ ўртасида нозила пайдо бўлди, яъни вабо. Кўп мукулмонлар адам хоки туруб бўлдилар. Ҳамма халқ таваҳҳумға қолдилар...

Вақтиким мулла Холбек қипчоқ мингбоши бўлуб, ҳукмронликға машғул бўлди эрса, анинг хасислигинин халойиқға онча маъқул бўлмас эрди. Бул маъқуладин Азиз парвоначи оғоҳ бўлуб, рўгардон бўлуб, адоват оғоз қилди ва бул орада бир неча Хўқанд катталари маврид топиб Муҳаммадёр қўрбоши, Ғози додхоҳ ва Мирёо

Ғаёз додхоҳ ва Худойберган офтобачи Қўштегирмони жамоат бўлуб, Подшоҳхўжа деган Норбўтахон набирасининг хон кўтариб, ҳануз саранжом топмай, қипчоқлар оғоҳ бўлуб, ҳужуми қўшун бирла Урганчи маҳалласиға бориб, Муҳаммадёр қўрбошини ҳавлисини ўртага олдилар эрса, бир неча мерганлар милтиққа тутдилар. Бўлди уруш то вақти хўфтандин то нисфи шабғача. Охир ал-амр зердаст қилиб, босиб ҳавлиға кириб, Ғози додхоҳни ва Муҳаммадёр қўрбошини ва Худойберган офтобачини ўлаурдилар, боқий қочиб кетдилар.

Андин сўнг қўшун қилиб, Тошканд узасиға отландилар. Муҳосара қилдилар эрса, миқдори қирқ кун тўпға тутдилар. Асари фатҳ бўлмади, аҳли қўшунға кўп малолат зоҳир бўлуб, лоялож бозгашт қилиб ёндилар. Тиловға кўиуб, қипчоқлар маслаҳат қилиб, Мукулмонқулининг яна мингбоши қилмоқ бўлуб, мулозим буюруб олиб келдилар. Жаноби валинеъмат хоннинг дуо қилдуруб, сарупойи олий бериб, яна мингбоши қилдилар. Иттифоқ бўлуб, доҳили дорус-салтана бўлдилар...

Вақтиким Мукулмонқул мингбоши бўлуб, ҳукмронликға саъй ва кўшиш айлаб, забони нарм ва сусаомиз сўзлар бирла халойиқға яхши муомала айлаб ва ҳар ошно ва бегонаға ҳам шул тариқа нармгўйликни дариг тутмай, чизи инъом ва ваъда бирла кўнгилларини тўлдуруб, атроф ва жавонибға мактуби назокатуслуб равона қилди ва яна Тошканд катталариға мактуби васваси марғуб қилиб, мулозимни ҳушёрдин равона қилди эрса, филфавр бориб хатларини топшуруб, тил сўзини ҳам камона еткурди эрса, ҳаммалари тахти дил ва самий қалб бирлан қабул қилдилар. Ҳамиша кўшиш — хушлари фитна оғоз қилмоқликға мунтазири вақт бўлуб туруб эрдилар. Бул орада Азиз парвоначи солуқ пули қадимани ижод қилиб, маҳалла-маҳаллаға мулозим буюруб, пул жам қилмоққа жадди-жаҳд қилди. Бир-икки кун пул жам қилмоққа тараддуд қилмоқ бўлдилар. Ушал фитнажўйлар бир-бирлариға хабарлашиб, Парчабоб маҳалласиға келиб, Юсуф оқсақол деган бир баҳона бирла мулозимни боякбора уруб, пулларини қўлларидин олиб, кўча-кўчаға ғав солиб, жайф босиб, толиби жанг бўлуб, мукамал ва мусаллаҳ бўлуб турдилар. Рўзи жума Азиз парвоначи дарғазаб бўлуб, Жангоб деган ерға бориб, жаҳолат бирлан лашкарини жангға амр айлади. Чунон жанги мағлуба бўлдиким, икки тарафдин кўп одам ўлди ва кўп одам захмдор бўлдилар. Билахир тўп олдуруб келиб, тўпға тутдилар эрса, фуқаро



тоб келтурулмай қочтилар. Мутафарриқа бўлуб кетти. Парвоначи бозгашт қилиб ўрдасиға тушти эрса, бул орада Мусулмонқул мингбошининг хати марғуб, сарупойи олийи хўб одами мўътамид олиб келди. Сарупони кийиб дуо қилди, шодиёна буюрди эрса, мехтарлар бозор бошиға бориб шодиёна кўйдилар. Фуқаро бесаранжом бўлуб, бозор дўконларидин матоларини олиб, ҳар тарафға кўмуб турар эрдилар. Азиз парвоначи тўрт минг киши бирла Раҳимбек офтобачи захмдорни кўрмак учун бориб эрди, бул сиёсатдин фуқаро хуркуб, яна кўча-кўчаға гав солиб, толиби жанг бўлдилар. Бул орада якбора Нормухаммад қушбеги, Ҳоким Гаровчи ва Шодмонхожа додхоҳ беадад қўшун бирлан шаҳарға кирди. Дарвозаларға қуфл солдилар. Қиссан кўтах, ўртаға сулҳ ва салоҳ воқеъ бўлди. Азиз парвоначининг аҳл ва аёли бирлан Хўқандға равона қилдилар эрса, парвоначи келиб Хўқандға дохил бўлуб, Мусулмонқул мингбошининг кўруб, хон ҳазратни кўруб дуо қилди. Сарупойи олий марҳамат қилдилар. Утамбой қушбеги парвоначи мазкурни тилаб олди ва Марғинонға аҳл ва аёли бирла олиб кетти. Неча вақт Марғинонда истиқомат айлади, билахир бир баҳона бирла олдуруб келиб, шабона қатл айлади...

Чун Мусулмонқул мингбоши Тошканд иғвосини бир тарафлик қилиб, Тошканд ҳукуматининг Нормухаммад қушбегиға тафвиз айлаб, филжумла хотиржам бўлуб туруб эрдиким, баякбора амири Бухоро маа қўшунни беадад Хўжанд устиға келиб, мухосара қилибдур. Бул хабари ваҳшатасарни масмуъ айлаб, ҳуши бошининг учуб, ноилож отланиб Маҳрам қўнди. Адалассабоҳ отланди, суръат бирла Қароқчи қумға бориб тўшланиб ва яна отланиб, дарё лабиға Жигдалик деган мавзёға қўнди. Атроф жавонибга қаровул кўйди. Аркони давлатни чарлаб, маслаҳат қилдилар. Мулла Муҳаммадражаб Мирзони олдиға чарлаб, урза буюриб ва суссаомиз муддаосининг тақрир қилди. Бул тариқаки: «Жаҳонпаноҳи Бухорий шариф ҳамма юртлардин улуғ турур. Жаноблари ҳам ҳамма подшоҳлардин улуғ турурлар. Жанобларини улуғлиғларига иқрор ва қойил турурмиз. Сиздек азим эшон подшоҳ, биздек паррихта, яланғоч, суздин тоймас чўпони бодиянишинлар бирла муқобил бўлуб, уруш ижод қилсалар, башарти қочурсалар ҳам писанд эрмас. Андоғким бир чўпони бодиянишининг қочурубдурлар ва илло зафар худованди каримдин турур, башарти бизлар қочурсак, тўқсон икки

жамоасиға ва яна сиздек азим эшон подшоҳдинг шаъниға муқдир зиёда айб бўлмас. Қиёми қиёматғача дафтарларға ёзарларким, амири Бухоро тўқсон икки жамоаси бирла Хўқанд узасида бир жамоа қўйчибон қипчоқдин қочқондур, деб. Ва яна ўзлари хўброқ ва яхшироқ билурлар, боқий ассалому алайкум»,— деб, элчи донодин амирға юборди эрса, неча манзил тай қилиб, бориб амирға кўрунуш қилиб, хатни амирға топшурди эрса, мазмунни арзадин мутталиъ бўлуб, камокона маъқул бўлуб, айдиким: «Дарвоқеъ, рост айтибдурлар»,— деб, элчиға сарупо бериб қайтарди эрса, бозгашт айлаб мурожаат қилди эрса, Мусулмонқул таъқуб қилиб, Хўжанд бориб неча кун турди ва яна отланиб, кўшун бирла Уратепа устиға бориб мухосара қилди. Атроф жавонибга мулозим буоруб, тохт-тоз қилиб, бир неча кундин сўнг бозгашт қилди. Бир неча манзил тай қилиб, давлати тамом бирлан дохил дорус-салтана бўлуб, қарор барқарор бўлдилар.

Эсобек асл номи Исҳоқбекким, доқими Уратепа ўзиға андиша айлаб, ёнгарликни ўзиға лозим кўрмай бир аризани банозоқат ёзиб, волидасидин хоннинг хизматларига юборди. Кампир бечора бориб хоннинг хизматларига мушарраф бўлуб, арзани топшуруб, таъзимни убудият бажо келтуруб, ҳамд-меҳрибонлик кўруб, сарупо ва муборакнома олиб ёнди. Кампир бечора неча манзил тай қилиб Уратепаға дохил бўлуб, сарупо ва муборакномани ўғлиға берди. Сарупони кийиб, дуо қилдилар. Андин сўнг муборакноманинг ўқуб, кўнгли тўлуб, бир неча муносиб тортуқлар бирла келиб, жаноби хонни кўруб дуо қилди. Ҳаддин афзун меҳрибонлик қилиб қўш тайин қилдилар ва бир неча кундин сўнг Назарқулибек додхоҳни қизини ақди никоҳ қилиб меҳрибонлик қилдилар. Вилояти Уратепани Оллоҳшукүрбек додхоҳға марҳамат айлаб, сарупойи олий ва ёрлиғи олий ва асби жабдуқи тило меҳрибонлик қилиб, равона қилдилар эрса, мазкур додхоҳ неча манзил-мароҳил тай қилиб Уратепаға дохил бўлди.

Уламо ва фузало ва умаро, амин ва оқсоқоллар тортуқлари бирлан келиб, муборакбод қилиб дуо қилдилар. Ҳамма эл ва халқға хурсандлик пайдо бўлди.

Ва бир неча вақтдин сўнг қипчоқлар орасиға мухалифат пайдо бўлуб, Муҳаммадёр додхоҳ жамоаси бирла маслаҳат қилиб: «Ҳукуматни хонға берурмиз, Мусулмонқулдининг ҳукмиға қабул қилмасмиз»,— деб эрди. Таъломи халойиқға маъқул бўлуб, Муҳаммадёр додхоҳни



мингбоши қилдилар. Мусулмонқулни Чустга саркарда қилдилар. Мирзо Абдурахим мирзони мирзобоши қилиб, сарупо ва ёрлиғ бериб чиқардилар...

Вақтиким Муҳаммадёр қипчоқ мингбоши бўлди эрса, тамоми ҳуқуматни хонга топшурди. Узи фармонбардор бўлди эрса, ҳамма халойиқга хуш келди ва баракат ҳосил бўлди...

Ва бир неча вақт ҳамма эл ва халқга баробар бўлуб, ҳукмронлиқ қилди. Хон ҳазратни шикорға олиб чиқиб, кўп хурсанд қилди. Арзи додни хонга ҳавола қилди, ўзи холис бўлуб, хизматда турди. Бул орада Чорчаманга чиқиб йигитга сарупо бермак бўлуб эрдилар. Тамоми машойиш ва уламоларга хон ҳазрат ўз ихтиёрича муносиб сарупойи олий марҳамат айлаб, дуоларини олдилар. Тамоми умаро-амалдорга ҳар йилгидин зиёдароқ сарупо бердилар. Эшик оғоси ва тўқсоба ва юзбошиларга ҳам ҳар йилгидин зиёда сарупо бердилар. Ва яна шогирдпешаларким, чунончи Мирзо Аҳмад, Дўстмуҳаммад ва Муҳаммад Юсуф Кўтан, Зокир бўҳчадор ва яна шул амсолларга жоман кимхоб, шол била ҳаддин афзун қийматбахо бердилар эрса, қипчоқларга онча хуш келмади. Бир нечалари мингбошига изҳори маломат қилдилар эрса, аларга насиҳатлар қилиб босар эрдилар.

Ҳамма осойиш топиб, қарор-барқарор эрдиларким, Уратепа ҳокими Оллоҳшукурбек кўси муҳолиф уруб юз қайтарди. Яқбора жамоат бўлуб, мўр-малахдек қўшун тортиб, андоғ шукуҳ бирла отланиб равона бўлдилар. Неча манзил ва мароҳил тай қилиб, Уратепани муҳосара қилдилар эрса, жоҳил Оллоҳшукурбек қирқ, юз бирла толиби жанг бўлуб, қўрғондин чиқиб саф ростлаб турди эрса, янги мингбоши райрат бирла яқбора фотиҳа бериб от қўйдилар. Қирқ, юз ҳам гурги гўшнадек от қўйдилар. Бўлди жанг, кўп одам нобуд бўлди эрса, кўрнамак тоби мақовамат келтуролмай роҳи гуриз пеш қилди. Орқага қочти эрса, баробар аралашиб Уратепага дохил бўлдилар. Оллоҳшукурбекни тўққуз юз одами билан банди асир қилдилар. Шул аснода Эсобек парваначи Муғ тарафига ўтуб борур эрди. Оллоҳшукурбек фарёд қилди ва илтижо бирла айтиди: «Ё биродар» Вақт Мададбек кўрдиким, ул кўрнамак. Фикҳи шамшир бирла солди, калласи танидин жудо бўлди. Ва яна зиндон бошига бориб, бир неча бандиларни тортиб олдилар. Баъзи жондор ва баъзи нимжон ва баъзи бежон. Валекин тирикдин ўлук кўпроқ эрди. Иброҳим чиний деган мингбошини жамоаси бор эрди. Бедарак, ўлук ва ти-

риги маълум бўлмади эрса, мингбоши дарғазаб бўлуб, тушган бандиларни қўйдек бош кестилар. Қалла минора қилдилар...

Сана 1265 да<sup>1</sup> вилоятни Уратепани фатҳ қилиб, ўлғони ўлуб, қолғони меҳрибонлик кўриб сарафроз бўлдилар. Қалъа истехкомининг камокона бажо қилиб, атроф ва жавонибни тортуқларини олиб саранжом ва саришта айлаб, маслаҳат қилиб Абдуғаффорбекни ҳоким қилиб, сарупойи олий ва ёрлиғ ва асби жабдуқи тилло марҳамат айлаб, сарафроз қилдилар. Ҳамма хотиржам ва фориғбол бўлдилар...

Вақтиким Абдуғаффорбек асби жабдуқи тилло узра савори бўлуб, ёрлиғ санчиб Уратепага дохил бўлуб, Муғга чиқти эрса, Уратепа катталари, амин ва оқсақоллари жам бўлуб, тортуқлари бирла келиб, дуо қилиб муборакбод қилдилар. Аларга мунссиб либослар бериб, хурсанд қилди ва яна маслаҳат бирла бир неча асби хўб топиб, тортуқ тараддуд қилиб, бақадри аҳволи навъи қилиб тортуқ қилди. Жаноби хон маа аркони давлат, ғоним ва солим мурожаат қилиб, неча манзил ва мароҳил тай қилиб, бадавлати тамом дохили доруссадтана бўлуб, фориғбол ҳукмронликка машғул бўлдилар. Ва бир неча вақтдин сўнг Мусулмонқул фитна оғоз қилиб, бир неча авбошлар бирла қўшун тортиб, Чустдин суръат бирла равона бўлуб, яқбора Махзор устига қўнди. Ҳамма ташвишга қолиб, қипчоқларни катталари бирла мулла Қаримқули дастурхончи ва мулла Қулбобо рисолачи Мусулмонқулни олдиға бориб маслаҳат қилиб, салоҳ бирла Андижонни Мусулмонқулга бердилар. Чустни Раҳмонча додхоҳга бериб жўнаттилар.

Ҳамма аркони давлат фориғбол бўлуб, ўрда ичра кимизхўрлик қилур эрдилар. Сухбатлари тамом бўлуб, ҳавлилариға кеттилар. Муҳаммадёр мингбоши ҳам ҳавлисиға борурда, ҳазрати эшон халифа Сафони зиёрат қилмоқ учун ҳавлилариға туштилар. Ҳазрати эшонни зиёрат қилдилар. Дастурхон солиб, таоми гуногун тортиб, неча ланд-насиҳатлар қилдилар. Таомдин фориғ бўлғондин сўнг жоман муносиб бериб, касал қилдилар. Мингбоши ҳавлисиға бориб эрди, яқбора қай қилиб, оғзидин ва кетидин равон бўлди. Ҳалоқат мартабасиға етти эрса, мулозим буюруб, мавлавий Жабалийни олдуруб келди. Мавлавий, доруйи заҳарнинг аломатни деб, дафъиға кўшиш қилди. Филжумла таскин топти.

<sup>1</sup> Милодий 1848—49 йил.

Шул аснода мингбоши даргазаб бўлуб, бир неча қипчоқларни чарлаб ва бир неча жаллодларни ҳамроҳ қилиб, ҳазрати эшонни қатлга ҳукм айлаб, бир неча сипориш қилдиким: «Уш устига олиб бориб, тоғ орасида қатл қилинлар, токим ҳеч ким воқиф бўлмасун»,— деб. Қипчоқлар жаллодлар бирла бориб, ҳазрати эшонни аробага солиб, кечаю кундуз суръат бирла босиб, Ушдин ўтуб тоғ орасига олиб бориб, даражан шаҳодатга еткурди. Бир неча муътамад атворлар, муридлар бориб жустужу қилиб, жасади муборақларини топиб, ҳазрати Асаф ибн Барҳаёга дафн қилдилар...

Ҳазрати эшон шаҳиднинг қипчоқлардин ҳам мурид ва мухлислари кўп эрди. Булар малолхотир бўлуб, Мусулмонқулга пинҳоний хат юбордиларким: «Бул бадбахт мингбоши ҳазрати эшонни шаҳид қилди, муни касофати бизларга ҳам тегмаса, ташвишда турурмиз, албатта зуд етиб келсунларким, мунтазир турурмиз»,— деб. Мусулмонқул ҳам ҳамиша қаҳрда бўлуб турур эрди. Хат боргон ҳамоно отланиб, кечалаб Андижондин чиқиб, Хўқандга дохил бўлди эрса, ҳамма халқ саросима бўлдилар. Муҳаммадёр мингбоши сиҳат толиб ҳавлисиди эрди, хабар толиб отланиб, қўшун бирла келди эрса, қипчоқ катталари ўртага туштилари. Хожя додхоҳни кўпругини устига қўндирдилар. Мулла Холбек ва Жумабой ва Раҳмонча додхоҳ булар ҳам ҳамроҳ бўлдилар. Икки ҳафта туруб элчилаштилари. Марғинонни Утамбойга ва Чустни Хотамқули парвоначига бериб, Мусулмонқулни яна мингбоши қилдилар эрса, Муҳаммадёр ва мулла Холбек ва Жумабой ва Раҳмонча икки сувворасига чиқиб кеттилари...

Вақтики Мусулмонқул мингбоши бўлди, катта ва кичикларга чунон пеш келиб ва сусаомиз сўзлар бирла мағрур қилиб, шикаст-рихт сипоҳийгарликга иштиғол бўлур эрди. Бул орада Нормуҳаммад қўшбеги тўй қилмоқ учун Тошканд йигитлари бирла келиб эрди. Шул аснода якбора Муҳаммадёр додхоҳ, мулла Холбек ва Жумабой ва Раҳмонча додхоҳ қўшуни беадад бирлан келиб, ўрдага дохил бўлдилар эрса, Мусулмонқул мингбоши хонни олдида танҳо тургон экан, босиб кирдилар. Шул ҳолда Мусулмонқул узрохоҳлик бирлан илтижо ва тавалло қилди эрса, буларни ғазаблари паст бўлуб, бир-бирларига гиланавозлик қилиб ва узрохоҳликлар ҳаддин афзун ва ададдин беруи қилишиб топустилар эрса, шул аснода Мусулмонқул жамоаси калла ботурлар билан келиб, ҳужум қилиб, ул хунрасидаларни

ушлаб, бир жойи хилватда даражан шаҳодатга еткурдилар.

Вақтики Мусулмонқул қипчоқ катталарини ўлдурди, Шарр душмандин халос бўлуб форигда бўлди. Аммо жамоан қипчоқияга бул иши нописанд бўлди. Иттиғоқ ўрнига нифоқ жойгир бўлди. Урталаридин маслаҳат кетти. Ҳамиша фитнажўйликга мубтало бўлдилар. Нормуҳаммад қўшбеги тўйни неча кун тамошо ва улоғ ва пойга бирлан мувофиқи табъ ўтқариб Тошкандга кетти эрса, бир неча Хўқанд катталаридин Тошкандда қолиб эрди, булардин мингбошини хавфи голиб эрди ва буларни ўлдурмоққа маврид топмас эрди. Ва яна Каримқули дастурхончи ва мулла Қулбобо рисолачидин зиёда хавфи бор эрди. Бу икки муллани суса айлаб, неча кун маслаҳат қилдиким, навъи айлаб Тошканддаги Хўқанд катталарини ҳам ўлдуруб хавфдин чиқса, шул маъқулани буларга маъқул қилиб, шул хизматга Қулбобо рисолачини Тошкандга буюрди. Рисолачи Тошканд боргон сўнг, мулла Каримқули бир тўй баҳонаси бирла Бози деган саҳрога кетти. Неча кун туруб тўйни ўтқариб, Хўқанд бормоқ бўлуб дарё лабиға келиб эрди, бир хос одамий келиб хабар бердики: «Мингбоши сизни қатл қилмоққа мулозим буюрди, огоҳ бўлсунлар»,— деб. Шул замон бу хабари ваҳшатасарни эшитиб, суръати тамом бирлан тарафи Тошканд равона бўлди.

Замониким мулла Қулбобо Тошканд борди. Нормуҳаммад қўшбегини кўруб хати сипоришни берди эрса, қўшбегига чандони маъқул бўлмади. Миқдори бир ҳафта сақлаб жавоб берди эрса, шул аснода мулла Каримқули дастурхончини қочиб келганини хабари масмўб бўлди. Қўшбеги аркони давлат бирла Қўйликга истиқбол чиқтилари. Мулла Каримқули келди. Қўшбеги, тамоми аркони давлат мулоқот қилдилар. Ҳаммалари отдан тушуб, ҳалқа туруб сўзлаштилари. Дастурхончи ҳажга бормоқ бўлди эрса, аркони давлат чунончи Муҳаммаднийёзбий ва Қосимбий ва Фозилбек ва Ниёзалибий ва Отабек шарбатдир ва ғайруҳм буларга маъқул бўлмади ва айдиларким: «Сиздек вазир биздек паррихталарга паноҳ тортиб келибсиз, ҳамийят юзидин бир бош бўлса ҳадя қилдук. Биз тирик — сиз тирик, биз ўлук — сиз ўлук, Хўқандга ёв бўлдук»,— деб, якбора фотиҳа ўқудилар. Андоғким, ўшал маъқуладин огоҳ эрдилар, булар ҳам маврид пойлаб юрар эрдилар. Жамоат бўлуб ўрдага тушуб, тарадуди қўшун қилдилар. Бир-икки кундин сўнг мукаммад ва мусаллаҳ бўлуб отлан-

дилар. Гаровчи устига келиб, Шер. додхоҳга одам киргуздилар эрса, Шер додхоҳ саркашлик қилиб, аларни олдиға чиқмади. Ва яна сиёсат бирла хат қилиб одам киргуздилар. Нонлож чиқиб аралашиб турдилар. Эрта бирлан кўчуб неча манзил тай қилиб, Самғар устига келиб қўндилар. Хўжанд ва Новға одам буюрдилар. Булар дафъатан отланиб қўшинлари бирла келди. Ушал кеча маслаҳат қилиб ётдилар, алассабоҳ кўчуб Қамишқўрғон устига қўндилар. Ушал кун Мусулмонқул ҳам қўшуни бирла Бешариққа тушуб тўп қўйди эрса, Тошканд қўшунига ларза тушуб, бесаранжом бўлдилар. Ушал кеча кенгаш қилиб, орқаларига ёндилар. Кечаси қўшунларига тафриқа тушти, ҳар тараф солиб кеттилар. Баъзилари Хўқандға ва баъзилари Езиға қараб кеттилар эрса, Мусулмонқул дарёдин ўтуб, неча манзил ва мароҳил тай қилиб, Тошканд устига бориб қўнди. Эрта бирлан отланиб толиби жанг бўлуб, Тошканд қўрғонини тўпға тутти, Холмуҳаммад додхоҳни Чимкентға буюрди. Чопмоқликға додхоҳ Турботғача бориб, ҳазрати мазор фэйзосор Исмоил отани энёрат қилиб, бозгашт қилиб келиб, Тошкандға кириб кетти. Бу хабар Мусулмонқулиға масмуъ бўлди эрса, ҳаддин афзун саросима бўлуб, эрта бирлан дарғазаб бўлуб отланди. Кўчуб қўрғонға яқин қўнди. Бир тарафдин тўпға тутуб, бир тарафдин югуртурди ва бир тарафдин Сафарбой саркорни буюруб, лаҳим кавлатти. Лаҳим кавлаб то тахти дарвозаға еткурди эрса, қўрғон ичиға гулға тушуб, кўп танг бўлуб турган маҳалда Утамбой қўшбеги ҳокими Марғинов кўрдиким, аҳволи аҳли қўрғон кўп танг эрур. «Маврида мадад шул»,— деб, беш юз шогирдпеша бирлан от қўюб, Тошканд дарвозасиға ўзини олди. Дарҳол дарвоза очтилар. Бир-бирлари бирла кўрушуб, топуштилар. Шодиёна қўйдилар. Бул ҳамма қўшиши Мусулмонқул бартараф бўлуб, бозгашт қилиб қўшиға қўнди ва атрофға буюрғон мулозимлар бир жамоа карвонни Тошканд йўлидин қайтариб, қўшунға олиб келиб қўшти. Эрта бирлан кўчуб, карвонларни олдиларига солиб, орқадин ўзлари юруб, Чирчиқ лабиға келдилар. Олди сувға кириб, охири Чирчиқ лабида туруб эрди, шул аснода Тошканд лашкари барқ-боддек суръати тамом бирла наъра тортиб орқадин урдилар. Мўминхожа додхоҳ Хўқанд калла ботурлари бирлан ҳазратни олиб Тошканд кириб кеттилар эрса, Мусулмонқулини қўшуни мутафарриқа бўлуб ҳар тарафға солиб кеттилар. Мусулмонқул ўз жамоаси бирлан Овлиг

тарафдин ошиб, Чодак устидин ўтуб, Кетмантепа қараб кетти. Савдогар моли торожға кетти. Дўстлар шод, душманлар ғамгин бўлдилар.

Андин сўнг хон ҳазрат аркони давлат бирлан Тошканд кирдилар. Уламо ва фузало, амин ва оқсақол рақоббуслиқға мушарраф бўлуб, жаноби олийнинг яна хон кўтариб, Утамбой қўшбегини мингбоши айлаб фотиҳа ўқудилар...

### ХУДОЕРХОННИНГ БИРИНЧИ ХУКМРОНЛИГИ

Вақтиким жаноби Худоёрхон зафарнишон ва Утамбой мингбоши ва Нормуҳаммад қўшбеги маа аркони давлат билиттифоқ атроф ва жавонибга суюнчигўён июянома қилиб муътамад ал-атвор давлатхоҳлардин юбордилар. Ва яна уламо ва фузало ва машойих Хўқандға июянома қилиб, Ҳотамқули парвоначиға юбордилар. Неча манзил тай қилиб, доруссалтанаға дохил бўлуб, уламо ва фузало ва машойихларға июяномани топшурдилар. Номани кўзға суруб, дуо қилдилар. Додхоҳ мазкур бир неча кун ўрдаға истиқомат қилиб, арзи дод сўраб, додхоҳлик қилиб туруб эрдилар, мулла Исобек деган Хўқанд бошидин бир неча авбош аломон бирла Абдуллабекни сардор қилиб келиб, ўрдаға дохил бўлди эрса, Ҳотамқули парвоначи отланиб қочиб кетти. Исобек неча одамларни ўлдурмоқ бўлуб туруб эрди, шул аснода мулла Каримқули дастурхончи ва мулла Қулбобо рисолачи ва мулла Норқул ва Худойназар ясовулбоши қўшун бирла келиб, ўрдаға дохил бўлди. Исобек аламонлар бирла қочиб кетти. Абдуллабекни даражан шаҳодатға еткурдилар...

Вақтики жаноби олийға бул хабар масмуъ бўлди эрса, дафъатан аркони давлат бирла отланиб, неча манзил ва мароҳил тай қилиб, доруссалтанаға дохил бўлуб, тахти салтанатда барқарор бўлдилар. Ва бир неча қипчоқ мухалифлар асир, банди занжир эрдилар. Мирзо қўшбегини, мулла Каримқули дастурхончини ҳавлисида сақлаб, бисотида бор мол-амволларини олиб, шабона қатл қилди. Сафарбой саркорни бир нечаси бирла миршабхонаға топшурдилар. Неча муддатдин сўнг Мусулмонқул Кетмантепада туруб, бир неча қирғизларни васваса айлаб, қўшун тортиб Исобосган устига келиб иғво бошлабдур. Жаноби олий Шаҳрихон ва Андижон ва Балиқчи қўшунини фармойиш қилдилар. Ва яна шаҳардаги қипчоқлардин ҳам тинмай Мусулмонқулға хат ва хабар бориб турар эрди. Аммо жаноби

хон огоҳ бўлуб, зимнан хат ёзиб, ҳушёр одамдин Тошканддаги давлатхоҳ хўқандликларга юбордилар. Чунончи: Муҳаммаднийез додхоҳ ва Қосимбий, Ниёзалибий, Фозилбий ва Қамбарбий ва Яъқуббек ва Сўфибекни ва ғайр ҳам. Булар жам бўлуб, маслаҳатини бир ерга қарор бердиларким: «Хонни дуо қилғони борурмиз, деб арза юборурмиз. Орқадин ўзумиз отланиб ўрда дарвозасига бориб, яқбора карнай тортиб, туғдук-ўлдук қилиб чопмоқ керак, мундин бўлак сўз бўлмас»,—деб, фотиҳа қилдилар. Баъд аз он Нормуҳаммад қушбегига арз қилдилар. Ҳар нима сўзики айдилар, ул бечора қабул қилди. Хонни дуо қилмоқга жазм қилиб, Хўқанд бормоқ бўлуб, иттифоқ бирла отландилар. Неча манзил тай қилиб, Хўқандга бир тош қолғонда, қушбегини бир неча қария ахта умаролар бирла ташлаб, ўзлари суръат бирла чаповул қилдилар. От бозорига бориб карнай қўйиб, ўрдага дохил бўлиб, чопиб, отиб, тўқмоқлаб, қипчоқларни уриб бердилар. Қон дарё-дарё бўлди. Гўё қиёмат бўлди. Тамоми қипчоқлар ўшал кунни жамоат бўлиб эрди, буларни ҳам муддаоси хўқандликларни қатлига баҳонажўйлик қилиб туруб эрдилар. Бул орада Андижон устидаги қўшун бориб Мусулмонқулни қочириб, жамоатни бузуб, бир неча банди кирғизларни Боймурод додхоҳдин юбориб эрдилар, келиб жаноби олийга арз қилиб, сўзи тамом бўлмай, чопти-чопти орасида бул ҳам чопиб кетти эрса, орадин гўбор қўтариб, кўнгиллари равшан бўлуб, андин сўнг яқбора отдин тушуб, шамширларини наёмига солиб, жаноби олийни дуо қилдилар. Хон ҳазрат: «Борақалло, минг-минг раҳмат сизларга»,—деб, кўп ваъдаи ваъидлар айлаб, ҳар ваҳждин сарафроз қилдилар. Либоси гуногун бердилар.

Шул ҳолда Муҳаммаднийезбийнинг Тошкандга ҳоким қилдилар. Қосимбийнинг мингбоши қилдилар. Тамоми аҳли Хўқанд хушвақт ва шодмон бўлдилар. Утамбой қушбеги хоннинг паноҳига қочиб, саломат қолди. Нормуҳаммад қушбеги Тошканд лашкарини қўлида саломат қолди. Уэгаси қатли ом бўлдилар ва баъзи ташқари қипчоқларким, қишлоқларда қолғонлари қочиб саломат кеттилар. Сув орасиға бориб, жамоат бўлуб маслаҳат қилиб, Мусулмонқулга одам юбориб олиб келдилар эрса, урушмоқга муқаррар қилиб, тарадуд бирла қочқон ва писконларни йиғиб, атрофга одам юбориб жамоат бўлдилар. Бул хабардин жаноби хон воқиф бўлуб, арқони давлат уламо ва фузало ва машойихларни жам қилиб, маслаҳат қилдилар. Уламолар ривоят

қилдиларким: «Қипчоқ боғий ва муфсид»,—деб ҳукми қилдилар. Арқони давлат тарадуди қўшун қилиб, тўп ва тўпхоналар ва жазойил ва қўр ва тахтафаранг милтиқлар бирла кўл жамият бўлуб, давлати тамом бирла жаноби олий маа арқони давлат отландилар эрса, замини замон ларзаға келди.

Неча манзил ва марохил тай қилиб, қипчоқларни устига бориб қўндилар. Тўп қўйдилар, карнай ва сурнай ва кўс ва наққораларни навозишга киргуздилар эрса, замини замон ва макини макон ларзаға келди. Қипчоқларга бир қаро кун туғди. Тўплашиб маслаҳат қилдиларким: «Мунча анбуҳ лашкар, тўп-тўп ва тўпхонаси бирлан бизларга муқобил бўлсалор, бизлар оз турурмиз, тоби мақовамат йўқтур. Баробар келмасмиз ва қочмоқ бирлан ҳам, бир ерда смон топмоқ мумкин эрмасдур. Эндиликда чора ва илож шулдурким, уч тақсим бўлуб, туғдук-ўлдук деб бораверармиз. Шулурушда кўтарсак ажаб эрмас, сони бақувват бўлуб, жамият топармиз, иншоллоҳ». Бу сўзини муқаррар қилиб, фотиҳа қилдилар.

Вақтиким офтоб даричаи фалақдин бош чиқарди эрса, икки тараф толиби жанг бўлуб, мукаммал ва мусаллаҳ бўлуб, омодаи жанг бўлдилар. Жаноби олий арқони давлат бирлан отланиб, тўп ва тўпхонани олдиға солиб, Маллабек акалари бирла Исобек юз бир неча саркардаларга бош қилиб, бир тарафга қўйдилар. Қосим мингбошини калла ботурлар билан бир тарафга қўйдилар. Хон ўзлари туғ ва алами нусратасарни тагида фаттоҳ зулминанга мутаважжиҳ бўлуб турдилар эрса, қипчоқ Билқиллама тарафдин отланиб, уч бўлуб отининг ёлиға ўзларини ташлаб, барқин боддек келур эрди. Жаноби олий яқбора «оллоҳу акбар», деб, фотиҳа бериб от қўйдилар ва тўп ва милтиқларга ўт бердилар. Шўриши азим пайдо бўлди.

Оламни гўбор тутуб, қаронгу бўлди. Дўст-душман фарқ бўлмай, гўё қиёмати суғро бўлуб, ҳар ким ўз ҳолича қилич урмоқ ва шашпар урмоқ, одам ўлдурмоқга тахти дил бирла ружуъ қилур эрдилар эрса, ҳазрат фаттоҳ зулминан зафар ишини хон тарафига юрутти. Гўбор қўтарилди, олам равшан бўлди. Кўрсалар, қон дарё бўлуб, замин лолагун бўлубдур. Одамнинг боши сойнинг тошидек, одам жасади буғдойни боғидек бўлуб, майдонгоҳда тўлубдур. Икки тарафга ҳам шикаст воқеъ бўлубдур. Хон саҳл одам бирла қолибдурлар. Қипчоқдин ҳеч асар қолмабдур.



Жаноби хон зафарнишон ҳазрат худованди каримга таъя айлаб, Пойтуғга кирдилар. Тўп қўйдилар ва карнай ва кўси наққора навозишга киргуздилар эрса, атрофдин бир неча қочқон сипоҳлар келиб қўшулдилар. Жамият бўлуб, Пойтуғни атрофиға жайф бостилар. Ушал кеча фароғат топдилар, эрта билан йироқ ва яқин Андижон ва Шаҳрихон ва Марғинондин қочқон сипоҳлар етиб келиб, жамият бўлдилар.

Андин сўнг, алассабоҳ тўп қўюб, карнай ва наққора бирлан хон ҳазрат маа аркони давлат отланиб, жамияти тамом бирлан майдонгоҳга борди. Одам буюриб, ўлукларни жам қилиб ҳисоб олсалар, уч юз йигирма тўрт одам ўлубдур. Буларни кўмдурдилар ва яроқ ва аслаҳаларни майдонгоҳдин териб, аробаға солиб олдилар. Шукуҳ ва сиёсат бирла Билқилламаға бориб туштиллар эрса, бир жамоа қипчоқ Мусулмонқули қипчоқни ушлаб, хоннинг хизматлариға олиб келди эрса, дафъатан аробаға солиб Тўйчибек додхоҳдин Хўқандға юбордилар. Неча манзил тай қилиб, Хўқандға олиб келдилар эрса, ўрданинг саҳнида баланд яғочдин дор ясаб, Мусулмонқулни ўшал дорға остилар. Барча ғовғони бостилар. Сичқон йили ашур ойини ўн тўққузиди, бир минг икки юз олтмиш саккиз<sup>1</sup> эрди...

Вақтиким жаноби Худоёрхон зафарнишон қолғон қипчоқларни жаримасин муоф айлаб, хати омон бердилар. Атроф ва жавонибни саришта ва саранжом айлаб, давлати тамом бирлан бозғашт қилдилар. Неча манзил ва мароҳил тай қилиб, гоним ва солим дорус-салтанаға дохил бўлуб, тахти ҳукуматда барқарор ва устувор бўлуб, ҳукмронликға машғул бўлдилар. Исобек юз жаноби олийға хизматкарда бўлуб, муқарраби даргоҳ бўлуб эрди. Бир неча шогирдпеша муфаттинлар Мирзо Маҳмуд халифа оқтепалиқдин нақл қилиб, бир туҳмат ва бўҳтонни ул бечоран мусофирни бўйниға қўйдилар эрса, эрта бирлан саломга келган маҳалда хон ҳазратга маъқул қилиб, даражан шаҳодатга еткурдилар.

Бир неча вақтдин сўнг жаноби хон аркони давлат маслаҳати бирлан Тошкандни Маллабек акалариға бердилар. Либоси гуногун, шолбанди руми, ёрлиги олий ва асби жабдуқи тиллоий олий марҳамат айлаб, Тошкандға равона қилдилар. Тошканд бориб, Дашти қипчоқға ҳукуматронлик қилдилар эрса, бир неча даҳан-

калон сипоҳлар хушомад бирлан ҳавосини баланд қилдилар. Амсоли кўр Қўлдош ва Ниёзалибий ва ғайр ҳам билахийр, саҳл вақтда муҳолифат изҳор қилиб, фитна бошладилар. Ва яна Уратепа ҳокими Рустамбек ҳам хилоф йўлини тутуб, фитна бошлаб эрдилар. Ул кўрнамакни дафъға Муҳаммад Қосим мингбоши бир неча лашкар бирлан юбориб эрди, бориб мухосара қилиб туруб эрди. Жаноби Худоёрхон акаларини муҳолифатини англаб, ғайрат бирлан отланиб, қўшуи тортиб Хўжанд устиға бордилар. Одам юбориб, Уратепа устидин Муҳаммад Қосим мингбошининг лашкари бирлан олдуруб келдилар. Шул ҳолда кўр Қўлдош юзни салоҳ учун Маллабек акалари юбориб эрди. Ул келиб хонға бир неча молройиғи сўзлар баён қилди эрса, хоннинг ғазоби дар жўш келиб, қатлиға ҳукм қилдилар. Жаллодлар ўшал замон қатл айлади. Хон ҳазрат, аркони давлат маслаҳати бирлан дарёдин ўтуб, анбуҳи лашкар бирлан мутаважжихи Тошканд бўлдилар эрса, бул шукуҳни ҳайбат ва сиёсатидин Гаровчидаги Маллабекни одамлари ташлаб кетдилар. Бир кеча қўнуб, эрта бирлан Тўйтепаға қўндилар. Алқисса, эртаси давлат бирлан кўчуб, Чирчиқ сувидин ўтуб, Тошкандни мухосара қилиб туштиллар. Ниёзалибей айғон эканким: «Хўқанд қўшунини Чирчиқдин ўткарсам, тўнгуз бўлай»,—деб. Ва бир неча қасам бирлан инъом олғон экан. Бир-икки кун қамалди эрса, савдоси ғалаба қилиб ваҳм бирлан урушқа муқайяд бўлди эрса, хон ҳазрат аскарни якбора фотиҳа бердилар. От қўюб, Тошкандға аралашиб кирдилар. Маллахон саҳл одам бирла Чинос дарёсидин ўтуб, Бухоро кетти. Хон Тошкандға кириб, уламо ва фузало ва умаро ва амин ва оқсақолларға сарупо бериб, инъом ва эҳсонлар бирлан сарафроз айлаб, Тошкандға Сўфлбекни ҳоким қилиб, Хўқандға мурожаат қилдилар эрса, манзил ва мароҳил тай қилиб, давлати тамом бирла гоним ва солим дорус-салтанаға дохил бўлуб, тахти салтанатда барқарор ва устувор бўлдилар.

Бул муноқаша орасида Россия фирқаси маврид топиб, Оқ масжидни қамаб, ўт қўюб, лаҳим кавлаб олибдур...

Санай бир минг икки юз олтмиш тўққуз<sup>1</sup> эрди. Бир неча муддатдин сўнг, Оқмасжид устиға қўшуни беадад бирлан Шодмонхожа додхоҳ ва Муҳаммадкарим шайх ва Саримсоқ додхоҳни буюрдилар эрса, булар бориб

<sup>1</sup> Милодий 1852 йил.

<sup>1</sup> Милодий 1853 йил.



урусга рўбару бўлмай, тўқайларда жонларини асраб, Руссиядин қочиб келдилар эрса, хон ҳазрат булардин малолхотир бўлуб, ғазаб бирлан либоси заифона кийдуруб, ўрданинг шийпангида олдиға чарх қўюб йигиртурдилар...

Ва яна жаноби олий Муҳаммад Қосим мингбошиға тўп, тўпхона бирла кўп аскар топшуруб Оқмасжид устиға фармонладилар эрса, қиш ҳавоси эрди, баъзи кухансол, эски сипоҳларға онча маъқул бўлмас эрди. Бовужуди кўп анжом бирла равона бўлди. Бир неча манзил тай қилиб, Оқмасжид устиға бордилар. Яқбора шабхун уруб, ўрус босиб келди. Урушқа бесаранжомлик бирла уруш қилгон бўлдилар эрса, лоилож тоби муқовамат келтуролмай, орқаға ёндилар. Бир неча асбоби олот, тўп ва камонларин ташлаб келдилар. Юз хижолат бирла хонни дуо қилдилар. Хон ҳам буларға дилдорлик бериб, меҳрибонлик қилдилар...

Алқисса, Муҳаммад Қосим мингбоши бир неча кун асбоб тузамакка машғул бўлуб дорумдор қилиб туруб эрди ва бир неча шогирдпеша шумлар маврид топиб, бир неча мўйсафид умаролар, чунончи Мўминхожа додхоҳ, Муҳаммадназар понсад, мулла Сайфидин дастурхончи ва Қосим мингбоши буларға бўхтон ва тухматлар қилиб, хонға маъқуллаб, бул бегуноҳларни бир кечада қатл айладилар. Лекин Қосим мингбошини ўлдурмай сақладилар эрса, эшон халифа Олтмиш илтимос бирла Қосимни тилаб хонақосида сақлади. Муҳаммад Ниёзбийнинг мингбоши қилдилар ва бир неча муддатдин сўнг Сайид Насриддинбекни тўй қилиб, қиш аввалидан то аввали баҳорғача халойиқға ош-нон бериб ва инъом ва эҳсон бирла тамошолар кўрсатти. Кўп хазиналар сарф қилдилар. Тамоми сипоҳ ва фуқаро ҳамма инъом ва эҳсондин мамнун бўлдилар. Ва бир неча муддатдин сўнг Суфибек укалари — ҳокими Андижон — тўй қилмоқ бўлуб, акахонларини таклиф қилдилар эрса, жаноби олий ва неча аркони давлат билан Андижонға отландилар. Бир неча манзил тай қилиб, Андижонға дохил бўлуб, тамошо бошладилар. Неча кун фароғат топиб, тамошолар ижод қилиб туруб эрдилар, Хўқанд ичида бир неча муфаттинлар маврид топиб маслаҳат қилиб, Рустамхон тўранинг хон кўтармоқ бўлгон эканлар, Муҳаммад Ниёз мингбоши огоҳ бўлуб, одам буюруб, муфаттинларни ушлаб, қайд-бандға тортиб, хонға арза ёзгон экан. Мазмуни арза мафҳум бўлуб, дафъатан аларни қатлиға ҳукм қилиб иноятнома бирла мулозимини

муътамад буюрдилар эрса, чун барқ-бод келиб, бир нечани қатл айлаб, Рустамхон тўра, Мирзо қаландар эшшак ва Қамбарбек понсадбоши ва Қосим мингбошиларни аробага солиб, Андижонға олиб бориб, жаноби олийға эълом қилдилар. Аркони давлат маслаҳатин билан Қаротегин тарафиға чиқариб юбордилар...

Жаноби хони замон неча вақт ва неча замон Андижон саҳросида аркони давлат ва аъени салтанат билан тамошо айлаб, удоғкашлик ва пойга чопмоқлик бирла айш-фароғат бирлан тўйни итмомиға еткуруб, инъом ва эҳсон ва саруполар бериб мардумларни сарафроз айлаб, Хўқандға мурожаат қилдилар.

Неча манзил ва мароҳил тай қилиб, дохили доруссалтана бўлиб, тахти ҳукуматда барқарор бўлдилар ва забти мамлакатдорлиқға саъй ва кўшиш қилиб, азбаройи закот саройин жадид қурмоқ учун Қаримқули меҳтарға фармойиш қилдилар эрса, Қаримқули меҳтар жадди жаҳд айлаб саҳл кунда сарой, растан бозорни итмомиға еткурди...

Ва яна масжиди жомеъки, замони Умархон жаннатмакон вақтида бўлуб эрди, жаноби Худоёрхон намози жумъаға боргонда кўрдиларким, навъи футур кетиб экан. Дафъатан устод ва нажжорларни жам айлаб, соҳиби фаросати мубошир ишбоши қўюб, жадди жаҳд қилдилар эрса, икки йиллик вақфи хусули билан қадимдин минг даража зиёдароқ итмомиға етти...

Жаноби олий атроф ва жавонибдин хотирлари жам бўлуб, фароғат бирла шикор қилмоқға ружуъ қилдилар. Валихон тўра хожакалонға мухлис эрдилар. Хамиша алавқоти шикорға ҳамроҳ қилур эрдилар. Кунлардан бир кун Эшон қишлоқ шикорида хожакалон тўраға машварат бирла маслаҳат сўраб эканларким: «Бизлар мунда фароғат бирла шикор қилиб, айш-ишратда бўлсак, Маллахон акамиз мусофирликда ғурбат чексалар, бизға онча хўб эрмас. Эмдилиқда олдуруб келсак, деб хаёл қилурман. Бул бонсдин жаноблари бир равшан жавоб берсалар, деб умид қилурман», — дедилар. Жаноби тўра айдилар: «Бул мақуладин жаноби-хон камокон огоҳ турурлар, акаларини феъли ва хўйи камокон маълум турур, масала машхур турурким, сикки кўчқорни боши бир қозонда қайнамас», дебдурлар. Мабодо орада бир фасоди пайдо бўлуб, нақси давлат бўлмаса, яна ўзлари яхшироқ билурлар».

Шикордин мурожаат қилиб, тахти салтанатда барқарор бўлуб, ҳукмронликға иштиғол бўлдилар. Ва бир

неча мuddатдин сўнг Валихон тўра хожакалонга бетоб-лик ориз бўлуб, бир неча кун бистар маризда ётиб, дорулфанодин дорулбақога риҳлат қилдилар...

Жаноби хони саодатнишон жаноби сиёдатпаноҳи хожакалон тўрадин иболари бор эрди. Ҳар ваҳждин андишалари зиёда эрди. Вақтики жаноби хожакалон сарпарда бўлдилар эрса, раги шафқати қаробатлик ҳаракатга кириб, Маллабек акаларига марҳаматномаи бепоён ва ёдномаи фаровон ва маблағҳои казо тайёр қилиб, Авазхожа деган тепақўрғонлиқ аробакашдин таъкидлаб ирсол қилдилар эрса, жаду ҳаду суръати тамом бирлан бориб омонатни ва ёдномаларни Маллабекка топшурди эрса, зиёда хурсанд бўлуб, дафъатан тараддуд қилиб, шавқ-завқ бирла йўлга равона бўлуб, бир неча манзил тай қилиб, Хўқандга суръати тамом бирла дохил бўлуб, ухахонини мулоқотига мушарраф бўлди эрса, жаноби хони шафқатнишон камокон хурсанд бўлуб, ўшал замон атроф ва жавониб саркардаларига суюнчигўён, иноятнома юбордилар.

Маллабек акаларини бир неча вақт тарбият қилиб, ҳар ваҳждин ҳаддин афзун ҳурматини бажо тутар эрдилар. Сафарда ва ҳузурда рафиқ ва мунис эрди. Хўб фароғат бирлан оға ва ини топишиб, форигбол бўлуб эрдилар.

Бул орада Рустамбек ҳокими Уратепа мухалифат изҳор қилди. Бул хабардин жаноби олий огоҳ бўлуб, атроф ва жавониб саркардаларини жам қилиб, маслаҳат бирла Фозилбек дастурхончининг мингбоши қилиб, беадад аскар бирлан қўшун тортиб, равона бўлдилар. Неча манзил ва мароҳил тай қилиб, Уратепа устига бориб муҳосара қилдилар эрса, ўшал кеча ул Рустамбек кўрнамак бир неча мерганлар бирла келиб милтиқга тутти. Жаноби олий мерган буюрдилар, булар ҳам милтиқга тутдилар. Кўрнамак қочиб қўрғонга кирди. Қиссан кўтах, бир неча кун атрофдин кўчуб ва қўнуб муҳосара қилдилар эрса, аркони давлат маслаҳат қилиб бозгашт қилмоқ бўлуб хонга эълон қилдилар. Хонга ҳам маъқул бўлуб мурожаат қилдилар. Фозилбек қароқалпоқ мингбоши йўл билгон ва иш билгон донишмандлар сўзига қулоқ солмай, ўз ихтиёрича тоғ орасига бир тор ва танг ерға бошлаб келди эрса, анбуҳи қўшун йўл топмай ҳайрон-саргардон бўлуб, ҳар ким ўз ҳолига бўлди. Намозин аср ва шом бўлди эрса, Рустамбек кўрнамакга бу йўл маълум эрди. Олмабараз деган мавзё эрди. Қирқ юз бирла Рустамбек жамоат бў-

луб, орқадин якбора от қўйди эрса, кўп мусулмонлар тоғдин ўзларин ташлаб, бир-бир устун тушуб тепа бўлуб, устидин ўтуб қочар эрдилар. Қиссан кўтах, Фозилбек мингбоши бир неча одамлар бирла барди бўлуб кетти. Хон ҳазрат бирла Маллабек, Султонмуродбек ва Шохмуродбек саҳл одам бирла Баразда минг таваҳҳум бирла тонг оттурдилар. Шодмонхожа ҳокими Хўжанд, Маллабек акалари тонг отқунча посбонлик қилиб, қўшундин айланиб эрдилар. Хўлласи калом, қўшун аҳли ухламай тонг оттурдилар. Эрта билан жаноби олий отландилар эрса, бир неча ароба ғаллаларини тўктилар. Ҳаттоки дору ва кўрғошмини ҳам ташладилар. Таваккал айлаб, йўлга туштилар. Йўлбарс мисллик оҳиста-оҳиста йўл босар эрдилар. Зероки, бошчи хон ўзлари эрдилар. Аҳли қўшун кўзлари тоғ-тоғда эрди. Шул аснода Тағояк деган мавзёдан бир туғ одам кўрунди эрса, хон дарҳол Гадейбой тағони буюрдилар. Бул бориб хабар олиб, оҳиста қайтиб келиб, хонга хабар бердилар: «Яъқубшоҳ дорбоз мерганлари бирлан мададга келгон экан». Воқиф бўлуб, ҳаммага хурсандлик ҳосил бўлуб, умр дубора ҳосил бўлди эрса, Яъқубшоҳ дорбоз Кўлоб ва Қаротегин мерганлари бирла келиб, дуо қилиб, дастбўсликка мушарраф бўлдилар эрса, аҳли қўшун далил бўлуб равона бўлдилар. Нов устига бориб тўп отиб, карнай кўюб қўндилар. Шодхуррамлик ҳосил бўлуб, мулоҳаза қилсалар, кўп одам нобуд бўлубдур ва кўп яроғ ва аслаҳа барҳам ебдур. Ушал кеча фароғат топиб, алассабоҳ кўчуб Хўжандга дохил бўлдилар. Шодмонхожа ҳокими Хўжанд зиёфат ва тортуқлар қилди. Андин кўчуб, Хўқандга равона бўлдилар. Шодмонхожа додхоҳни мингбоши қилдилар. Бир неча манзил тай қилиб, Хўқандга дохил бўлуб, барқарор бўлуб, асбоб тузатмоққа машғул бўлдилар ва кўрук кўрмак бирла тараддудда эрдилар-ким, Маллабек акалари пинҳоний йиғит қилиб, қипчоқ ва қирғизларга пинҳоний сўзлашиб, ўрнига хон бўлмоқга тақозоси бор эрди. Бир неча давлатхоҳлари эълон қилди эрса, хон худога ҳавола қилур эрдилар.

Бул орада амири Бухоро Насрулло қўшун тортиб Уратепа устига келиб, муҳосара қилиб, Рустамбекни қўлга тушуруб қатл қилиб, андин ўтуб Новни олиб ва андин ўтуб Хўжандга муҳосара қилди эрса, Худоёрхон воқиф бўлуб, аркони давлат маслаҳат бирла бир неча мерган тайёр қилиб, буларга бир ҳурматлик улуг номдор одамни амири лашкар қилмоқ лозим, деб Малла-

бекни амири лашкар қилмоқ бўлдилар эрса, ҳамма халойиқга маъқул бўлди. Жаноби Худоёрхонга маълум қилдилар, хонга ҳам маъқул бўлуб, Маллабекни олдуруб келиб гўшрас қилдилар эрса, якбора аркони давлатдин хоҳиш ва ғазаб бирла моллойиғи сўзлар айтиб, ҳавлисиға кетти. Дафъатан тараддул қилиб, икки юз шогирдпеша навқари бирла Марғилон тарафига чиқиб кетти. Хон огоҳ бўлуб, икки даста одам фармонладилар эрса, етолмадилар. Ушал кечаси суръати тамом бирлан барқ-боддек юруб, Ермazor устида Пўлод додхоҳнинг қўрғониға бориб қўндилар эрса, ваъдадошт қирғизлар жам бўлуб, атроф ва жавонибга ва ҳар жамоаға хат, одами ҳушёрдин юбордиким: «Таъхир қилмай, ҳозир бўлсулар»,— деб.

Қипчоқ, қирғиз, турк, жунбоғиш — ҳаммаси мунтазири вақт бўлуб, тайёр бўлуб тургон эрдилар. Хабар етгани ҳамона барқ-боддек келдилар. Жамоат бўлуб Ермazor ўрдасиға келиб туштилар. Уламо ва фузало, амин ва оқсақоллар ва бойлар жам бўлуб, Маллабекни хон кўтариб, фотиҳа ўқудилар. Ушал кеча Ермazorда фароғат топиб ётилар. Эрта бирлан кўч қилиб, анбуҳи лашкар бирла Хожанлғор бошиға келиб қўндилар эрса, Худоёрхон воқиф бўлуб, дафъатан отланиб, аскарни бирлан Сартолға қўндилар. Маслаҳат қилдиларким: «Эрта бирлан отланиб, атроф ва жавонибдин огоҳ бўлуб, душманнинг қароси кўрунган ҳамона от қўймоқ керак, иншоллоҳ»,— деб сўзни шул ерға муқаррар қилиб қўйдилар. Ул кеча фароғат бирла ётиб, алассабоҳ отланиб: мукамал ва мусаллаҳ бўлуб, лашкарни ўнг ва сўл ва ўрта — уч тариқа таксим қилиб, санжоб бўлуб, оmodан жанг бўлуб равона бўлдилар. Дўрмонча даштидин ўтуб эрдиларким, Рашидон узасидин Маллабек анбуҳи аскар бирла намён бўлди эрса, Самончи узасида Худоёрхон даргазаб бўлуб, тамоми шогирдпеша мерганлари бирлан якбора лашкарға фотиҳа бериб, от қўйдилар. Оламин чанг босиб, қаронғу бўлди. Дўст ва душманни фарқ қилмай, чунон шиддатлик уруш бўлдиким, чопишиб, отишиб, пичоқлашиб, қучоқлашиб, бир-бирларини ўлдуруб эрдилар. Одам қониға даштлар лoлагун бўлди. Шул орада Маллабек Худоёрхонға рўбарў бўлуб, қилич солди. Хон рад қилдилар. Қиличи хонни салласиға тегиб қалам қилди. Хон ҳам қилич солай, деб ҳамла қилдилар.

Маллабек тавба қилдим, деб илтижо айлаб қоча берди эрса, хон раҳм қилиб қилич солдилар, орқасиға

тегди. Агар аввалги ғазабда қилич солсалар, Маллабекни нимта қилур эрдилар. Лашкар мутафарриқа бўлуб кетти эрса, хон тўпхонаға келдилар. Худоёрбек ва Муҳаммадмуродбек кенатас ноиб эрди, хонни ўртаға олиб, тўпларни судратиб, мурожаат қилиб, хуфтон вақтида доҳили ўрда бўлдилар. Тўп отиб, карнай ва сурнай ва кўс, наққора шодиёна қилдилар эрса, хонни саломатликларини англаб, баъзи қочқон сипоҳлар ўрдаға ҳозир бўлуб, хонни дуо қилдилар. Ул кеча фароғат топдилар. Эрта бирлан қўрғонни шикаст-рихтини тутатмоқ бўлуб, дарвозаға мерган қўюб турдилар, Маллабек аскарларини жам айлаб, Хожанлғор бошидин кўчуб, Тўқайтепаға қўнди. Хўқандға хат ва одам киргузди: «Ҳамма самим қалб бирла итоат қилиб, мунтазири қадами шарифдурмиз»,— деб хати баназокат қилиб чиқардилар. Хон ҳам бул воқеалардин хабардор бўлуб, намози аср вақтида азми Бухоро қилиб, отланиб чиқиб кетдилар. Эрта бирлан уламо ва фузало, амин ва оқсақол ва бойлар пешбоз чиқиб мулоқот бўлуб, муборакбод қилиб, олиб келиб ўрдаға қўндурдилар. Жамоат бўлуб яна алоҳида хон кўтариб, тахти салтанатға ўлтурғузуб фотиҳан муборакбод қилдилар.

## МАЛЛАХОН

Вақтиким Маллахон сана 1276 да<sup>1</sup> тахти ҳукуматда ўлтуруб ҳукмронлик қилди эрса, Ботирхон — амири Бухороға тақлид қилиб, устойи Бухороларға тахта буюрди. Азбаройи гуноҳкор одамларни урмоқ учун. Чунон тез ва сиёсатлик бўлди ва андак баҳона бирла яланғоч айлаб етмиш беш тахта урар эрди. Мардумни қўрқитиб олди. Сипоҳ ва фуқаро доим ваҳму ҳаросда эрдилар. Шул аснода фирқан Руссия Пешкак ва Хаштак тарафидин хуруж қилди. Олимбек додхоҳ ҳокими Андижон эрди ва Қаноатшоҳ Тошкандға ҳоким эрди ва яна Хўқанд каллаботурларини бир неча даста бирлан Андижон лашкарларига ҳамроҳ қилиб, Тошканд ва Қурама қўшунни бирлан Қаноатшоҳға фармойиш қилиб ёрлиғ, асби шикаст рехт, жабдуқи тилло, сарупойи олий Олимбек додхоҳдин Қаноатшоҳға меҳрибонлик қилиб юбордилар. Асбоб тўпу тўпхона ва машқи камон сарбозу каллаботурларға ништиғол айлаб, тараддуға тушуб, ҳар кун Ермасжид тарафиға бориб тўп машқ қилдурур эрди. Қазоро, бир кун машқға чиқиб, тўпчи ва сарбозға қаҳру ғазаб бирла машқ буюрди. Нишона

<sup>1</sup> Милодий 1859 йил.

қўюб тўп оттурди эрса, тўпчилар ҳарчанд жадду жаҳд бирла тўп оттилар нишонга тегмади эрса, Кавсар до-хоқ тўпчибошини чорлаб қаҳру ғазабланиб, шамшир бирлан чопти, боши тандин жудо бўлди. Барча хало-йиқларни ҳуши бошидин учуб, тирикликдин умид уз-дилар. Ҳамма маъюс ва хомуш бўлуб, таваҳхумга қол-дилар эрса, Маллахонни қаҳр ва ғазаби паст бўлуб, ёниб ўрдасига тушти. Эрта бирлан Марғинон тарафи-га равона бўлди. Саидбек қирғизни ўрдага арз-додга нойиб қилиб кетти. Бир неча кун анда истиқомат қилди.

Саидбек қирғиз бир неча хўқандлиқ Худоёрхоннинг одамларига тўхмат қилиб, хат арза юбориб экан. Арза-си борган ҳамоно отланиб, кечалаб барқ-боддек юриб, эрта бирлан салом вақтида Хўқандга кирди эрса, ҳам-ма халқ шошиб, югуруб, саросима бўлуб олдиға чиқ-тилар. Дарвозадин ташқари саф тортиб, даст алифлом бўлуб туруб эрдилар. Маллахон қаҳр ва ғазаб бирлан келди. Ҳамма якбора салом ва таъзими убудият бажо келтурдилар эрса, дафъатан кўзи Мулла Абдулазиз чоп-қунчиға тушти эрса, дарҳол ғазаб бирла «жаллод»,— деди. Чопқунчи ҳарчанд «тавба қилдим, гуноҳим маъ-лум бўлса»,— деб тавалло қилиб, югуриб келур эрди. Орқасидин жаллод пичоқ солиб сўюб юборди, йиқилиб қолди. Урда ичиға кириб, дарвозаларға одам қўюб, одамларни қамаб олди. Аҳдининг ташқари чиқармади. Урдада йўқ одамларға ясовул буюрди эрса, ясовуллар барқ-бодек бориб, маҳалла-маҳалладин бир неча одам-ларни олиб келиб хазинага қамаб олди ва яна чоп-қунчини ўлугини судраб, Маллахонни олдиға олиб ке-либ ташлаб қўйдилар. Ҳамма халқ ваҳми ҳаросда хо-муш бўлуб «Розиян биқазонк»ға амал қилиб, ўзлари-ни худога солиб турдилар. Тирикликдин умид узди-лар. Хоннинг ҳафсаласи пир бўлуб, ғазаби паст бўлуб, «мураххас», деб жавоб берди эрса, ҳамма халқ умри дубора кўруб, ҳуш ва хуррам ҳавлиларига кеттилар. Хазинага қамагон одамлар: «Нурбой иноқ Охунд мир зо ўгли ва Муҳаммадкарим тоғлиқ ва Муҳаммадюсуф тоғлиқ Субхонқули жарчибоши ва ғайр ҳам. Буларни ҳа-қиқат қилиб, тозалаб, марҳамат айлаб чиқариб юборди. Ва яна бир неча Худоёрхондин қолгон одамларни илғаб, ҳар тарафга бадарқа қилиб юборди. Аҳмад хазиначи ва бир неча калоншавандалардин бадгумон бўлуб ҳибс қилгон маҳалда, жаноб ҳазрат соҳибзода қадам ран-жа қилиб ўрдага келиб, Аҳмад хазиначини Маллахондин тиладилар, бермади, балки ҳазратга беҳурматона мо-

лойиғи сўзлаб, дилларини сиёҳ қилди. Ҳазрати калон маъюс бўлуб ҳавлиларига келдилар эрса, орқаларидин маҳосил буюруб, Бухорога чиқариб юборди. Бу воқеа-га аркони давлат, уламо ва фузало ва умаро, сипоҳ-лар ва бойлар кўп малул бўлдилар, сабру таҳаммул бирла инсофини тилар эрдилар. Бир неча вақтдин сўнг қирқ, юз маврид топиб, Хўжанд устиға келиб, Қиссақўз ва Исфисор атрофини чопиб торож қилди эрса, Мал-лахон қаҳру ғазаб бирла қўшун қилиб, атроф ва жаво-нибга ҳатлаб жам қилиб отланди, андоғким тамом ко-ройи каллаботурлар Пешхак қўшуниға ғазотга кетгон эрди. Андоғ сиёсат бирла неча манзил ва мароҳил тай қилиб, суръат ва шитоб бирлан Уратепа устиға бориб, дафъатан Махвзор тарафидин муҳосара қилди эрса, бир неча қирқ, юзлар қўрғондин чиқиб уруш солдилар. Якбо-ра фотиҳа берди. То ўр лабиғача бориб тўп, милтиқга тут-тилар, то намози шомғача урушуб қайттилар. Хуфтан-дин кеч қилиб сипоҳлар қўшларини тополмай, бош-бош-ларига чақириб бердилар. Оламни ғавго бости. Мал-лахон ясовул буюруб, найза қатор қилди эрса, қўшла-рини топиб, фароғат бирла ёттилар. Алассабоҳ кўчуб, қўрғонни қибла тарафидин ўтуб, Баландқўрғон деган Уратепани тушлук тарафидаги мавзеъга қўнди. Ушал кеча фароғат топиб, эрта бирлан беш-олти даста одам-ни атроф қишлоқ ва элатларни чопмоқ учун буюрди эрса, то Хавос, Ем ва Зоминғача чопиб торож қилиб, илқи ва қўй, тева ва моли беадад олиб келдилар ва ҳар кун бир тариқа қонда бирла қўрғонга тўп ва милтиқ ва жазоил ва тахта фаранг отиб лаҳим кавлаб муҳоса-ра қилар эрди. Шул тариқада миқдори етмиш кун қа-маб танг қилди. Баландқўрғонда бир тепаи баланд бор эрди, они устиға чор хари иморат қилди. Усталарни жам қилиб, жадду жаҳд бирла васса тортиб туруб эр-ди, Утамбой қушбегини қаровул тариқасида Савод де-ган мавзеъга қўйгон эрди, якбора одамлари бирла ке-либ Маллахонга мулоқи бўлиб, баёни воқеа қилдиким, Бухоро қўшуни Зоминнинг бозориға қўндилар, деб. Аҳли қўшунға бул хабар машҳур бўлди эрса, қўшун халқи ваҳми ҳарросса туштилар. Бовужуд уч кун сабр қилиб, бозгашт қилдилар, кўчуб Иторчи деган мавзеъга қўнуб, бир неча кун турдилар эрса, Бухоро қўшуни Ура-тепага дохил бўлуб, Маллахонни қочти ҳукм қилиб, қўрғондин қўшун олдини тўсмоқ бўлубдур. Маллахон воқиф бўлуб, эрта билан отланиб, Уратепа тарафиға қўшун бирла оҳиста-оҳиста босиб борди. Бухоро қўшу-ни Каллахонани кунчиқар тарафида бир паст ерда тур-



гон экан, якбора кўрунди. Икки лашкар муқобил бўлдилар. Мулла Олимқули амири лашкар Ермазор одами бирлан ва Яъқуббек парвоначи якбора от қўюб, Уратепа дарвозасига боқиб, Бухоро қўшунининг орқасига ўтуб эрди, Бухоро қўшуни якбора милтиқ узуб орқасига қочти эрса, қўшун якбора от қўюб мисоли куён овлағондек ҳар ким ўз бошига ушлаб банди қилур эрдилар. Маллахон от қўюб, Қаллахоннинг тагида бир тепага саропарда тутуб ўлтурди, то намози асрғача туруб бандиларни саранжом айлаб, зафар топиб қўшга қайтдилар. Эрта бирлан саломдин сўнг фармонладиким, бандиларни ҳозир қилдиларким, ҳамма амалдор тилло шамшир, тилло камар рўйхат қилдилар. Миқдори етти юз банди тушган экан, зафар топиб, гоним ва солим Хўқандга мурожаат қилдилар.

Бир кеча Хўжандда ёғиб, эрта бирлан кўчуб Хўқандга равона бўлдилар. Якбора бўрон ва сойқан азим пайдо бўлди эрса, Маллахон ясовул буюруб фармон қилдиким, ўз ихтиёрича ҳар ким жой-жойига кўнсун, деб. Кўп қўшун тўп, тўпхоналар бирла Исфарага кўндилар. Маллахон суръат бирла Қароқчиқумга келиб кўнди. Обхўра устида кўп мусулмонлар қотиб ўлубдур ва кўп одам дарёга кетган, ушук урғон одамни адади йўқдур. Андин кўчуб, бир неча манзилдин сўнг доруссалтанага дохил бўлди. Ушал кун фароғат топиб, эрта бирлан жанг тўн деб аркони давлатга мувофиқ ва муносиб сарупо берди. Саркардаларга жавоб берди, юртлариға кетдилар.

Ва неча мирзоларни Андижон маҳсулотини ҳисоб қилмоқ учун буюрди ва яна хон ҳам аркони давлат бирла отланиб равона бўлдилар. Вилоятларни ихтисоб айлаб, ҳар юртни умаро ва бийлариға тилло пичоқ ва тилло жабдуқ бериб, алалхусус қипчоқ ва қирғизларни бийлариға пичоқ ва жабдуқи тилло ва қўтоси тилло бериб сарафроз қилиб, Марғинон ва Шаҳрихон ва Андижонни сарраста айлаб, сиҳат-саломат дорус-салтанага дохил бўлди.

Бир неча вақтдин сўнг яна қўшун қилиб, Уратепа устиға отланиб, бир неча манзил тай қилиб, Уратепадин ўтуб, Емдин ўтуб, Зомин кўнди. Диздақ устиға бормоқ қасдида эрдиким амири Бухоро Қарши узасида экан, бул хабар масмуъ бўлди. Ғазаб бирла якбора отланиб, уч тўрт манзилни бир қилиб, барқ-боддек Самарқандга дохил бўлди эрса, Хўжанд ботурлариға ваҳм-ҳарос тушти. Алалхусус, қирғиз халқи иштонига қўрқуб чичдилар. Ҳамма аҳли қўшун ҳайрон ва саросима бўлдилар

эрса ва яна андин зиёда Маллахондин қўрқар эрдилар. Вайрон бўлушқа яқин эрдиким, амири Бухородин элчи келди, истиқболига одам чиқардилар. Эъзоз-икром бирла тушурдилар. Хўб одами басалоҳ экан. Роҳи салоҳни ишорат қилди ва яна айдиким: «Икки мишиқ урушар бўлса, қайсини маъвайи паст бўлса, ҳарифи дарҳол босар. Эмдиликда маъволарингни паст қилманглар, иншооллоҳ, роҳи салоҳ мавжуд бўлур»,— деди эрса, элчи сўзи аркони давлатга камокон маъқул бўлди. Сарупойи олий бериб иззату икром бирлан одами басалоҳ элчи қўшуб кузатдилар. Булар бориб амирға кўрунуш қилди эрса, Бухоро элчиси амирға густоҳона бир неча сўзлар арз қилиб, роҳи оштибга қўшини қилди. Амир ҳам қабул қилди. Чароки жамоати тўқсон икки ҳам зиёда таваҳҳумға қолгон экан. Элчиға сарупо бериб қайтардилар. Элчи қўшқа келган ҳамоно қўшун бозгашт қилиб кўчдилар. Неча манзил тай қилиб, доруссалтанага дохил бўлуб, ҳукмронликға машғул бўлди.

Бир неча вақтдин сўнг бир неча умаролардин бадгумон бўлуб буюрдиким, умароларни нѳм-баном дафтар қилиб берсун, деб мулла Фатҳиддин Ҳаким Кошғарий эълон қилди. Мирзо Носирмирзо ва Мулла Мирзоолим дафтар қилиб, мазкур ҳакимға бордилар. Хон дафтарға қараб, мулоҳаза айлаб, Нормухаммад қўшбегни қипчоқ ва Утамбой қўшбеги қипчоқни кўруб, жаҳл бирла қаҳрлаб дафтардин учурубдур ва бир нечасини рўйхат қилиб, ўлдурмоққа жазм қилибдур. Қирғизлар мулла Олимқули шайтон, Олимбек додхоҳ ва Хидир ўғри Хўжанд бормоққа иттифоқ қилиб, хонға маъқул қилдилар. Эрта бирлан отланмоқ бўлуб жазм қилдилар. Қудрати илоҳий бирлан ўшал кеча шиддатли шамол бўлуб, қор ёғди, зиёда совуқ бўлди.

Тарихға 1278 эрди<sup>1</sup>. Бир неча фасодғарлар ҳаммоми Мусулмонқулида жам бўлуб, Нормухаммад қўшбеги ва Шодмонхожа додхоҳ бош бўлуб, Қалмоқ дарвозасидин кириб, Маллахоннинг ётқон хос манзилиға бориб, маст уйқуда ётқон жойида ўртаға олиб қилвч бирла чопдилар. Даражаи шаҳодатга еткурдилар, шаъбон ойини 26 сида шаби душанба, вақти субҳда Шоҳмуродбекни хон кўтардилар. Тонг отди эрса, намози бомдодни ўқуб, Маллахон шаҳидни кафан қилиб, даҳмага — отасини ёниға дафн қилдилар..

<sup>1</sup> Милодий 1862 йил.

## ХУДОЕРХОННИНГ ИККИНЧИ ХУКМРОНЛИГИ

Вақтики амир Насрулло мулаққаби Баҳодирхонки рабиал-аввал ойда сана 1277 тарихда олами фоний дин олами боқийга рихлат қилди. Урнига амир Музаффар ўғлининг подшоҳ қилиб эрдилар. Вақтики Малла-хоннинг воқеаси масмуъ бўлди эрса, Худоёрхонни чарлаб, меҳрибонлиқ айлаб фармойиш қилдиким: «Сиз Тошканд боринг ва бизлар давлат бирлан отланиб, Уратепадин ўтуб Хўжандга дохил бўлсак, сиз ҳам Хўжандга келсангиз, иншооллоҳ, Хўқандга дохил қилиб тахти мурассаъга қўндуруб ёнармиз»,— деб сарупойи олий бериб, бир неча аскар қўшуб фотиҳа бериб чиқарди.

Худоёрхон равона бўлуб, Чордара қўрғонига дохил бўлуб, Қаноатшоҳга ва мулла Солиҳбек Тошкандийга, амин-оқсақоли Тошкандга мактуби хужжат услуби баназокат айлаб, одами ҳушёрдин ирсол қилди эрса, қосид барқ-боддек келиб, хатни буларга топшурди эрса, гўё буларга айни муддао собит бўлди деб ҳамма аз самими қалб жам бўлуб, арза айлаб, оқсақоллардин юбордилар. Вақтики хон Чордара қўрғонига дохил бўлуб, Чиносга одам буюруб, Комил мирзога эълон қилдилар эрса, Комил мирзо укасини буюрди. Укаси бориб хонни Чиносга таклиф қилди. Хон дарёдин ўтуб, Чиносга дохил бўлдилар эрса, атрофдаги қурама ва баъзи қорақалпоқлар хонни ушламоққа маслаҳат қилдилар эрса, шул аснода Тошканд оқсақоллари Чиносга келиб, хонга мулоқи бўлдилар, арзани хонга бердилар. Хон арзанинг мазмунининг огоҳ бўлуб, кўнгуллари тўлуб, дафъатан отландилар. Бир неча манзил тай қилиб, ҳазрати мазори фазлосор Зангиотага қўнуб, бир неча жондор сўюб, хатми қуръон қилиб, ош-об қилиб халойиқга бериб, зиёрат қилиб, мадад ва истионат тилаб, фотиҳа ўқудилар. Шул аснода Мулла Солиҳбек тамоми уламолар бирла келиб мулоқот қилдилар. Қаноатшоҳ тамоми умаролар бирла келиб, хон бирла баодоби тамом мулоқот қилиб, хонни отлантуруб, ясовул ва катовул бирла ўртага олиб, Тошканд ўрдасига дохил қилиб, дастурхонни олий, таомҳон гуногун тортиб, баъд аз таом фотиҳа ўқуб, уламо ва фузало ва умаро ва амин-оқсақоллар дуои хон қилиб, фотиҳа ўқуб, муборакбод қилдилар. Яъқуббекни Гаровчига ҳоким қилдилар.

Замониким Шохмуродхон тахти салтанатда ўлтурди, Шодмонхожа мингбоши бўлди. Худойназар чўлоқ турк

Намангонга ҳоким бўлди. Хидир ўғри Марғишонга ҳоким бўлди.

Бул аснода Худоёрхон хабаридин воқиф бўлуб, саросима бўлуб, тараддуди қўшун қилдилар. Атроф ва жавонибга иноятнома юборуб, ўзлари шошиб отландилар ва дарёдин ўтуб бир неча даста одамни мулла Олимқулига топшуруб, давон йўлига буюрди. Шодмонхожа мингбоши Шохмуродхоннинг ҳамроҳ олиб, тўп ва тўпхона ва анжом ва аробалар ва озуқ бирла йўлига юрдилар, неча манзил тай қилиб, Гаровчи устига қўндилар. Яъқуббек дафъатан чиқиб кўрди, зероки анжомни йўқ эрдилар, лонлож мураса қилди. Андин кўчуб, бир неча манзил тай қилиб, Тошканд устига бориб муҳосара қилдилар. Бир-икки кун йироқ ердин қамаб, тўп отиб эрмак қилдилар эрса, бул аснода амир Музаффар хонни Бухоро қўшунини беадад бирла Самарқандга дохил бўлди, деб хабар топдилар. Якбора саросима бўлуб, мурожаат қилиб, Енбулоққа қўндилар эрса, Хўжанд уламолари, амин ва оқсақоллари келиб, амири Бухоро Уратепага тушгонин хабарин еткурдилар. Қўрғон сақламоқга Яъқуббекни ҳокимликга талаб қилдилар эрса, аскарсиз Яъқуббекни ялғуз ҳоким қилиб хўжандликларга қўшуб юбордилар. Ўзлари Сомғардин ўтуб, суръати тамом бирла Хожа ягона мазорига қўндилар. Шодмонхожа мулла Олимқули бирла иттифоқ бўлуб, бир неча фасодгарларни ўлдурмоққа муқайяд бўлди. Ул Хўжандда тургон Олимбек додхонни ўлдурмак бўлуб, Чўтан повсадбоши, Алиқули ясовул бирла буюрдилар. Булар бориб, ўрданинг ичиди қатл этдилар. Хидир ўғри—ҳокими Марғишонни ва Худойназар чўлоқ—ҳокими Намангонни ва Идрисқулибий кипчоқни жамъият ўртасида ўлдурдилар. Андин кўчуб, суръати тамом бирла Хўқандга дохил бўлуб, қўрғон истеҳкомига машғул бўлуб, қамалиб отишмоқга жазм қилиб, жамоат бўлуб туруб эрдиларким, Худоёрхон Қаноатшоҳ бирла Тошканд ва Қурама қўшунининг олиб, суръати тамом бирла бир неча манзил ва мароҳил тай қилиб, дарёдин ўтган ҳамоно шавқу завқ бирла атроф-жавониблардин сипоҳ ва фуқаро келиб қўшулдилар. Жамоат бўлуб, қўрғон атрофидин юруб Тўқайтепага қўндилар эрса, Шодмонхожа мингбоши ва мулла Олимқули қўшун бирла дарвозан Қатагондин чиқиб, Ермазор тарафига шитоб бирла қочиб кетдилар. Шодмуродхонни Ермазорга ташлаб кетдилар. Бир неча фуқаролар Шодмуродхонни ушлаб, хонга келтуруб бердилар.

Хон раҳмдил, шафқату марҳамат бирла ёнида сақлади. Уламо ва фузало ва умаро, амин ва оқсақоллар истиқболга чиқиб, Худоёрхони зафарнишонни кўриб, дуо айлаб сарафроз бўлдилар. Давлати тамом бирла кўчуб, равона бўлуб, Хўқандга дохил бўлуб, тахти муваррасида барқарор бўлдилар.

Шул тарихда амир Музаффархон подшоҳи Бухоро Маҳрам қўрғонида азбарои мадади Худоёрхон келиб эрдилар. Вақтики хон мазкур тахти мурассеъда барқарор бўлдилар эрса, бир неча муносиб ҳадя бирла эрза қилиб, давлатхоҳ муътамадил атвордин амирнинг хизматлариға юбодилар. Арқони давлат маслаҳат бирла Хўжандга келмай, Маҳрамдин қайтиб Бухорога кеттилар эрса, Худоёрхон уламо ва умаро ва амин-оқсақол ва бойларни чарлаб, маслаҳат қилдилар. Уламолар боғий ҳукм қилиб ривоят қилдилар. Андин сўнг тараддуд қилиб, асбоб-олотларини жам қилиб, қўшун тортиб отландилар ва бир неча манзил тай қилиб, мавзеъи Қубонинг остида Шўр деган мавзеъда қўндилар. Атрофи қўшунга аробаларни бир-бириға боғлаб, маҳкам қилдилар. Ушал кеча фароғат топтилар. Эрта бирлан якбора қўшуни қипчоқ босиб келди эрса, хон ҳам отланиб, қўшдин чиқиб, саф ростладилар. Фармон додхоҳ Курама қўшуни бирла пешни жанг эрди, душман етмай бошлаб қочти. Хон тўпга ўт бердилар. Олам қоронғу бўлди эрса, дўсту душман фарқ бўлмади, гўё қиёмати сувро бўлди. Ҳамма мутафарриқа бўлуб, тўзуб кеттилар. Хон бечора миқдори юз нафар маҳрам ва сийс бирла қолди эрса, жам бўлуб қилич урдилар. Қиссан кўтаҳ, то вақти асргача чоптилар. Шўр саҳроси қизил қон бўлуб, лолагун бўлди. Хон сиҳат ва саломат қўшиға дохил бўлуб, аробаларни жам қилиб, бир-бириға боғлаб жайф қилдилар. Тўп тўпхонани ўртага олиб туруб эрдилар Шодмонхожа ва Олимқули одам йиғиб келиб уруш бошлади. Тўп, милтиқга тутуб эрдилар, пароканда бўлуб кеттилар ва яна эртаси яна жамоат бўлуб келиб, жадди жаҳд бирла от қўюб келиб, ароба ва говларни чопар эрдилар, булар милтиқга тутар эрдилар. Уқга учуб ўлар эрдилар. Қиссан кўтаҳ, хонни оз одам бирла қамаб, атрофларини қуршаб, йўлларга одам қўюб, бир одамни киргали қўймади. Кўп танг бўлуб ҳалок бўлдилар. Озуқ ва овқат ҳам соф бўлди. Ҳар кун оҳишта-оҳишта жайфларини кўчуруб, Қубо тарафиға босар эрдилар. Шул мартабаи ҳалокатликда эрдиларким, тўртқўллик Эшонхон тўра деган

махдуми аъзам мурид ва мухлисларини жам қилиб ва Балиқчи музофотидаги амин ва оқсақолларни, бир неча одамларни жам қилиб, озуқ ва овқатларни кўп жам айлаб Шаҳрихон устидин кечалаб, хоннинг қўшуниға кирдилар эрса, ҳаддин афзун хурсандлик ҳосил бўлди. Жамъият бўлуб, кечалаб кўчиб, минг машаққат бирлан Қубонинг ичиға кириб жойландилар. Ободонликка чиқиб, худованди каримга шуқр бажо келтурдилар. Гўё умри дубора кўрдилар.

Вақтики ўшал жанги мағлубада ҳар ким ўз ҳолиға мутафарриқа бўлуб эрди, Султонмуродбек Марғинон бориб йўлга одам қўюб, қочқунчиларни тўсти эрса, уҳда қилолмай Хўқандга бордилар. Дафъатан мунодий қилиб, шодиёна қўюб, хоннинг саломатликларини халойиқга маълум қилдилар. Хурсандлик ҳосил бўлуб, аҳли сипоҳлар отланиб, жамоат бўлуб, суръат бирлан Марғинон Яккатутиға бориб атрофлариға жайф босиб қарор топтилар эрса, қози Мирзараҳим қуболик шул аснода келиб Султонмуродбекга мулоқи бўлуб, хоннинг хатти саломатликларини топшурди. Мазмунидин огоҳ бўлуб, тўп отиб, шодиёна қўйдилар. Сипоҳ ва фуқароға хурсандлик ҳосил бўлди. Қубонинг атрофини ҳам қипчоқ қўшуни қуршаб олгон эрди, Яккатут атрофини ҳам қуршаб олгон эрди, йўллар масдуд бўлгон. Шул маҳалда, танг бўлгон маҳалда, бир неча Хўқанд фуқароларини масжиди жомеъга жамоат бўлуб маслаҳат айлаб, эшон, мулла ва хожа жамъият қилиб, бир неча сипоҳ ва фуқаро йиғилиб, ҳазрат соҳибзодаи Қалон ва ҳазрат Сулаймонхожа шайхулислом ва мулла Файз ранс ва Худойназар амин ва бир неча оғоликлар бирла Саримсоқ тўра ва мулла Султон додхоҳ ва Бойбўтабей тоғлиқ, бир неча сипоҳлар бирла жамоат бўлуб, мукамал ва мусаллаҳ бўлуб, азбарои мадад Хўқанддин равона бўлуб, Марғинонга тушуб, бир неча Марғинонда тургон сипоҳларни маҳалла-маҳалла юруб, баъзиға яхши сўз ва баъзисиға насихат қилиб ва баъзиларға сиёсат қилиб, хулласи калом, Марғинондин жамоат бўлуб, Болалик Қарояғоч деган мавзеъга қўндилар. Жаноб ҳазрат Қалон мулла Султон додхоҳга либоси кинатабаррукларини марҳамат айлаб фотиҳа бердилар. Мулла Файз ранс бир жамоаға бош бўлуб, Бойбўтабий тоғлиқ мерганларга бош бўлуб, мулла Султон додхоҳ юз бир неча сипоҳлар бирла туғ ва байдоқ бирла Яккатутга равона бўлдилар. Сойдин ўтган ҳамоно қипчоқ қўшуни ҳозир туруб экан, якбора от қўйдилар. Отлиқ сипоҳлар мулла Султон бош тоби мақовамат

қилмай қочтилар Бечора пиёдалар бирмунча уруш қилгон бўлдилар. Қипчоқ бостуруб мутафариқа қилди. Кўп мусулмонларни шаҳид қилди. Захмдорлари ва нимкушталар ҳаддин афзун эрди. Буғдой боғидек мурда бўлдилар. Бир тўп фуқаролар қўрғончага қамалиб тош ва кесак ва туфроқ оттилар эрса, охир қипчоқлар қўрғончага ўт қўйдилар. Кўп мусулмонлар куюб ўлдилар. Бул мусулмонларни соф қилиб, Яккатутга мутаважжих бўлуб, от қўйдилар. Чунон шиддат бирлан бориб, жайфга яқин боргонда мерганлар отиб бердилар. Тутдек тўктилар. То вақти асргача урушуб қайттилар. Замоник хон Қубога дохил бўлдилар, атрофдин одамлар жам бўлдилар. Исо додхоқнинг ўғиллари, бир неча одам Андижон ва Шаҳрихондин жам айлаб, Қубога келиб хонга қўшулдилар. Жаноби хон ғайрат бирлаң отланиб, кечалаб Яккатутга дохил бўлуб, бир-бирлариға қўшулиб, худованди каримға минг-минг шукр айладилар.

Шул аснода мирзо Аҳмад қушбеги ва Муҳаммад Назирбек парвоначи кўп лашкар бирлан Марғинонға дохил бўлдилар. Қипчоқлар гоҳ Яккатут устиға эртадин то кечгача уруш қилур эрдилар. Гоҳ Марғинон устида уруш қилур эрди. Неча муддаи шул ҳолда эрдилар, бу уруш узоққа тортти эрса қипчоқлар маслаҳат қилиб, бир хон топмасак, ишимиз ривож топмас, деб Шаҳрихонда бир Ҳайит Муҳаммад деган деворзаннинг ўғли бор эрди, анинг бир неча одамлари Муҳаммад Алихоннинг ўғли деб гумон қилур эрдилар. Ани олдириб келиб, хон кўтардилар. Кечалаб Хўқандға равона бўлдилар. Эрта бирлан дарвоза оғзиға қўндилар. Шаҳар ичидин аҳвол олиб эрдилар, бир неча одамлар олдиға чиқиб кўрдилар. Андин сўнг кўнгиллари тўлуб ўрдаға дохил бўлдилар эрса Худоёрхон отланиб жамоат бўлуб, орқасидин Хўқандға равона бўлуб, Олтиариқ келиб қўндилар. Ушал кеча бир неча хат ёзиб, Хўқандға мулозим хушёрдин юбордилар, Эрта бирлан кўчуб, суръати тамом бирла равона бўлуб, Қоракўл устиға бориб, биҳузур тамом қўниб, тўп қўйдилар эрса, якбора аҳли бозор ҳай-ҳуй кўтариб, «қипчоқни ур, қипчоқни!»—деб муноди қилдилар. Шаҳар ичидаги қипчоқларни уруб ўлдурдилар. Мулла Олимқули ва Шодмонхожа эрта бирлан тўпларни ва ўқ-доруларни, ўрдада бор асбоб-милтиқларни олиб аробаға солиб, юклаб, суръати тамом бирлан дарвозани Қатагондин чиқиб, даштға қўнуб эрди ва баъзи қипчоқлар ва қирғизлар

бозор қилмоқ учун шаҳар ичида эрдилар, бари халос топмай ўлдилар. Шаҳар ичи ғалва бўлуб, ваҳму ҳаросра тушуб, кўчаларға аробалардин жайф босиб, кечалар ухламай чиқтилар эрса, қипчоқлар алассабоҳ кўчуб, суръат бирла даштлаб кеттилар.

Худоёрхон Қарокўлда бир неча қўлга тушган қипчоқ ва қирғизларни ўлдуруб, тўда қилиб ташладилар. Эрта бирлан кўчуб, равона бўлуб, ҳазрат Мўйи муборақға қўндилар. Қаллаботурлар бир нечаси қипчоқлар орқасидин бориб, ушлаб, хонга олиб келган ҳамоно аламонлар тўхмоқ ва шамшир бирла уруб, дўппослаб ўлдурар эрдилар. Неча чуқурлар ва кўчалар ва кўмгониға туфроқ тополмай чуқур ва лойхоналарни шаҳарликлар қипчоқ ўлуги бирлан тўлдурдилар. Қишлоқларда бўлган қирғиз ва қипчоқни ўлдурдилар. Ушал кун то кечгача ўлдурдилар. Уламо ва фузалолар истиқбол чиқиб эрдилар. Худоёрхонни кўруб, мулоқот бўлуб дуо қилдилар. Аларни кўп иззат ва ҳурматлар айлаб, неча қўй ва сўқум сўюб, қориларға хатми қуръон буюруб, обу ош айлаб, дуо-фотиҳа қилдилар. Уламо ва фузалоларға либоси муносиб марҳаматлар айлаб, руҳсат бердилар. Ушал кеча фароғат топиб, эрта билан дорус-салтанаға дохил бўлуб, тахти муваррасада барқарор ва устувор бўлуб, атроф ва жавонибдин огоҳ бўлуб, асбоби сипоҳигарликға иштиғол бўлдилар.

Вақтики қипчоқлар даштлаб равона бўлуб, Марғинон бордилар. Амин ва оқсақоллар лоилож чиқиб кўрдилар. Бир неча кун туруб, атроф ва жавонибдин қирғиз ва қипчоқ жамоатларини йиғиб, жамоат бўлуб, яна Хўқандға равона бўлуб, Саритол устиға тушуб, муҳосара қилиб уруш бошладилар, тўп ва жазойилға туттилар. То асргача урушуб, бир нечаси ўлуб қайттилар. Неча кун шул ҳолда урушар эрдилар ва ўлар эрдилар. Кундин-кунға адоватлари зиёда бўлур эрди. Шул мисолда миқдори тўққуз ой муттасил уруш бўлур эрди. Зафар топмас эрди. Бовужуд урушларин тарк қилмас эрдилар.

Алқисса, лоилож амири Бухороға арза ёзиб, муносиб ҳада бирла юрт яхшиларидин юбордилар эрса, суръати тамом бирла бориб, Самарқандда амирни кўруб, дуо қилдилар. Арзаларини бердилар эрса, амир марҳамат айлаб Алиёрбек парвоначинини бир неча аскари жаррор бирла фармойиш қилдилар. Орқадин ўзлари ҳам бормоқ бўлдилар. Парвоначи мазкур равона бўлуб, барқбоддек равона бўлуб, неча манзил тай қилиб, Бешариқ мавзёиға қўндилар. Қал Мингбой қипчоқ шеря жанг



бўлуб, бир неча қипчоқ Бешариқда туруб эрди, воқиф бўлуб, роҳи гуриз пеша қилиб, шабона келиб Олимқулига хабар берди эрса, кечалаб юкларини юқлаб, тайёр қилиб қўйдилар. Алассабоҳ кўчуб, Найманчага бориб кўнди. Эрта бирлан Алиёрбек парвоначи Бешариқдин кўчуб, Хўқандга дохил бўлди. Бир неча аскарни таъқиб қилиб, қипчоқларни орқасидин амир арқони давлат бирла юрмоқ бўлдилар. Тўп ва тўпхонани фармойиш қилиб, Худоёрхонни Хўқанд қўшунини бирла пешжанг айлаб, амири музаффар арқони давлати бирла отланиб равона бўлди. Оҳиста-оҳиста шукуҳу сиёсат бирла неча манзил тай қилиб, Ўзгант дарёсини лабиға кўнди. Худоёрхонни қипчоқлар устиға Қароғулча даҳнасиға буюрди эрса, хон бир неча аскар бирла борди. Қипчоқлар урушқа мойил бўлмади. Қаросини ҳам кўрсатмади. Бир соат туруб, бозгашт қилдилар. Бир неча кун ўшал ерда фароғатда ётиб, эрта бирлан амир арқони давлати бирла бозгашт қилиб, мурожаат қилди эрса, Содияқбек ўғли бирлан хон бўлмоқликға хомтамаъ бўлуб, қипчоқларни ичиға қочиб кетти. Амир шунча шукуҳ бирла қайтиб равона бўлди.

Бир неча манзил тай қилиб, Хўқандга дохил бўлуб, хоннинг аҳлу аёли бирла кўчуруб, мутаважжиҳи Бухоро бўлуб, Бешариққа тушуб, Шоҳмуродхонни сарупо бериб Хўқандга хон қилгон бўлуб, Бухорога равона бўлдилар.

### СУЛТОН САЙИДХОН

Шоҳмуродхон бир неча сипоҳларни маслаҳати бирлан мулла Олимқулини қўшунига борди эрса, Олимқули кўрмасдин ҳукм қилиб ўлдурди ва яна Саримсоқ деган деворзан ўғлини хон қилиб юруб эрдилар, ани ҳам ўлдурдилар. Маду деган мавзеъда тоғни устиға икковини дафн қилдилар. Андин сўнг Марғинон келиб, уламоларни жам қилиб, аҳднома ёзиб, аҳдномаға бир неча сўзларни таъкид билан солиб, тамоми муҳрдорлар муҳрларини бостилар. Олимқули ҳам муҳр бости. Шул мажлисда Маллахоннинг ўғли Султон Сайидбекни бовужуд ёшлиғи бирла хон кўтардилар. Ҳукуматни тамоман Олимқули ўзи олди. Амирул умаро от қўйдилар. Тарих бир минг икки юз саксонда<sup>1</sup>, панжуми моҳи сафар, ит йилида.

Андин сўнг Хўқандга равона бўлдилар. Бир неча манзил тай қилиб, Хўқандга дохил бўлдилар. Ўрдада

<sup>1</sup> Миллодий 1863 йил.

жаҳоноро номли иморат қилиб, макон туттилар. Ва бир неча хўқандликларни аробага солиб, бадарқа қилиб Қаросувға юборди ва неча мусулмонни қатл қилдилар. Бовужуд аҳдномаға таъкид қилиб эрдикни, бизлар аҳднома хусумат қилмасмиз, деб бир неча калоншавандаларни Қуртқага бадарқа айлаб юборди. Шодмонхожани Тошкандга ҳоким қилиб юборди ва ҳар қайси жамоадин бир-бир амалдор қилди. Ҳаллу ақди мулкдорликни ўз қўлиға олиб, жаҳолат ва сиёсат бирла бенизом ва бетартиб ҳукмронлик қилур эрди.

Шул аснода Дашти қипчоқдин хуружи фирқан Руссия масмуъ бўлуб эрди ва яна Шодмонхожадин бадгумон бўлуб отланди, хони бирла Тошканд равона бўлди. Бир неча манзил тай қилиб, Тошкандга дохил бўлуб, Шодмонхожани тутуб ўлдурди. Ўрда ичида Тошкандга Нормухаммад зодиёнликни ҳоким қилди. Яъқуббекни Гаровчи тавобеъға ҳоким қилди, Мирзо Давлат тожикни Туркистонға ҳоким қилди, қайтиб Хўқандга дохил бўлди.

Шул киш ўтуб, ёз бўлғонида, баҳор вақтида ҳаддин афзун дон чучук бўлуб, қимматчилик бўлди. Бугдой ўроғида навъи таскин топиб, филжумла арзончилик бўлуб эрди.

Дашти қипчоқдин фирқан Руссия Туркистон қасдида хуруж қилиб Жўлакға келган маҳалда Мирзо Давлат Туркистонни ташлаб келди. Бул хабардин мулла Олимқули огоҳ бўлуб, тараддуди қўшун қилиб эрди, яна хабар келди, Авлиётгани ҳам олди, деб. Мулла Олимқули шитоб бирлан хабар бериб ва барча уламо ва қуззат ва машойихларни ҳамроҳ қилиб, хони бирлан қўшун тортиб, Тошкандга равона бўлдилар. Бир неча манзил, йўл тай қилиб, Чимкент устиға бориб кўнди. Шул аснода Руссия аскарни Бўрижар келди, деб хабар берди. Бир неча эски сипоҳларни жам айлаб, маслаҳат қилдилар. Буларни ичида Отабек додхоҳ айдиким: «Кўшни кўрғонга ташлаб, ерда пинҳон туруб тўп жанги қилсалар яхши бўлур, бул қаттиғ ёвдур», деб эрди. Бир нечалариға маъқул бўлди эрса, мулла Олимқули қаҳрлаб ва ғазаб бирлан Отабекни Қетмантепаға бадарқа қилиб юборди... Ниёзалибийни тўпни оғзиға боғлаб отти... Уқ етмади, Яъқубнинг худо сақлади, саломат қолди. Ҳамма мусулмонлар тирикликдин умид уздилар. Шул амсолда неча одамларға ғазабланиб фармойиш қилдиким, «аскар ҳамма пиёда бўлуб, уруш тарафиға юрсунлар», деб. Шул замонда аскарлар пиёда қўлларида шоф ва шамшир ва милтиқ «оллоҳу акбар» деб югурдилар. Мулла

Олимқули отлик йироқ ерда туруб қолди. Урус якбора тўп, милтиқ ва мушакга ўт берди эрса, оламни ўт тутуб, ўқ ёмгурдек ёғди. Ҳамма якбора ўзларини ерға ташлаб ётиб қолдилар. Урус ҳайрон бўлуб, ҳуши кетиб, милтиқ отмай туруб қолди. Олимқули ҳам ҳуши учиб «қайтсунлар», деб буйруқ қилди эрса, ётгонлар туруб келдилар ва ўлук ва ярадорлар қолди. Қўшқа келдилар. Кечалар тонг отқунча ухламай огоҳ бўлуб турдилар. Тонг отти, Урус кўчуб Туркистонға қараб кетти. Чимкентға Мирзо Аҳмад парвоначини ҳоким қилиб, қўрғонни тузатиб, кўп аскар илғор қўюб, Хўқандға қайттилар.

Неча кун йўл тай қилиб, Хўқандға дохил бўлуб, асбоб ва анжом ростламоқға машғул бўлди ва бир неча вақтдин сўнг ақраб ойида ўрус Чимкентни саҳл таважжуҳ бирлан олди. Мирзо Аҳмад ва барча аскарлар асбобларини ташлаб келдилар. Олимқули хабар топтиким, Урус Тошканд келиб қамабдур, деб. Шитоб бирла йўл босиб Тошкандға келдиким, ўрус орқасиға қайтиб кетибдур. Бир неча кун асбоб ростлаб, саранжомини олиб, қўшун қилиб, Туркистон устиға юруш қилди. Совуқдин аскар ҳалок бўлуб, Иқон бориб туштилар. Намозшом бўлуб эрди, «ўрус келди», деб хабар топти. Дарҳол отландилар. Ярим фарсах ерға бориб, ўрусға муқобил бўлди. Тўп ва милтиқ икки тарафдин баробар ўт қўйдилар. Қаронгу кеча кундуздек ёруқ бўлди. Шу амсолда уч кеча ва кундуз доим уруш қилдилар. Урусдин кўп ўлди, мусулмондин ҳам кўп шаҳид бўлдилар. Ахир қора-бура қилиб қорларни юмалатиб югурдилар. Урусни тўпи ва милтиқи қордин ўтмади. Яқин бориб «Оллоҳу ақбар» деб қўшқа оралаб қучоқлашиб-қучоқлашиб, чопиб-чопиб урдилар. Қирғиз мол талаштилар. Бир неча ўруслар орадин қочиб чиқиб кеттилар. Орқасидин ботурлар қувалаб Туркистонғача бордилар. Зафар топиб, шоду хуррам бўлуб, эрта бирлан мурожаат қилдилар... Бир неча йўл тай қилиб, ғоним ва солим Тошкандға дохил бўлди. Саксон адад ўрус бошини Хўқандға юборди ва бир неча кун Тошкандга туриб эрди, Кошғар юртларидин бир неча калоншаванда беклар хат юборибдурким, «Бизлар Хитой бирла урушиб, бир неча юрт олдук, сиздин бир одами ҳушёр ҳоким талаб қилиб хат юбордук», деб. Шу ҳолда Яъқуббекни Бузрукхон тўра бирла Кошғарға буюруб, равона қилди. Орқасидин ўзи ҳам хон бирла мурожаат қилиб, Хўқандға дохил бўлуб, асбоби ғазот ростлаб, кеча-кундуз тараддудда эрди. Яъқуббек Буз-

рукхон тўра бирла бориб, неча шаҳарларни фатҳ қилиб, кўп ривож олиб шуҳрат топти эрса, бир неча қирғиз ва қипчоқлар рашк айлаб, Сиддикбек деган қирғиз бош бўлуб, жамият бўлуб, Яъқуббекни ўлдурмоқ бўлуб эрдилар. Яъқуббек воқиф бўлуб, бир неча яхши одамларини юбориб, насиҳатлар қилдилар. Қабул қилмадилар. Лоилож урушуб қочурдилар. Бир неча калоншавандаларни ўлдурдилар эрса, қирғизлар жам бўлуб Мулла Олимқулиға бу воқеаларни баён қилиб, Яъқуббекдин шикоят қилдилар. Мулла Олимқули қулоқ солмади.

Шул ҳолда тарих бир минг икки юз саксон бир эрдиким<sup>1</sup>, бул воқеа масмуъ бўлуб, кўп тортуқлар ва анжом ва ёмбулар юбориб, бир неча муътамад одамлардин баён воқеа ва арзи-аҳвол қилди эрса, Мулла Олимқулиға хуш келди. Тортуқларни барча улуг ва кичикларга инъом қилди. Келгонларни меҳмон қилиб, муносиб сарупо бериб қайтарди. Тараддуди ғазотга чунон жадду жаҳд айлаб, жамъи авқофлар хирожини ва жамъи ёрлиғдорларни тани коранда хирожини олдириб сарбозларни сафиға номзад қилиб, мирзан муътамад чиқариб, рўйхат қилиб Қори Пеш деган шайтонсифат бойға топшуруб мутасадди қилди. Аскарға зарб бирла машқ фармойиш қилур эрди, ҳамиша ҳаракатда эди.

Шул аснода тарих бир минг икки юз саксон бирда ўрус келиб, Ниёзбек қўрғонини олди. Бул хабарни Мулла Олимқули эшитган ҳамоно, барча атрофдаги саркардаларға хат юбориб, жавзо ойида қўшун тортиб, шитоб бирла олганиб, бир неча манзил йўл тай қилиб, Тошканд устиға бориб, Мингўрукға қўнди. Тонгласиға Мулла Олимқули одам ростлаб, тўп ва тўпхоналарни жомадор нойиб бирла бамаслаҳат жойлаб туруб эрди. Якбора ўрус босиб келди. Тўпламоқға туттилар ва жазоил ва тахтафарангларға ўт бердилар. Мулла Олимқули от чопиб, атроф қўшундин саркардаларни урушға тарғиб қилур эрди. Қирғиз ва қипчоқ қулоқ солмас эрдилар, балки ҳақорат бирла дурундўзлик қилур эрдилар. То вақти пешинғача тўп жанги қилдилар. Уқлари хато бўлмади, кўп кофур ўлди. Мусулмонлар ҳам шаҳид бўлди ва захмдор бўлдилар. Шу аснода Мулла Олимқули тўпхонага келиб турди. Жомадор ҳарчанд манъ қилди ва «йироқ турунг», — деди — қабул қилмади. Қазоро, Олимқулиға ўқ тегди, Ҳаққули деган ақрабосини орқасиға миндуруб, қўшқа жўнаттилар. Қўшқа борғон ҳамоно хон Олимқули бирла Тошкандға кирди-

лар. Қўшунини ҳам жангдин қайтардилар эрса, қўшқа келиб қирғиз ва қипчоқлар бузулуб Олимқулини хазинасини талаб, торож айлаб, Хўқандга қайттилар. Кўп мусулмонлар Чирчиққа оқдилар. Ҳар ким ўз ҳолига бўлуб, суръат бирла давондин ошиб, дарё лабиға қўнуб, қипчоқлар ва бир неча сарт хўқандликлар, чунончи, Мирзо Аҳмад ва ғайра ҳам бирла маслаҳат айлаб Бекмуҳаммад додхоқ қипчоқни мингбоши қилдилар ва Мирзо Аҳмадни амири лашкар қилдилар. Шаҳарга ясовул буюруб, Худойқулибек ибн Мақсудбекни олдуруб келиб, хон кўтариб, фотиҳа ўқудилар. Дарёдин ўтуб Хўқандга кириб, ўрдага макон тузуб ва дўкон қурдилар.

Вақтинки Султон Саййидхон бир неча аскарлар бирла Олимқули бечоранинг олиб Тошканд кирдилар. Хон ўрдага кирди, Олимқулини бир дўконга ётқузуб қўйдилар. Бир неча васиятлар қилиб, фаний дунёдин олами боқийга рихлат қилди. Жаноза ўқуб, Шайхантаҳурга дафн қилдилар. Бул воқеага ва анинг шаҳодатиға тарих рубон рақам қилинди: «Олимқули қирғиз бий асл бо сиёсат, Айлаб ҳужум беҳад қирғиз бедиёнат. Охир топиб шаҳодат Тошканд вилоятида. Айдилар анга тарих «ғуфрони бениҳоят».

Маҳфий қолмасунким, «ғуфрони бениҳоят», яъни ғуфро нун исқот турур. Бас, ҳосил — бир минг икки юз саксон бир тарихи<sup>1</sup>.

Тошканд халқи бесаранжом бўлуб, амири Бухорога мадад талаб қилиб одам юбордилар эрса, амир Музаффархон айдиким, «Маллахон ўғлини юборсунлар, сўнгра аскар юборармиз», деб қайтарди ва яна Саййид Султонхонни юртни иттифоқи бирлан Бухорога юбордилар. Амир Искандар ва Абдусаммад деган эронийни бир неча аскар бирла Тошкандга юборди эрса, хўқандликлар ситеза айлаб, бузулуб, қўрғон раҳналаридин чиқиб, Хўқандга келди.

Шул аснода амири Бухоро маврид топиб қўшун тортиб, Худоёрхонни ва Султонмуродбекни олиб, Хўқандга равона бўлди ва бир неча манзил ва мароҳил тай қилиб, Хўқандга дохил бўлди, Бекмуҳаммад қипчоқ валади Гўрўғли бир неча қипчоқлар бирла Қошғарга ўтуб кеттилар... Алиёрбек парвоначи таъқиб қилиб, то ўш дамодуғача бориб, мурожаат қилиб, Марғинон туштилар. Худоёрхоннинг Хўқандга хон қилсунлар, деб

<sup>1</sup> «Ғуфро»нинг миқдори 1281 га тенг. Бў ҳижрий йил ҳисобида. Милодий 1864 йил.

амирға арза қилдилар. Амир қабул айлаб, Худоёрхонга сарупо бериб, қипчоқларни орқасидин буюрди. Хон равона бўлуб, ўш устига бориб, қипчоқларга марҳаматнома юбориб топиштилар. Бир нечаси Қошғар тарафиға кетти...

### ХУДОЁРХОННИНГ УЧИНЧИ ҲУКМРОНЛИГИ

Хон зафар топиб Хўқанд келди эрса, дафъатан амир кўчуб, Говхона устига қўнди. Худоёрхон бир неча тортуқ бирла бориб, амирға кўрунуш қилиб меҳрибонлик кўруб, сарафроз бўлуб, ўрдасиға келди. Тахти муварасда барқарор бўлуб, ҳукмронликға машғул бўлди.

Бир неча қипчоқ ва қирғизлар амири Бухородин қўрқуб, тоғлар орасида турар эрдилар. Аларға яхши мулойим мактублар ёзиб бир неча доно ва ҳушёр одамлардин юбордилар. Мусулмонқули қипчоқни ўғли Абдурахмон отлик офтобачи қипчоқларга сардор бўлуб туруб эрди. Муборакномани кўзлариға суртуб, тамоми қипчоқ ва қирғиз калоншавандалари тортуқ бирла келиб Худоёрхонни кўруб, кўрушуб, дуо қилиб топуштилар. Ҳар қайсилариға амири маъруф қилиб, сарупон олий бериб сарафроз қилдилар ва ҳар қайсиға мувофиқи ҳол амал бердилар. Ва вазифа тайин қилдилар. Инъому эҳсон бирла сарафроз айладилар. Худоёрхонни давлати ривож олиб, фароғат топти.

Мазкур тарихда амир Музаффар мурожаат қилдилар. Бухоро бориб жаноб эшони соҳибзодага меҳрибонлик қилиб, жавоб берди. Жаноб ҳазрат бадавлати тамом Бухородин чиқиб, неча манзил, йўл тай қилиб, Хўқандга келдилар. Тамоми уламо ва фузало, сипоҳ ва фуқаро ва бойлар пешбоз чиқиб олиб келдилар. Хон давлатиға баракат пайдо бўлуб, давлати қадимасидин минг даража зиёда бўлди. Атроф ва жавонибларни низомға олиб, шариятға ривож берди. Уламоларни эъзозини бажо келтурди ва аҳли қалам мирзоларға ривож бериб, аларға кўп эътиمود қилди эрса, хазинасиға баракат ҳосил бўлди ва яна Мулла Исо-авлиёни бозорға сарой ва дўкон қилмоқға мутасадди айлаб фармойиш қилдилар. Ва тамоми қаламравлардаги бозорларға дўкони жади айлаб, подшоҳлик қилди.

Ва яна Муҳаммад Алихон шаҳиднинг ўрдаси вайрон бўлуб, боғи замин дашт бўлуб қолғон эрди эрса, анга арк ва иморат буюрди. Таомили ва расми Бухорони жорий қилиб, бир неча маҳрамларни арзаға мутасадди қилди. Бева ва бечораларни арзини маътал қилмай сў-

рар эрди. Тўп ва тўпхонага Дарвишалининг нойиб қилиб, тўпчи ва сарбозларни жам қилиб, ҳар кун машқи тўп ва машқи милтиқ, тўпчи ва сарбозларга ривож бериб ишга солди.

Бир неча вақт заботи мамлакат қилиб, юртдорлик ишига машғул эрдиким, амири Бухоро Музаффархон тараддудни ғазот айлаб, Уратепа устига келиб, одам жам айлаб, Худоёрхонни ҳам ғазотга таклиф айлаб, иноятнома юбордилар эрса, ноилож тараддуд қилиб отланиб, дарёдин ўтуб Шаҳидон бориб туруб эрса, тарих бир минг икки юз саксон учда<sup>1</sup> амири Бухоро кўп одам бирла Бўёқчиқўл деган мавзёга бориб кўнди эрса, якбора ўрус аскарлари воқиф бўлуб, дарё бирла келиб уруш солди. Бухоро қўшуни паришон бўлуб қочти. Тўп ва тўпхона, хазина ва дафиналари қолди. Кўп мусулмонлар шаҳид бўлди. Бул хабарни хон эшитди. Дафъатан отланиб, дарёдин ўтуб, Хуқандга дохил бўлуб, ошнолик расмин тутуб, Россиянинг бош ҳокимига хат қилиб, элчи юборди эрса, Россия халқиға хуш келиб, аҳду паймоннинг дўстлиғиға маҳкам қилиб, туҳфа ва ҳадялар бирлан элчиға элчи қўшуб юборди. Шул мисолда ҳар йил элчилар орада бориш-келиш бўлуб, юрт тинч бўлуб ва оромида бўлуб обод эрди.

Аммо қирғиз халқи тинмай фитнажўйликға машғул эрдилар. Тарих бир минг икки юз саксон тўртда<sup>2</sup> Сўх юртида бир жамоа қирғизлар жамоат бўлуб эрдилар. Худоёрхон аскар буюриб, урушуб қочуруб, жамятлардин паришон қилиб, қўлга тушгонин ўлдурдилар. Сўнгги йили яна қирғизлар Бухороға пунҳоний одам юбориб, Маллахоннинг ўғли Султон Саййидхоннинг олиб келарида Худоёрхон воқиф бўлуб, йўлга одам қўуб, Лолак деган мавзёга келганда қўлга тушуриб ўлдирдилар.

Тарихға бир минг икки юз саксон бешда<sup>3</sup>, шаввол ойида сешанба кунида жаноб ҳазрат соҳибзодан Калон дунёин фонийдин олами боқийға рихлат қилдилар. Худоёрхон бел бўлаб, асо тутуб, таъзиятлариға бош бўлуб турди. Бовужуд жамоат бўлуб, тобут устидаги ажносни жаноза ўқурда талош қилиб, кўп ғавго қилдилар. Худоёрхон калтаклаб, ўзи ясовул бўлуб дафн қилдилар.

Ва яна шул тарихда Худоёрхонни волидан шарифалари рамазонни шарифда олами фонийдан олами боқий-

<sup>1</sup> Милодий 1866 йил.

<sup>2</sup> Милодий 1867 йилда.

<sup>3</sup> Милодий 1868 йилда.

ға рихлат қилди. Жанозасиға жаноб ҳазрат соҳиб Калон ўтуб эрдилар. Андин сўнгра даҳаға ўлтурдилар. Бахузур тамом даҳани тамом айлаб, аҳли муътакифларға рухсат бериб ҳарамлариға кирдилар. Якшанба кунни шавволни учинчисида сақли ориз бўлуб, сешанба кунни шаввол ойини олтинчи кунида рихлат қилдилар.

Ва яна тарих бир минг икки юз саксон олтида ҳазрат Сулаймонхожа шайхулислом олами фонийдин боқий оламға хиром айладилар.

Хон Андижон тарафиға бориб эрди, сипоҳ ва фуқаро, қишлоқ то шаҳар жамоат бўлуб, жаноза ўқуб, Саримазорға дафн қилдилар.

Ва яна шул тарихда Худоёрхон волидан шарифаларини васиятлари бирла оналарини номиға мадраса солмоқ бўлуб, мулла Турдиали мирзони ишбоши қилиб, масжиди жомеънинг шарқида мадрасайи олий биносига машғул бўлуб, саҳл вақтида итмомиға етиб, Мадрасаи «Ҳоким ойим» номзод қилди.

Ва яна бул мадрасаи «Ҳоким ойим»ға Шаҳрихон устида дарёдин ариқ чиқариб, хирожни вақф айлади. Тарихи улуғ наҳр:

Фасоҳат бирла шаҳ тарих адосин,

Қилиб сочти оғзидин дури гуҳар.

Замир аннуридин бўйла макшув,

Бўлуб тарихини деди «улуғ наҳр»!

Тарих бир минг икки юз саксон еттида Худоёрхон ҳамширалари Ойжон ойим фоний дунёдин боқий оламиға рихлат қилди. Хон либоси қаро кийиб, тамоми аркони давлат қаро кийиб, асо ушлаб эрди. Тамом жамоат бўлуб, жаноза ўқуб дафн қилдилар.

Замоники жаноб ҳазрат Калон ва шайхулислом ва волидан шарифалари ва ҳамширалари вафот топдилар эрса, хоннинг давлатидин путур кетти. Кундин-кун атроф ва жавонибларидин фитна пайдо бўлди.

Андоғким, Андижон толеъида мундуз жамоасидин Маъмур деган қирғиз бир неча қароқчиларни ҳамроҳ айлаб, закотға боргон мулозимларни тутуб, ўлдуруб, пулларини олиб, сарф қилиб одам йиғиб, жамоат бўлуб, Жалолобод ва Хонобод қишлоқни чолиб торож қилгонда, Худоёрхон Андижонда туруб, Андижон лашкариға фармойиш қилди эрса, суръат бирла бориб, муқобил бўлуб, урушуб қирғизларни қочурдилар. Жамъ-

<sup>1</sup> Милодий 1872 йил.



иятлари парижон бўлуб, бир нечалар ўлуб ва бир нечаси банди бўлуб, қўлга тушти. Танбеҳ ва сиеват учун барчасини ўлдурдилар. Маъмур тирик қочиб кетти ва бир неча вақтдин сўнг яна ўғри қирғизларни жам қилиб ва бир неча бийларни васваса қилиб, жамоат бўлуб, Узганд қўрғониға кириб, шўриши азим бошладилар. Худоёрхон мулла Исо авлиёни Шаҳрихон аскарни бирла, Холназар туркни турк аскарни бирла буюрди. Булар суръат бирла бориб, урушуб, қочурдилар. Яна бир неча бийлари ва калоншавандалари банди бўлуб тушти эрса, арза ёзиб, буларни ўлим гуноҳини тилаб, одами ҳушёрдин юбордилар эрса арзалари мақбул бўлуб, бандиларға меҳрибонлик қилиб, сарупо бериб ва насихатлар айлаб, озод қилиб юбордилар.

Ҳануз бул муноқашалари саранжом топмай, Уш устидағи қирғизлар жамоат бўлуб, Арабон келиб, ўрдани босиб ва бир неча асбоб ва олотларини олиб тоқға чиқиб кетти. Абулқосим Чинний ҳоким эрди. Анбурдин чиқиб қочиб қутулди эрса, Худоёрхон воқиф бўлуб, Марғинон ҳокими Султонмуродбек укасиға Абдурахмон офтобачини қўшуб кўп аскар бирлан юборди. Булар бориб урушиб қочурдилар. Қирғизлар парижон бўлуб кетдилар. Бир неча бийлари, чунончи Умарбек ва Абдурахмон шайтон ва Қароқулбий ва Сулаймон ўғри ва бир неча қирғиз бийлар бирла қўлга тушти. Кўп обрў бирла келиб, хонни кўруб маломат қилиб, дуо айладилар. Филжумла хотиржам бўлуб турдилар эрса, Мусулмонқул деган қирғиз қибчоқ урушдин қочиб, бир неча қирғизлар бирла маслаҳат айлаб, хонзода топмоқ учун Бухоро тарафиға бориб, Пўладхон валад Муродхонни олдиға бориб васваса қилиб экан, Пўладхон қабул қилмабдур. Анди ноумид бўлуб Урганча, Мухаммад Алихон ўғли Музаффархонни олдиға бориб, неча кун туруб васваса қилдиким: «Ҳамма халойиқ иттифоқ бирла сизни хон қилиб ота тахтиға ўлтургузмоқға фотиҳа ўқуб, мани сизға буюрдилар. Ҳамма халойиқ сизға мунтазир турурлар»,— деб. Музаффархон айдиким: «Сиз қирғиз халқини эътиборларинг йўқ турур. Қаландархон акамни ҳам олиб бориб Мурғзор қишлоқда ўлдуруб қўйдинглар»,— деб қабул қилмади. Мусулмонқули мазкур лонлож қайтиб Тошканд келди эрса, Мухсинбойнинг ўғли мулло Абдумўминнинг ҳавлисиға қўнуб эрди. Анда бир мулла Исҳоқ деган қирғиз бала Маззанг деган мавзёда носфурушлик қилур экан. Азбаройи носолмоққа келган экан. Абдумўмин мазкур айдиким: «Эй

Аҳмоқ қирғиз, шул қирғиз балани Пўладхон деб олиб борғил. Йш саранжом топқанда, бир хон топилур»,— деди эрса, маъқул бўлуб, ўшал қирғиз балани олиб, Облиғ устидин олиб Чуст устиға келиб, қўшунға қўшулди. Қирғизлар хурсанд бўлуб шодиёна қўйдилар. Оқ кийгизга солиб хон кўтардилар. Худоёрхон ҳам воқиф бўлуб, қўшун буюруб эрди, эртасиға қирғизлар янги хон бирла отланиб, урушға чиқиб муқобил бўлдилар. Хўқанд каллаботурлари якбора от қўйдилар. Қирғизлар хони бирла қочтилар. Бир нечасини ўлдуруб, чопиб, бир неча банди олиб, обрўи тамом бирла Хўқанд келиб, хонни дуо қилдилар.

Бир неча вақтдин сўнг Қосон устиға бориб, қирғизлар йиғин қилиб ва бир неча қипчоқларни ҳам ҳамроҳ қилиб олдилар. Жамоат бўлдилар. Худоёрхон воқиф бўлуб, Абдурахмон офтобачини ва мулла Исо авлиёни бош қилиб, тамоман калоншавандаларни фармонлади эрса, жамоат бўлуб дарёдин ўтуб, Намангонга дохил бўлдилар. Намангон Урмонбекға номзод бўлуб эрди. Мулла Турдиқули ботурбоши, Умарали хожа мирзабоши эрди. Бир-икки кун туруб, қўшунни орқасини еткуруб, жамоат бўлуб отланиб, лашкар тортиб, фавж-фавж, тўп-тўп, байдоқ-байдоқ, алам-алам бўлуб кон устиға бостилар. Шукуҳ бирла бориб муқобил бўлуб, саф тортилар эрса, қипчоқ халқи урушқа анча рағбатлари йўқ эрди. Чароким кечаси хат ва одам келиб, қипчоқ катталариға сўзлашиб экан. Назирқули ботурбоши Қармани Шаҳрихон аскарни бирла «Оллоҳу акбар» деб от қўйди. Унг тарафдин Кийикбой ботурбоши қипчоқ маҳрам тўпи от қўйди. Маҳрамлар отиб, чопиб, ўлдуруб, захмдор қилиб ёвни қочурдилар. Беҳад ва беадад банди тушти. Обрў олиб, фоним ва солим бозгашт қилиб, Тўрақўрғон ўрасиға дохил бўлуб мажлис қуруб, қирғизларни бийларини ва Мусулмонқули қирғиз, қипчоқни бандихона олиб келиб савол қилдиларким: «Сизлар нима учун беадаблик қилиб, тахтнишин, тўп, тўпхоналик ўз подшоҳларингға тиг тортинглар?» деб Абдурахмон офтобачи бир неча сазойиш қилди эрса, Мусулмонқули қирғиз шайтонсифат андоғ сўзладиким: «Эй офтобачи, букун тонгла қиёматда биз халқнинг қўлу-миз сани яқонгда, шунча ишлар сани амринг бирла бўлгон, бизларда гуноҳ йўқ»,— деган ҳамоно офтобачи жаллодға буюруб ўлдурди. Қолгон бандиларни кечалаб озод қилиб қуюб юбордилар. Арза қилиб суюнчигўён Худоёрхонға бир неча хизматкарда йиғитлар-

дин юборди. Булар чун барқ-боддек суръат бирла Хуқандға бориб, Худоёрхонни кўруб дуо қилдилар. Арзаларини топшурдилар эрса, арзани ўқуб, мазмунининг иттило топиб, ҳар қайсиларига сарупойи олий ва ёрлиғи амал бериб, офтобачи ва мулла Исо ва тамоман понсадбошиларга либоси кўҳнаи табаррук марҳамат айлаб, иноятнома бирла юбордилар. Булар суръат бирла бориб топшурдилар. Иноятномани кўзга суруб, сарупойи олийни кийиб, хон ҳазратнинг умру давлатларига дуо айладилар.

Андин сўнг саранжом ва саришталарини олиб бозгашт қилдилар. Бир неча манзил ва мароҳил тай қилиб, ғоним ва солим Хуқандға дохил бўлуб, хонни кўруб дуо қилиб, дастбўсликка мушарраф бўлдилар. Қилғон хизматларини бир-бир тақдир қилдилар. Тамоми аҳли кўшунга сарупо ва амал ва жабдуқи тилло ва шамшири тилло ва киссайн тилло арза қилдилар. Мақбул бўлуб фармойишлар қилдиларким: «Хазинада бор нимарсаларни йигитларга мувофиқи ҳол беринглар»,— деб. Чароким бул кўшундин Худоёрхоннинг таваҳҳуми ҳаддин афзун эрди. Офтобачи «бисмиллоҳ» деб хазина эшигининг очтуруб жабдуқ, шамшири тилло ва нуқра ва киссайн шофларини олиб чиқиб, қипчоқларга мувофиқи амал сарупо ва жабдуқи тилло ва киссайн тилло шамшири тилло ва камон берди. Гоҳ-гоҳ хуқандликларга ҳам берар эрди. Неча кун ушбу тариқада эртадан то асрагача берар эрди. Замоник хазинада бул амсол ажнослар соф бўлди. Саррофбошига буюруб, пеш тайёр бўлғонин бериб, бозордин ҳам сотиб олиб беармон берди. Тамоман аскарлар муддаоларининг ортуқ меҳрибонлик кўруб, сарафроз бўлдилар.

Худоёрхон айшу нишот бирла бир-икки йил тинчлик бирлан умр ўткарди ва бир неча кундин сўнг юртларининг аҳвол олмоқ учун Андижон тарафига бормоқ бўлдилар. Отабек нойибни дорус-салтанага арза сўрамоқга Оталиқ нойибга тайин қилиб қўюб, бир неча сипоришлар айлаб, хотиржамлик бирлан равона бўлдилар. Оталиқ ҳар кун тўпчи ва сарбоз ва каллаботурларни машқга солиб, асбоби сипоҳгарлиқни тузамоқга машғуллик қилур эрди.

Тарих бир минг икки юз тўқсон бирида<sup>1</sup> Валихон тўраи шайхулислом Чустий тақдири илоҳий бирлан дорулфанодин дорулбақога рихлат қилдилар. Бир неча муллалар келиб Оталиқга эълон қилди эрса, камина,

роқими бу рисола — мулла Мирзоолимни ҳазрат эшонини жанозаларига буюрди. Камина бориб бошида туруб эрдим, бир неча уламолар ва фузало ва машойих, хосу ом жамоат бўлуб жаноза ўқуб, даҳмаларига дафн қилдилар. Каминага хон ҳазрат Мушриф амал марҳамат қилиб эрдилар. Бул боисдин тахаллус айлаб шайхулислом вафотларига назм тарих рақам қилинди.

Замоник Худоёрхон саодатнишон батариқани шикор ва ҳам батариқани эҳтисоби аҳволи фуқаро ва раиятлардин огоҳ бўлмоқ учун тарафи Андижонга равона айлаб, давлати тамом бирла отланиб Марғилон бориб, бир неча кун истиқомат айлаб, андин бадавлати тамом отланиб Шаҳрихон бориб, андин Андижон бориб бир неча кун истиқомат қилиб, атроф ва жавонбдин аҳвол олиб арза сўрадилар. Андоғким: мулла Турсун Аълам Хўжандий бир ривояти жадид нав зуҳур қилиб, маҳрум мерос деган ва бир неча арзачи маҳрамлар жус-тужў бирлан маҳрум мерос васиқан жадиду кўҳналарини топиб, ботил қилиб ҳукм айладилар. Ва баъзи уламо ва қозилардин аҳвол олиб, шариятга хилоф иш қилғон уламоларни ғуноҳларини бўйнига қўюб танбеҳ қилдилар ва баъзисини азл қилдилар. Андижоннинг саранжом айлаб, андин Балиқчи бориб, шул тариқа саранжом айлаб, Намангон бордилар ва бир неча кун истиқомат қилиб арза сўраб, саранжоми давлати тамом бирла ғоним ва солим дохили дорус-салтанани Хуқанд бўлдилар. Ҳар кун арза сўрамоқга иштиғол айладилар эрса, маҳруми мерос шойеъ бўлуб, кўҳна васиқаларини ботил қилдилар. Бул маъни уламо ва фузало ва умароларга онча маъқул бўлмади. Ва анинг манъига арз қилмоқга қодир бўлмадилар. Лоилж сабр этдилар.

Бул аснода мулла Миртожик сўфи бир неча қирғизлар бирла жамоат бўлуб, иъво бошладилар. Хон ҳазрат огоҳ бўлуб, Отабек нойибни ва Абдулназар додхоҳни бир неча каллаботур ва тўпчи ва сарбоз бирла буюрдилар. Жамоат бўлуб, суръати тамом бирла бодбарқдек бориб, от қўйдилар. Улар ҳам муқобил бўлуб от қўйдилар. Бир соат хўб урушдилар. Билахийр, мақомат қилолмай қирғиз қочдилар. Бир нечаси банди бўлди. Анча калоншавандалари Зардолу деган мавзеъда бориб тўхтади. Андоғки йўли ёмон, жойи маҳкам эрди. Анга элчи юборуб, аҳди омон бирла қўлга олиб, хон ҳазратнинг хизматларига олиб келдилар эрса, дафъатан жаллодга амр айлаб ҳукмкашга буюрдилар. Мулла

<sup>1</sup> Милодий 1873 йилда.

Миртожикни бозор айлантуруб, ҳар мавзеъ бандаргоҳда қўлни кесиб ва бурнини кесиб бахорийи хор ўлдурдилар. Отабек ноибни аҳди омон қилгонимиз деб, арз қилурға журъати бўлмади. Абдуназар додхоҳ арза қилиб, Муҳаммад Али ботурбоши қирғизни ўлумдин халос қилди. Худоёрхон забти ҳукумат айлаб, сиёсат бирлан мулла Омонбой деган қози, аълам ва муфтилари бирла шариятга хилоф қилгонларни жарималарин равшан англаб, бўйнига ғул ва занжир солиб, занбуракка боғлаб офтобга қўйдилар. Бир неча кун турди эрса, вазирлар ва калоншавандалар ситеза айлаб, жаримасин талаб қилмадилар. Охируд амр. Урмонбек талаб қилиб олди ва яна хожакалон маҳдум қози раис эрдилар, андин бир гуноҳ содир бўлгон экан. Нависандалар, биайниҳ мактуб айлаб хонга берган экан. Анинг ҳам чарлаб сиёсатга ситезовар қилдилар. Азҳад афзун ҳақорати қобиҳ қилиб, яланғочлаб, мўйлаб ва соқолларини мўйчинак бирла олдуруб, неча минг танга ёргу айлаб олиб, уйида ётсун, деб ҳукм айлади.

Ва яна мулла Мирзараҳим ҳокими Сўхдин бир гуноҳ содир бўлгон экан. Нависандалар жанобларига эълон қилибдур. Муни ҳам тутуб бандга солдилар. Ва яна Бузрукхожа Оламиёни ҳам бандга солиб, Сақовтўра деганга топшурдилар. Ҳаддин афзун қийнаб, моламволларини хатлаб олиб, кўп пул топтуруб олдилар. Шул тариқа забти ҳукумат ва сиёсат бирла арза сўраб машгуллик қилар эрди. Аркони давлат, умаро ва фузалоларга бул ишлари нописанд эрди, балки тамоман калоншавандалар таваҳҳумга қолдилар ва бир неча фитнаангизлар жам бўлуб, Абдурахмон офтобачи бирлан фитна оғоз қилмоқга кенгаш айладилар.

Офтобачи мазкур Лолак узасидаги чопқунлик жамоасига бояд-шояд сўзларини муаккад бақасам қилиб, хушёр одамдин юборди эрса, суръат бирла равона бўлуб, Лолакга бориб, мактуби фасод услубни бийларга топшурди. Бийлар жамоат бўлуб улуғ ва кичикларни ўртасида хатни ўқудилар эрса, якбора хурсанд бўлдилар. Айни муддаолари ҳосил бўлди. Дафъатан одами хушёрни Хўжандга буюрдилар. Содиқбекни ўғли Абдулкаримбекнинг топиб мактубларни топшурдилар ва яна тил сўзларини ҳам баён қилиб, мазкур бекни кўнглини тўлдурдилар.

Алқисса, Абдулкаримбек мулла Абдулқайом саркорни олдуруб келди. Бир неча лозим нимарсаларни олиб,

қодир саропардалар бирла равона бўлуб, Лолакга дохил бўлдилар. Хон кўтаруб, жамоат бўлуб эрди. Худоёрхон воқиф бўлуб, Хонқули мирзойи курамани етти понсодбошига бош қилиб буюрди. Булар барқ-боддек бориб, жамиятларин паришон қилдилар. Қирғизлар қочиб, тоғ орасига пинҳон бўлди. Абдулкаримбек Хўжандга борди эрса, хон англаб Урусиянинг ҳоким ва тўраларига хат юбордиким: «беки мазкурни топиб бериб юборсун»,— деб. Дафъатан мазкур Абдулкарим бийни топиб, хонга бир неча муътамад тўрасидин бериб юборди эрса, хон Отабек ноибга топшуруб, ватанига тайин қилдилар.

Бир неча вақтдин сўнг Худоёрхонни укаси Сўфибекни ўғли Назирбек Хўқандга хон бўлмоқ ҳавасида Бухородин Қаротегин келиб, бир неча қирғизларни жам қилиб Олойга келганда, хон воқиф бўлуб, укаси Султонмуродбекни Марғион аскари бирла Абдурахмон офтобачини барча жамоани қипчоқлар бирла ва мулла Исо авлиёни Шаҳрихон аскари бирлан, Холназар парвоначинини турк жамоаси бирлан Назирбекни дафъига буюрдилар. Булар жамоат бўлуб, барқ-боддек суръат бирлан Учқўрғон бордилар эрса, Назирбек чандони ривож топмай қайтиб кетибдур.

Шул замонда Ўзганд тарафидин хабар келдиким: «Бир неча қирғизлар Пуладхонни хон кўтариб, Ўзгандга келибдур», деб. Дарҳол Худоёрхонга бул воқеаларни арза қилиб юбордилар. Хон дафъатан буюрдиким, бориб ани дафъ қилсунлар, деб. Дарҳол отланиб, Ўзгандга равона бўлдилар. Султонмуродбекни аскари бирла Марғионга қайтардилар. Ўзлари суръат бирла Ўзгандга бориб туштилар. Пуладхон тоғ орасида экан. Қипчоқ ва қирғиз ва турк ва тожик калоншавандалари жамоат бўлуб, маслаҳат қилдилар. Сўзлари шул ерга етдиким: «Худоёрхон беқоида ишларни барио қилди ва бир неча бидъатларни чиқариб, халойиқга зулм қилди ва яна маҳруми мерос деган ривоятни амалга келтуруб шоеъ қилди. Бул важҳдин кўп мусулмонлар хонавайрон ва кафангадо бўлдилар. Бул хон ҳеч кимни писанда этмаса ва сўзларига қабул қилмаса, сўз айтурға анга ҳеч кимда заҳра бўлмаса, Халойиқ атрофдин фитна чиқарарин қўймасалар, ўз гўштимизни ўзимиз еб, ўз халқимиз бирла урушуб, кўп азамат баҳодурлар нобуд бўлуб кеттилар. Бул қандоқ гафлат ва қандоқ масхараликдур»,— деб иғвой ом бўлуб, ҳар тарафдин овоз ва ғулғула пайдо бўлдиким: «Бизлар хондин қайтук,

булак хон қилурмиз. Эмди бизларда тоқат қолмади. Агар мулла Исо бизларнинг иттифоқимизга кирса хўб, ва агар кирмаса, ани ўлдиурмиз, деб, якбора Худоёрхондин қайтдук»,— деб фотиҳа ўқудилар.

Бул аснода мулла Исо — авлиё густоҳлик бирла хон тарафидин бир неча узр айди, анча маъқул бўлмади. Офтобачи айдиким: «Эй биродар, аввал бу сўз бизлардин чиқмаса ва ошқора бўлмаса керак эрди. Эмдилликда Худоёрхон минг жондин бир жонни тирик қўймас. Уз жонимизни асрамакга устувор ва барқарор турурмиз. Худоёрхонимиздин минг маротаба юз ўгурдук»,— деб мулла Исога даҳшат қилди. Жон ваҳминин мулла Исо ҳам: «Иттифоқларингга қабул қилдим, кўп иттифоқидин чиқмасман»,— деди. Шул замон аҳд-паймон қилиб, қуръон кўтарди.

Андин сўнг Узганддин кўчуб, суръат бирла равона бўлуб, Андижон келдилар. Саййид Насриддинбекга салом қилиб, мулоқот қилдилар, муборакбод қилдилар. Навъи қилиб офтобачи Саййид Насриддинбекни қўлга олиб, Хўжаободга бориб жам бўлдилар. Атроф ва жавониб кирғиз ва қипчоқ ва турк ва тожик фавж-фавж, жамоа-жамоа бўлуб келиб қўшулдилар. Кўп жамоат бўлдилар ва яна Султонмуродбек умаролариға пинҳонни хат қилиб, неча ваъдалар қилдики: «Сизлар навъи қилиб бекларингни бизларга еткурингларким, мунтазир турурмиз. Бекларингни хон кўтаруб, Хўқанд олиб бориб, тахти муваррасга ўлтургузурмиз». Ва яна бир арза ошқора Султонмуродбек юборди эрса, бек ҳайрон бўлуб ва саросима бўлди. Арқони давлатни жам қилиб маслаҳат қилди. Отақулибек ботурбоши ва жамъи умаролари сўзларини бекга маъқул қилдилар. Баҳазор ҳийла бирлан офтобачини олдиға олиб келдилар. Офтобачи истиқбол чиқиб, минг хийла бирла васваса айлаб бек бечорани қўнглини тўлдурди. Ҳаттоки бир қизини никоҳ қилиб берди ва бир неча кундин сўнг Султонмуродбекни икки сув орасиға, ҳовлисиға юборди. Ваҳму ҳарос бирла офтобачини қизи бирлан лоилож айш-ишрат қилур эрди. Бул воқеа Худоёрхонға камокон маълум бўлди эрса, хуш бошидин учуб, саросима бўлуб ҳайронликда қолди ва дунё кўзиға қоронғу бўлди. Жонни ўзиға ғанимат билиб, кечалаб пинҳона шаҳардин чиқиб кетмоққа жазм қилди. Бул сўз юртға шуҳрат топти эрса, арқони давлат, чунончи мулла Маъруф нойиб ва Мўминхожа понсадбоши ва Холқули эшик оғаси қурама, Қосимбек понсадбоши қурама хоннинг хизматлариға кириб дилдорлик бериб, далирона сўзни пардади

чиқариб насиҳатомуз айтурларким: «Шунча хазина, тўп ва тўпхона ва асбоб-олот, тўпчи ва сарбози низомдон ва кулла ботурон хоройи муқаммал ва мусаллаҳ тайёр турурлар. Бир девона, жинни офтобачидин ибо қилиб, бутун давлатни тайлаб кетмоқлари маслаҳатдин эрмас. Бул фитнаға ғайрат кўрсатмай бул қадар хазойин ва дафойинларнинг сарф этмай ва бакор келтурмай кетсалар ва забунлик бирла ҳар жойга борсалар писанд бўлмас, балки таънаға қолиб хор-зор бўлғайлар, яна ўзлари хўброқ билурлар»,— дедилар эрса, ваҳми паст бўлуб, қўшун тортиб устиға бормоқ бўлди. Кечаси яна тараддуди кетмоқни қилиб саранжом ва сариштаи ажнос ва нақдина қилур эрди. Кундуз бўлғонда атроф ва жавонибга одам буюруб, аҳвол олмоқға машғуллик қилур эрди.

Шул аснода Муҳаммад Саййидхон тўрани Марғинон буюруб эрди, етиб келди. Онча аҳволотларни баён қилди. Эътимодлик укаси фириб еб, офтобачини ялғон макриға марғур бўлуб, анинг васвасасиға адданиб, акасини юз ўгуруб, аларға бориб қўшулғонини бир-бир баён қилди эрса, дафъатан отланиб кетмоқ бўлди. Арқони давлат навъи айлаб тўхтаттилар. Баъзи баландиша нокаслар якбора бул хабарни эшитиб, ўрдадин чиқиб кетибдурлар. Чунончи, Тош паҳлавон ва Иброҳим паҳлавон понсадбоши ва Эшон понсадбоши Шаман понсадбоши, қипчоқ ва мулла Чўлибек қипчоқ ва яна бир неча одамлар Муҳаммадаминбекни алдаб, йўлдин чиқариб, ҳол-жонига қўймай, балки сиёсатлар қилиб олиб кетибдурлар. Бул воқеадин хон огоҳ бўлуб, кўп бетоқат ва бекарор бўлдилар. Мўминхожа понсадбоши ва мулла Маъруф нойиб илтижо била айдиларким: «Йигитларға пул ва сарупо бериб, меҳрибонлик айланг»,— дедилар. Хазинадин неча саноч танга ва бир неча адад тўнларни дарвозаға чиқариб қўйдилар. Ҳар понсадларни калоншавандалариға амалиға муносиб сарупо ва пул бердилар ва яна юзбоши ва панжоҳбошиларға мувофиқи амал ва сарупо ва нақда меҳрибонлик қилдилар ва яна якка йигитларни жам қилиб, мувофиқи аҳвол сарупо ва нақда меҳрибонлик қилдилар. Шул кеча тонг отқунча шул тариқада машғуллик бирла тонг оттурдилар. Эрта билан тўп ва тўпхоналарни олдилариға солиб, қўшун тортиб қипчоқ устиға борурмиз деб, каллаботур ва ясовул ва маҳрамлар билан Мўин муборак тарафиға отланиб равона бўлдилар эрса, тамоми халойиқ ўрда саҳнида тўлуб, надомат айлаб йиғлашур эрдилар. Ва яна том-



ларда хотунлар жам бўлуб йиғлашур эрдилар. Хон бечора аларга дилдорлик берур эрдилар ва айтур эрдиларким: «Биз қипчоқга қўшун тортиб борурмиз, йиғламанглар, балки дуо қилинглар»,— деб.

Вақтики Бойбўтанинг кўпругига боргонда, бир неча понсадбошилар йиғитлари бирла хондин юз ўгуруб, мазкур кўпрукдин ўтуб қайтиб кетдилар. Хон бечора маъюс бўлуб, Мўйи муборак йўли бирла Говхонага тушуб, бир соат турдилар. Орқадаги одамларни еткуруб олиб, отланиб қибла тарафига равона бўлдилар эрса, Маҳмудхожаи Пскатий катта туғга понсадбоши эрди, бир неча юзлар ва мусофирлар бирла хазина аробасига от қўйдилар. Хон қилични ғилофидин чиқариб, сиёсат бирла от қўйдилар. Бовужуд бир ароба нақдани олиб қочтилар эрса, сақол ўрус ўттуз одами бирлан меҳмон бўлуб туруб эрди, анинг олдиларига солиб, Илиш ичидан ўтиб, Маҳрамга бормоқ бўлуб равона бўлдилар. Аробалар ҳар жойда синғон эрди ва бир неча беандишалар талаб олиб қочқон эрдилар. Неча жойда шул тариқа аробалардин ажнос ва пул олиб, торож қилиб қайтилар. То Маҳрам борғунча шул ҳолда эрди. Хон ўзи ясовул бўлуб, бир неча маҳрамбачалар ва қуллар бирлан Маҳрам бориб, андак ором олиб равона бўлуб, Хўжанд бордилар. Анда бир неча кун турдилар. Хўжанд ҳокими маҳрамбачаларни яроқ ва аслаҳаларини ва қулларни яроқ ва аслаҳаларини олдилар. Бир неча кундин сўнг Тошканд равона бўлдилар. Ярим подшоҳ жой тайин айлаб, вазифа тайин қилди. Тамоми пулларини хазинасига омонат деб олди. Бир неча вақтдин сўнг Урунбурунға бир неча ўрус қўшуб юборди. Ҳамма халқ афсус ва надомат қилдилар, фойда бермадилар.

Муаллифи бу рисола намакхўронни хони саодатнишон эрди, бир неча байти афсуснома қайди таҳрирға олиб айғони бу туруп:

Фарғона элидин кетти ул давлати хон, афсус,  
Раоёу бароё халқидин чун кетти жон, афсус.  
Ками йўқ эрди тоат-ибодат, риёзатдин,  
Вали-авлиёу кутбу офтоби замон, афсус.  
Чу ҳиммат бобида хотамдин ортуқ эрди эҳсони,  
Шинжоат бобида чун Рустами соҳибқирон, афсус.  
Босиб зулмат, тушуб ўт, халқи олам куйди ҳажридин,  
Фигон, оҳ-дод ила чиқарди чун зухон, афсус.  
Замониким Фарғона хондин жудо тушти,  
Қилур ҳар дам надоматлар забону безабон, афсус.  
Машойих, қози, аълам-барча махлуқ, олиму жоҳил,

Сағиру ҳам кабиру жумлан яхши-ямон, афсус.  
Чу кетти хайри эҳсон бирла меҳри оқибат элдин,  
Ки парво этмади фарзанд отаға бегумон, афсус.  
Неча тобеълари банду асири қайди золимдур,  
Бўлуб торож мулку мол ҳам бехонумон, афсус.  
Яна инсоф, тавфиқ, диёнат кетти мардумдин,  
Баробар бўлди мардум наздига суду зиён, афсус.  
Урус мулкида тортти хон, беклар кулфати беҳад,  
Мусофир шаҳрида ожиз, ғарибу нотагон, афсус.  
Ҳама кори қазодур, бандадин ҳар сўз хато, аммо—  
Надомат, тавба, истиғфор лозим ҳар замон, афсус.  
Илоҳи хон, бек аҳволиға қилғил тараҳхумким,  
Қабули тавба айлаб, қил ато тахтиға хон, афсус.  
Илоҳи уммат Аҳмадни зулматдин халос айлаб,  
Мушарраф қил жамоли маҳди охир замон, афсус.  
Дуойи Олиму Мушриф қабули дарғаҳинг бўлсун,  
Қилур шому сабо йиғлаб надомат бегарон, афсус.

#### ДАРИҒНОМАИ МУШРИФ

Ҳайфким, Фарғонадин ҳоким жудо бўлди, дариг,  
Тахт-тож, салтанатдин мосиво бўлди, дариг.  
Бир неча аркони давлат бўлди бу ишга сабаб,  
Фитнабоши Абдурахмон авлиё бўлди, дариг.  
Доимо ул давлатидин бўлғон эрди сарфароз,  
Охирин аҳдин буюб, ноошно бўлди, дариг.  
Абдурахмон ҳожи қипчоқ барчадин мумтоз эди,  
Муфсиди сарфитнайи охирзамон бўлди, дариг.  
Зулфиқорбек қорақалпоқ вазири хос эди,  
Фитнаигуну фасод муддао бўлди, дариг.  
Кеча-кундуз ёрғори эрди Маҳмудхожа шум,  
Фитнаси халқ ўртасида бир бало бўлди, дариг.  
Холназар турк ҳароми моддан фисқо фасод,  
Кеча-кундуз фикру зикри можаро бўлди, дариг.  
Қилғон эрди бир тағосин ёшликдин тарбият,  
Мухбири козиб қариндоши тағо бўлди, дариг.  
Неча ойу неча йиллар гўфтугўйи маслаҳат,  
Сўзлари доим, ҳамниша носазо бўлди, дариг.  
Билахийр оқибат, фурсат топиб баттоллар,  
Бирнеча авбош ила соҳиб ғазо бўлди, дариг.  
Турку тожик, қирғизу қипчоқ жам ўлди баҳам,  
Бўри қўйға, ит пишақға ошно бўлди, дариг.  
Дашти Маҳрамда масоф этти мусулмон кофира,  
Қўп мусулмонлар шаҳид чун Қарбало бўлди дариг.  
Итлиғини битмайин бўлди зарар мўминлара,  
Шумлиғидин мулки Хўқанд тахти по бўлди, дариг.  
Сарнигун ўлди халойиқ, тортти қўп ташвишлар,

Баҳра олгон яхшилар дасти дуо бўлди, дариг.  
 Бу масал машҳурдурким: «Чоҳқандур зирри чоҳ».  
 Барчасидур қайди бандга мубтало бўлди, дариг.  
 Минг икки юз тўқсон икки<sup>1</sup> тарихи тўнгуз йили,  
 Кўп гадолар шоҳ чун, шаҳлар гадо бўлди, дариг.  
 Е илоҳи, айла осойиш халойиқга ато,  
 Илтижо ёшу қари шому сабо бўлди дариг.  
 Чунки айлаб жустужу, қилдим саволи ақлдин,  
 Иттифоқо гўши дилга бир нидо бўлди дариг.  
 Чун хирад айди: Ямон юз кўйди бул Фарғонага,  
 Жон кетиб Фарғонадин тарихнамо бўлди дариг.  
 Олиму Мушриф ҳаволат қил худо тақдирига,  
 Жумла мактуби азал қолу бало бўлди дариг.

### ВИДОНОМА

Кетти бул Фарғонадин хон, алвидо,  
 Гўнѐ тандин жудо жон, алвидо,  
 Жондин ортуқ эрди Насрулло бегим,  
 Хуш лақаб шаҳзода ўлгон, алвидо.  
 Муҳаммадаминбек хасойилнинг ҳам,  
 Кўнглида кўп қолди армон, алвидо.  
 Хуш тахаммул, боадаб Саййид Умар,  
 Бо фаросат, хўби хўбон, алвидо.  
 Фонсурилло нуричашми хос эди,  
 Сақласун ҳифзида яздон, алвидо.  
 Бўлди чун шаҳзода Фатҳуллол шаҳид,  
 Айласун ҳамроҳ имон, алвидо.  
 Шоҳ Насриддин — соҳиби Андижон,  
 Хуш фатонат шоҳи шоҳон, алвидо.  
 Жоннишин бўлди отаси жойиға,  
 Саҳл кун Фарғонага хон, алвидо.  
 Кетти ҳоким барча авлоди билан,  
 Доғ бўлди жумла инсон, алвидо.  
 Эй раҳим! Раҳм айла, сақла барчасин,  
 Айлағил умрин фаровон, алвидо.  
 Боис ўлди неча давлатхоҳлар,  
 Авлиёю Абдурахмон, алвидо.  
 Зулфиқорбек бирла Маҳмудхожа шум,  
 Барчасини урди Қуръон, алвидо.  
 Фитна солди шаҳри Хўқанд мулкига,  
 Боғийлардин кетти имон, алвидо.  
 Молу жоҳ, фарзанддин бўлди жудо,  
 Бўлди рус мулкида сарсон, алвидо.  
 Ҳар маконда бўлеа ризқу рўзисин,

<sup>1</sup> Милодий 1875 йил.

Айлағил ѐ раб, фаровон, алвидо.  
 Эй карим! Қодир донойи ҳол,  
 Айлағил ишларни осон, алвидо.  
 Е илоҳи, бер шариятга ривож,  
 Уммати Аҳмад Хуросон, алвидо.  
 Ҳурмати ҳазрат Муҳаммад Мустафо,  
 Фотимаю шоҳи мардон, алвидо.  
 Тарихи минг икки юз тўқсон икки,  
 Соли тўнгуз кофиристон, алвидо.  
 Олиму Мушриф, сўзунг кўтоҳ қил,  
 Хотиринг бўлди паришон, алвидо.

Алқисса, Худоёрхон саодатнишон саранжом ришта-  
 син бажо қилиб, Урунбурун бормоқ бўлуб ва бир неча  
 навкарлариға инъом ва эҳсон қилиб жавоб берди. Но-  
 ла ва зори бирла ўзини худога солиб, аҳлу аёллари  
 бирла йўлга равона бўлдилар ва бир неча калоншаван-  
 да навкарлари ҳамроҳ бўлуб, то ҳадди Чимкантига  
 бордилар. Анда бир кеча ётиб мунглашиб, инъом ва  
 эҳсон қилиб, аларға жавоб бердилар. Отабек нойибга  
 бир саноч танга марҳамат қилиб, миннатдорлик  
 бирла дуо қилиб, алардин рози бўлуб қайтардилар. Ва  
 яна шоҳ Гулом жарчибошиға неча саноч танга бериб,  
 бир неча даркорлик нимарсаларни Тошканддин олиб  
 келмоқ учун буюрдилар эрса, мазкур жарчибоши алар  
 бирла Тошкандга бориб туруб қолди. Орқаларидин бор-  
 май қочиб қолди. Хон бечора маънос бўлуб, бир неча  
 кун туруб, ўз тобелари бирла равона бўлуб, Туркистон-  
 га бордилар. Бир ҳавли олиб, Урмонбекни Оғача ойим-  
 га сипориш қилиб, бир неча ҳушёр мулозимларни бу-  
 ларға посбон қилиб, ўз жианлари Саид Акрам тўра ва  
 Халил хазиначи бирла миқдори ўн бир одам бирла ви-  
 долашиб, йиғлаштилар эрса, буларни навҳа ва зорий-  
 лари фалакга етти. Буларнинг аҳволлариға Туркистон  
 аҳли тоқат қилолмади, ҳамма якбора навҳа ва зорий қи-  
 либ йиғлаштилар. Гўѐ қиёмати суғро бўлди. Лоилож  
 йиғлай-йиғлай хон бечора йўлга равона бўлдилар.

Бул камина роқим мулла Мирзоалим дуоғўйи на-  
 макхўри хони саодатнишон, воқеоти воридаларни ба-  
 тариқи назм қайди таҳрирға олғони:

Ҳодисоти ҳудуси Фарғона,  
 Воқеоти вуқуъи бегона.  
 Ҳажви бегонайи адоваткеш,  
 Фирқан элатҳойи бадандиш.  
 Гина сақлаб адовати зоти,

Абдурахмон эди анинг оти.  
Амали офтобачи, эрур қипчоқ,  
Кўнгли пурфитна, дили ночоқ.  
Ушбу хон давлатида ҳаж қилди,  
Келди ҳаждин, ишни каж қилди.  
Неча кун, неча вақт моҳ, сол —  
Айлади фитна айламоқга хаёл.  
Васваса қилди неча мардумни,  
Жам этиб неча мору каждумни.  
Жумлан мардумни айлади гумроҳ,  
Мулла Исо ани айлади ҳамроҳ.  
Холназар турк, кўра саркарда,  
Зулфиқорбек фитна баркарда,  
Маслаҳат этти доимий қиш-ёз,  
Оқибат қилди фитнасин оғоз.  
Ё илоҳи, адувни фитнасинин  
Сақлагил эл-халқни таънасинин.

## ДУСТЛАР

### 1

Оё, дўстлар, ҳаводисдин баён айлай,  
Халқ ичиға фитна пайдо бўлди, дўстлар.  
Кеча-кундуз тавба бирла дуо айланг,  
Султон бирла хоқон сўзи келди, дўстлар.  
Офтобачи қирғизларға сирдош бўлди,  
Мулла Исо саркашларға йўлдош бўлди,  
Муфаттинлар анга соҳиб кенгаш бўлди,  
Навъи айлаб фитна барпо қилди, дўстлар.  
Маҳмудхожа катта туғни саркардаси,  
Душман бирла урушларға йўқ гурдаси,  
Пскашлиқдур туруш жойи — хон ўрдаси,  
Муфсидларға бул ҳам ҳамроҳ бўлди, дўстлар.  
Зулфиқорбек, Маҳмудхожа, сақов тўра,  
Эсонали кал, Назар кўр анга жўра,  
Хон йўлиға қовладилар чоҳу ўра,  
Тузин ичиб тузлуқига чичти, дўстлар.  
Кийгиз тўелиқ бош кўтарди, иғво қилди,  
Қирғиз, қипчоқ ҳукуматга даъво қилди,  
Лашкар тортиб, хонин қамаб ғавғо қилди,  
Яхши-ямон вилоятга тўлди, дўстлар.  
Тоқат қилмай хон тахтини ташлаб қочти,  
Урмон бегим хон отасин бошлаб қочти,  
Ота-бола кўзларини ёшлаб қочти,  
Во ҳасрато, надомат деб кетти, дўстлар.  
Насриддинхон отасига тортти лашкар,

Офтобачи қипчоқ бўлди амир лашкар.  
Мулла Исо мингбошидур, соҳиб аскар,  
Шавкат билан Мўйимуборак тушти, дўстлар.  
Неча кунлар туруб анда кенгаш қилди,  
Хазинани бузуб элга улаш қилди,  
Бул орада ҳукуматни талаш қилди,  
Ситезалаб лашкар тортиб кетти, дўстлар.  
Амир лашкар ҳавас айлаб қилди газот,  
Сарпо бериб йигитларға берди барот,  
Мулло Исо, Турдиали қилди узот,  
Хўқандликдин умид узуб кетти, дўстлар.  
Офтобачи қўшун тортиб берди Маҳрам,  
Шавкат бирла ясовулу шотир, маҳрам,  
Йиғлаб-йиғлаб номус-орин берди барҳам,  
Иш қилолмай азиз жондин тўйди, дўстлар.  
Андишалаб бир неча кун туруш қилди,  
Беихтиёр рус устиға юруш қилди,  
Босиб келди, лонлождин уруш қилди,  
Ҳаддин афзун мўмин шаҳид бўлди, дўстлар.  
Офтобачи мусулмонлар айбин очти,  
Бечора хон хазинасин дондек сочти,  
Охир алар тоқат қилмай итдек қочти,  
Баҳодирлар армон бирла кетти, дўстлар.  
Қочиб келиб тушти Мўйимуборакға,  
Қори, имом тил очтилар таборакға,  
Ларза тушти етти аъзо, бадан, рағға,  
Йиғлаб-йиғлаб дуо такбир қилди, дўстлар.  
Андин кўчуб Анжижонға равон бўлди,  
Кеча-кундуз суръат билан давон бўлди,  
Офтобачи қипчоқларға тавон бўлди,  
Масхараи икки жаҳон бўлди, дўстлар.  
Қипчоқ халқи қирғиз била топуштилар,  
Кенгашлашиб бир-бириға қовуштилар,  
Ғазот дебон мусулмонға ёпуштилар,  
Молин олиб, кўп мўминни сўйди, дўстлар.  
Қипчоқ халқи ғазот дебон от қўйдилар,  
Ариларни уясиға ўт ёқтилар,  
Андишалаб ҳар тарафға кўп боқтилар,  
Ҳукуматни қирғизларға берди, дўстлар.  
Ҳукуматда итлар бўлди мисоли шер,  
Ғазот дебон мол йиғмоққа топти тadbир,  
Тайёр этти яроқ, жабдуқ, камону тир,  
Ғуқуйлашиб жамоасин йиғди, дўстлар.  
Исҳоқ деган Ҳасан қассоб қирғиз ўғли,  
Пўлодхон деб от қўйдилар кийгиз ўғли,  
Мусулмонни ўлдурмоққа қилди шуғли,

Мўминларни хонавайрон қилди, дўстлар.  
Оқ кийгизга солиб ани кўтарди хон,  
Кўмур жаллод дастор ўраб мисли эшон,  
Замонадин сонсизларга чун тегди сон,  
Тасбиҳ ушлаб навкар маҳрам қилди, дўстлар.  
Ҳар қайсиси улуғ бўлуб қилди шавкат,  
Қарнай, сурнай, наққоралаб қилди шавкат,  
Хўқандликни ўлдурдилар айлаб тухмат,  
Қирғиз халқи мисли вабо бўлди, дўстлар.  
Шавкат била Асакага дўкон қурди,  
Ҳар бирлари ҳукуматда таблин урди,  
Қароқчилар додхоҳ бўлуб арза сурди,  
Тавба айланг, нечук замон бўлди, дўстлар.  
Хўқандликга хат юбориб чорлаб олди,  
Баъзисини молин олиб, бандга солди,  
Баъзисини моли бирла жонин олди,  
Баъзисига гулу занжир еолди, дўстлар.  
Олимбекни ўгли бориб Хўқанд кирди,  
Ўлтурубон хон тахтига арза сурди,  
Хожа, бола, улуғ-кичик бориб кўрди,  
Яхши сўзлаб, васвасалар қилди, дўстлар.  
Хону беклар заифасин йиғиб олди,  
Қирғиз халқи бир-бир тақсим қилиб олди,  
Мунглуқларни хотун қилиб гамга солди,  
Ойимларни кўздин, ёши оқти, дўстлар.  
Неча вақтлар ҳукум сурди Шаҳрихонга,  
Андин кўчуб бориб тушти Марғинонга,  
Бул орада ўрус кирди Андижонга,  
Қирғиз кўрқуб иштонига . . . . , дўстлар.  
Ермазорни ўрдасида қирғиз шошти,  
Қочмоқликга бел боғлади, тўлуб-тошти,  
Мусулмонни кўп ўлдуруб ҳаддин ошти,  
Мўминларга қирғиз вабо бўлди, дўстлар.  
Иш қилолмай қирғиз халқи жондин тўйди,  
Салом вақтда дарвозага одам қўйди,  
Мўминларни қамаб олиб қўйдек сўйди,  
Ўрда ичра қонлар равон оқти, дўстлар.  
Ўн бир гўдак шаҳзодани ўлдурдилар,  
Гулдек юзин заъфарондек сўлдурдилар,  
Ермазорни қизил қонга тўлдурдилар,  
Кофир қилмас ишлар қилиб кетти, дўстлар.  
Қирғиз халқи мусулмонга бало бўлди,  
Балодин ҳам баттар қаттиғ вабо бўлди,  
Қилчоқ халқи қирғизларга ало бўлди,  
Ҳар тарафга қирғиз қочиб кетти, дўстлар.  
Мусулмонга зулму снтам ямон бўлди,

Қирғиз шошиб Учқўрғонга равон бўлди,  
Ҳукуматда иш тутуши гумон бўлди,  
Тун кечада Учқўрғонга етти, дўстлар.  
Ўшал кеча Учқўрғонга бориб ётти,  
Эртасига ўрус келиб тўпин отти,  
Қирғизларни ақли шошиб, боши қотти,  
Тўрбасини бўктар қилиб қочти, дўстлар.  
Кофир келиб Учқўрғонга ўт ташлади,  
Қирғиз шошиб қочмоқликка йўл бошлади,  
Тева миниб Ойим халқи кўз ёшлади,  
Ойимларга қиёмат кун туғди, дўстлар.  
Тўнгғуз йили ўрус келиб селдек бости,  
Сафар ойи қирғиз халқи . . . . қочти,  
Ойимларни асир айлаб давон ошти,  
Борар жойин билмай ҳайрон бўлди, дўстлар.  
Мирзоолим қирғизларга банди — асир,  
Гузаштан замонадин қилди тақдир,  
Қалам бирла қовоз узра қилди таҳдир,  
Дафтар айлаб халойиқга ёйди, дўстлар.

## ДУСТЛАР

### II

Эй мўминлар, хон ҳолидин баён айлай,  
Турлук-турлук ҳаводисга қолди, дўстлар.  
Пешонага ёзгон ҳақни қисматини,  
Сабрин айлаб, бирин-бирин кўрди, дўстлар.  
Фарғонани ташлаб кетти хон Худоёр,  
Тузин ичган бадхоҳларга бир худо бор,  
Қайда борса Худоёрга худодур ёр,  
Ўзин ташлаб худойига кетти, дўстлар.  
Юз ароба хазна бирла Тошканд борди,  
Меҳнат тортиб тоғу чўлда андоғ қорди,  
Тузин ичган давлатхоҳлар қочиб қолди,  
Воҳасрато, надомат деб кетти, дўстлар.  
Беш-олти кун туруб кетти Туркистонга,  
Ўрмонбекни ташлаб кетти боғ-бўстонга,  
Равон бўлди Урунбурун шаҳристонга,  
Якка ёри худо дебон кетти, дўстлар.  
Аробага тушуб йўлга равон бўлди,  
Суръат бирла кофир ўрус давон бўлди,  
Жудоликда ёш кўзидин равон бўлди,  
Минг машаққат Урунбурун етти, дўстлар.  
Неча кунлар анда қилди истиқомат,  
Ул жойларда ноёб эрур қадду қомат,  
Кеча-кундуз тинмай қилди анда тоат,



Инглаб мурод-мақсадиға етти, дўстлар.  
 Неча ою неча йиллар анда қолди,  
 Урусларни иморатин сотиб олди,  
 Нону намак узулгунча анда турди,  
 Худойиға такя айлаб қочти, дўстлар.  
 Турди деган қазоқ ани бошлаб қочти,  
 Мулку ашэ, огир юкин ташлаб қочти,  
 Ул йўлларда пулларини дондек сочти,  
 Шукрин айлаб шаҳри Кобул етти, дўстлар.  
 Ул шаҳарни мулоҳаза қилиб боқти,  
 Ғарибликни наққорасин анда қоқти,  
 Мусофирлик кўз ёшлари сувдек оқти,  
 Беихтиёр Бағдод шариф кетти, дўстлар.  
 Ғавсулаъзам мазорида зиёратлар,  
 Юзин суруб йинглаб қилди надоматлар,  
 Ихлосидин топти анда башоратлар,  
 Ғавси маҳбуб остонасин ўпти, дўстлар.  
 Қирқ чилла деб ният айлаб эътикофлар,  
 Тиловатда доим қуръон бегилофлар,  
 Риёзатда таот айлаб дилин софлар,  
 Ушал жойдин ҳажга равон бўлди, дўстлар.  
 Қисса кўтаҳ, йўлда тортти кўп меҳнатлар,  
 Ҳамроҳ бўлди неча бадбахт, ит улфатлар,  
 Тошлар уруб беҳад берди кўп улфатлар,  
 Тиши синиб, оғзи қонга тўлди, дўстлар.  
 Неча кунлар мискин кема ичра қолди,  
 Минг азобу уқубатга ўзин солди,  
 Шукрин айлаб, сабр этагин маҳкам чолди,  
 Ҳамдин айтиб ул кемадин чиқти, дўстлар.  
 Қисса кўтаҳ, эҳром боғлаб Арафотга,  
 Йинглаб-йинглаб борди гўё қиёматга,  
 «Лаббика» деб етти кашфи кароматга,  
 Шарифлардин дуо олиб қайтти, дўстлар.  
 Тавоб айлаб Қаъба ичра мақом тузди,  
 Ҳажрал-асвад деган тошқа юзин сурди,  
 Улуғ-кичик гуноҳини Замзам ювди,  
 Ҳазо собун мақомиға етти, дўстлар.  
 Мино узра қадри аҳвол қурбон қилди,  
 Подшоҳлиғи асар айлаб армон қилди,  
 Тавба айлаб гуноҳиға дармон қилди,  
 Намоз ўқуб сафомарда қилди, дўстлар.  
 Андин сўнгра Мадинаға равон бўлди,  
 Учуб, қўнуб шавқи бирлан давон бўлди,  
 Ташналикда оғзи тўла забон бўлди,  
 Минг машаққат Мадинаға етти, дўстлар.

Равза кириб остонаға юзин сурди,  
 Тавба айлаб, йинглаб-йинглаб арзин қилди,  
 Бу дунёни фонийлиғин анда билди,  
 Ичи-тоши тамом нурға тўлди, дўстлар.  
 Худо қилди: подшоҳ эрди — гадо бўлди,  
 Тахту тожу фарзандлардин жудо бўлди,  
 Кеча-кундуз фикру ёди худо бўлди,  
 Ҳимматидин Адҳам сифат бўлди, дўстлар.  
 Тожик ойм заифаси қаршу келди,  
 Ииртўқ ямаб, либосини анда ювди,  
 Никоҳингга ол мени деб, арза қилди,  
 Қабул этмай жавобини берди, дўстлар.  
 Ҳаждин қайтиб гоним-солим неча соат,  
 Келиб Ғавсинг мазорида истиқомат,  
 Ҳолу қолин ҳосил қилди айлаб тоат,  
 Тирик ўлгон мақомиға етти, дўстлар.  
 Дилғир ўлуб андин шаҳри Кобул келди,  
 Шоҳи Кобул шафқат билан қолин сурди,  
 Карруҳ боринг, жойи хилват анда, деди,  
 Карруҳ бориб истиқомат этти, дўстлар.  
 Ул Карруҳда шайхулислом турбатида,  
 Оллоҳберди фарзандларин хизматида,  
 Дасти байъат бериб ани қурбатида,  
 Неча кунлар хизматида турди, дўстлар.  
 Оллоҳберди халифадин жавоб сурди,  
 Менга жойи хилват бўлса, турсам, деди,  
 Хожакенти ўз жойимиз, боринг, деди,  
 Бечора хон анда бориб турди, дўстлар.  
 Утган гуноҳ ишларинга тойиб бўлди,  
 Кашфи ҳолат пайдо қилди, соҳиб бўлди,  
 Жиннисифат бир кечада ғойиб бўлди,  
 Эр ҳуббининг мақомиға етти, дўстлар.  
 Намакхўри Мирзоолим айди мунни,  
 Дуоғўйи эрди ани туни-кунни,  
 Хаёл бирла китоб узра ёзди мунни,  
 Уқуғондин дуо таъма қилди, дўстлар.

### НАСРИДДИНХОН

Вақтики хон саодатнишон Хўқанди латифдин чиқиб  
 кетгонларини офтобачи англаб Саййид Насриддинхон  
 маа аскарни бешўмор бирлан отланиб, неча манзил таф  
 қилиб, Саритолға келиб туштиллар. Уламо ва фузало ва  
 эшон ва хожа ва бойлар истиқбол чиқиб, иззат-икром  
 бирла мавзеи Саритолға тушурдилар. Офтобачи маж-

нун бир неча ваъз айлаб, хоннинг энимасига бир неча айблар қўюб, ҳосил, хон қилмоққа машварат қилдилар эрса, ҳаммаи аҳли мажлис самими қалб ва жони дил бирлан қабул қилдилар эрса, Насриддинхоннинг бир оқ намадга солиб хон кўтариб, дуо ва фотиҳа қилиб, муборақбод қилдилар. Андин сўнг ул жойдин кўчуб, ҳазрати Мўйимуборакга туштилар ва бир неча кун истиқомат қилиб, атроф ва жонибга аскар буюруб, таррадуди асбоби сипоҳийгарликга машғул бўлуб, ҳар кун жамоа-жамоа, гуруҳ-гуруҳ қипчоқ ва қирғизлар келиб қўшулуб, ҳаддин афзун жамоат бўлдиларким, ададини худо билур, банда билмас. Офтобачи мажнунвор ваъз айтиб, ғазот қилурман, деб йнглаб, халойиқдин дафъа-дафъа дуо талаб қилур эрди. Халойиқлар бул маккор, жодузобон, мажнунвор, ғаддор, нобакор, бешарму орнинг васвасаомиз сўзига жами халойиқ инониб дуо қилур эрдилар.

Бир кун хон бирла аркони давлат отланиб ўрдага келиб, хазиналарни кўруб, маелаҳат қилиб Тошкандга мактуби беназокат бирла элчи юбордилар. Ва яна бир неча кундин сўнг пушаймон бўлуб, офтобачи бир неча саркардани Хўжанд устига буюрди ва неча саркардани Гаровчи устига буюрди. Ўзи жами аскарни бирлан Маҳрам бормоқ бўлди. Хон бирла мулла Исо мингбошини ўрдага қўюб, тўп ва тўпхона бирла отланиб, фотиҳа олиб равона бўлди. Хоннинг хазинасини қирғиз, қипчоқларга дондек сочиб, бир неча манзил тай қилиб, Маҳрамга бориб тушти эрса, якбора ўрус Хўжанддин чиқиб, Маҳрам устига келиб, толиби жанг бўлуб тўп қўйди эрса. Хўқанд куллаботурлари тахти дил бирла урушга бел боглаб, омода бўлдилар. Чунон тўп ва милтиқ оттилар, бўлди гўё қиёмати-сурро бўлди. Ота ўғулдин беҳабар бўлди, ҳар ким ўз ҳолига шавқ-завқ бирла тўп ва милтиқ отар эрди. Қофирлардин кўп нобуд бўлди, мусулмонлардин ҳам кўп шаҳид бўлди. Шул вақтда офтобачи мажнун урушмай жамоаси бирла тор устига чиқиб кетти эрса, қирғизлар баҳона топмай лоилож туруб эрдилар, ҳол-жонларига бузулуб кеттилар. Якбора Россия лашкари бостурди. Кўп мусулмонлар шаҳид бўлди. Мусулмонлар ҳам мутафарриқа бўлуб кеттилар.

Ушал кун офтобачи Мўйимуборакга келиб тушуб, шаҳарга одам киргуздиким, «биэ шаҳарга кирсакму ва ё кирмасакму»,—деб. То жавоб чиққунча ваҳм тортиб, отланиб, суръат бирла Марғион бориб тушубдур. Қип-

чоқ халқи офтобачини ўртага олиб, кўп таъна қилибдурлар.

Марғиондин отланиб, суръат бирла Андижон бориб, қирғизларга ўзини солиб, хазина ва дафинасини қирғизларга топшуруб, инон ва ихтиёрни қирғизларга берди. Ўзи холис бўлди эрса, қирғизлар мулла Исҳоқ деган Ҳасан қассоб қирғиз ўғлини Пуладхон от қўюб, ичларида сақлаб эрди, маврид топиб хон кўтариб иғво бошлади. Асака ўрдасида қарор топтилар. Атроф ва жавонибга хат юбордилар, ваъдалар айладилар. Шул хатлардин Янгиқўрғон ва Бачқирга бир хат тушуб экан. Бир неча кўтах андиша, нокас, беномуслар жам бўлуб, Насриддинхонга ва хазинага қасд қилиб, ўрдага югурмоқ бўлуб, Хожэ Муҳаммад жинни Бачқирий, Тўхтасун ясовул Янгиқўрғоний, кал Жаббор амин Шўрқишлоқий ва Қаландарбек Оққўрғоний ҳазрати шоҳга тайин қилиб, атроф ва жавонибларга хат ёзиб, жамоат бўлуб, якбора вақти намоз ўрдани устига ҳозир қилуб кўнай қўйдилар. Хонзода бечора шошиб, тоқат қилмай шогирднешалари бирла қалмоқ дарвозасини чиқиб, Хўжанд тарафига кетти. Бул авбошлар босиб кириб, хазиналарни торож қилиб, Отабек ноибни ўлдуруб, ўрдани қоқ қилиб, мадрасаи жомеъга келиб мулла Абдували мударрисини ўлдуруб ва яна ҳазрат соҳибни ҳавлилариға бориб, Султонмуродбекни банди қилиб, шаҳардин чиқиб кеттилар. Неча кун вилоят бесоҳиб қолди.

Камина роқими бу рисола бир неча байт қайди таҳрирға олғони:

Сухан чун ибтидо айлай баёни хуш ҳикоятдин,  
Қи бисмиллоҳир раҳмонир раҳим бошарофатдин.  
Қилай афсона бўлгон воқеоти нав зуҳурларни,  
Худо қилса ато бу тилга анвои фасоҳатдин.  
Кетиб Фарғонадин чун аҳли авлоди бирла маҳрум,  
Худоёрхон бечораки минг ҳасрату надоматдин.  
Муродиға етиб ул муфсид офтобачи қипчоқ,  
Белин боглаб ғазоти фисабиллоҳи диёнатдин.  
Йигиб лашкар тамоми турку тожик, қирғизу қипчоқ,  
Аларға авлиё мингбоши бўлдилар омонатдин.  
Қи Ўзганд шаҳридин аскар биланким Андижон келди,  
Олиб шаҳзода Насриддинни аз рўйи итоатдин.  
Сайид Султонмуродбек ожизни бечораи маҳзун,  
Бориб кўрди аларни аз камоли заъф ҳолатдин.  
Жамоат бўлдилар, Хўқандни устига юруш қилди,  
Ҳама хуррам бўлуб олдиға чиқтилар жамоатдин.

Жами хос, оми, қози, муфти ҳам машойихлар,  
Кўтарди хон ўшал шаҳзодани сиҳат-саломатдин.  
Ажаб шавкат шаҳомат, дастгоҳ бирла кўчуб андин,  
Келиб қўш этти чун Мўйимуборакга зиёратдин.  
Ушатти хазнани мардумга, беҳад айлади инъом,  
Бериб аскарни мамнун айлади ортуқ зиёратдин.  
Ийрилди беадад қипчоқ, қирғиз бирла Хўқанди,  
Юруш қилди, бориб жам ўлди Маҳрамга маҳобатдин.  
Бўлуб сардори лашкар ҳожи офтобачи қипчоқ,  
Чунон чун масти мустағрақ бўлуб, йиғлаб шижоатдин.  
Қилиб мардумга ваъз, амри маъруф, насиҳатлар,  
Ғазоти фисабиллоҳи дебон афзал ибодатдин.  
Хўжанду Нов орасига буюрди лашкари беҳад,  
Гаровчи бирла Овлинг устига аскар сиёсатдин.  
Ахири оқибат тақдири ҳақ ал ҳукми аллоҳдур,  
Мусулмонлар қочиб ҳаддин фузун топти шаҳодатдин.  
Сайид шаҳзода Насриддин отасин тахтига минди,  
Раият арзини сўрди шарият чун жамоатдин.  
Йўқолди мамлакатдин зулму бидъат бешаку шубҳа,  
Музайян бўлди Хўқанд мулки чун адли адолатдин.  
Ажаб хуш хулқ, хуш таркиб, соҳиби хатми олий,  
Ками йўқ фазли донишда ҳама хатти китобатдин.  
Уч ой хонлик қилиб ташвишдин ул бўлмади холи,  
Қи бир тун топмади лаззат яна хобу фароғатдин.  
Қазо иш қилди Бачқир халқи чун фосид хаёл айлаб,  
Йиғин айлаб, қўюб карнай, жўш урди фалокатдин.  
Қочиб Хўжандга кетти хон бечора бўлуб маҳрум,  
Қи юз минг ҳасрати армон билан кетти вилоятдин.  
Дуогўйин ўшал хон эрди Мирзоолим Мушриф,  
Дуо айлаб ҳаминша чун умид айлаб ижобатдин.

Алқисса, қирғиз бадандишлар маврид топиб, вақт-  
ни ғанимат англаб, жамоат бўлуб, Пўладхон бирлан  
Асака ўрдасига келиб дўкон қурдилар. Олимбек қир-  
ғизнинг катта ўғли Абдуллабек деганни кўп лашкар  
бирлан ва Эсон исфараликни анга ҳамроҳ қилиб, Хў-  
қандга буюрди эрса, булар суръат бирла келиб Хўқанд  
қирдилар, дохили ўрда бўлди. Қози, уламо, оқсоқол ва  
бойлар келиб муборакбод қилдилар. Аларга чунон пеш  
қилиб сўзлар бирла васваса айлаб, мувофиқи ҳол ли-  
бос бериб узатти. Неча кунлар хон тахтида фуқаро ар-  
зини сўраб, асбоби сипоҳийгарликга тараддуд қилиб,  
атроф ва жавонибга одам қўюб воқиф ва огоҳ бўлуб,  
мирзоларни жам айлаб, юрт устида қолгон таноб ва хи-  
рож ва ғўза пули ва қовун пули ва ғайрани тафтиш қи-

либ, таҳқиқ айлаб, арзи доли фуқарога иштиғол ай-  
лаб, бир неча калоншавандаларни, чунончи: понсадбо-  
ши ва умароларни — амсол Мўминхожа понсадбоши ва  
Нормухаммад додхоҳ лўли ва Имон понсадбоши то-  
жик — шул амсол одамларни дуо қилмоқ учун Асака-  
га юборди эрса, боргон ҳамоно жаллодга буюруб қатл  
қилди ва бир нечасини молини олди ва бир нечани ғул  
ва занжир бўйнига солиб миршабга толшурди. Ҳар ви-  
лоятга иноятнома юбориб, калоншавандаларини олду-  
руб, баъзисини ўлдуруб ва баъзини молини олиб ва  
баъзини ҳам молини олиб, ҳам жонини олди. Шул тари-  
қа иш тутуб, Асакадин кўчуб Марғинон келди ва бир  
неча кун турди. Мунда ҳам шул тариқа иш тутдилар.  
Хизмат қилгон одамларни ҳам ўлдурдилар. Андоғки,  
Аҳмадбек Андижоний, Дали понсад Андижоний ва неча  
амини Андижоний бозор айлантуруб ўлдурдилар. Му-  
ҳаммад Розик нойиб тожик ўғли бирла ани ҳам ўлдур-  
ди ва яна бир неча тўпчиларни, Бачча ботур сарбоз-  
ни ўлдуруб, кўчуб Ермазор бордилар. Бир кеча анда  
ётиб, эрта бирлан дарвозага ясовул қўюб, одамларни  
қамаб олиб, кўп хўқандлик аҳли салоҳ одамларни ўл-  
дуруб, мисоли қўйдек сўюб, Ермазор ўрдасини ўлук бир-  
ла қонга тўлдурди ва яна хонзода ва бекзодалардин ўн  
бир адад гўдак ва тифли ширхўраларни ўлдуруб, ан-  
дин кўчуб, Учқўрғонга бориб бир кеча ётиб, анда ҳам  
шул тариқа иш хаёл айлаб бир неча хўқандликларни  
хатга олиб эрди. Шул аснода ўрус лашкари Андижон-  
ни олиб, бир кечада босиб келиб тўпга тутти. Қирғиз  
шошиб, Худоёрхон заифаларини ҳам олиб юруб эрди-  
лар, ойнимларни теваларга миндуруб тоғқа қочиб кет-  
дилар. Бечора хўқандликлар қирғиздин қочиб халос  
бўлуб, таигри таолога шукр айлаб, Хўқанди латифга  
равона бўлдилар. Шул аснода Насриддинхон Маҳрам  
қўрғонинда тургон экан, дафъатан отланиб Хўқанд қиш-  
лоқларига дохил бўлуб, атроф-жавонибдин лашкар жам  
айлаб, якбора Хўқандга мутаважжих бўлуб равона  
бўлдилар. Бир неча коройи одамларни жам айлаб фо-  
тиҳа бердилар. Шавқ-завқ бирла от қўюб, дарвозан  
Ғозғлиқга келганда, бир неча баҳодирлар эргашмай  
қайтдилар. Султонқул мулозим, мулла Ҳотамбой мир-  
забоши чочтепалик деган ўн саккиз киши ва Давлат  
понсад бирлан «замон-замон Насриддинхон», деб от  
қўюб, мунодий қилиб ўрдага кирган ҳолда, қирғизлар  
қочиб пиёда ва сувора мутафарриқа бўлуб кетдилар.  
Вақтики хон мазкур бир неча одамларга фотиҳа бе-

риб, Қайнар калонға келган ҳолда, дашт тарафдин мулла Мусо шиғовул, Пўладхон бир жамоа қирғиз бирлан келиб урушқа муқайяд бўлдилар. Хонзода ғайрат камарини белига боғлаб ва ғазаб шамширини яланглаб, урушқа муқайяд бўлдилар. Бўлди жанг, кўп одам нобуд бўлди. Охири алар шаҳзода хонни одамлари бўлунуб кам қолиб эрди, қирғизлар қолиб келди. Хон бир неча одамлар бирла орқага қайтдилар. Мулла Турдиали бир неча одам бирла банди бўлди. Дарвишали худойчи ҳам банди бўлуб эрди, юрмади, анинг ўлдуруб калласини тўрбага олиб солиб, мулла Турдиалининг яйдоқ отга миндуруб, Хўқандга келиб ўрдага кирдилар. Султонқули мазкурни ҳам банди қилиб олдилар. Қочқон ҳар тарафдин келиб жамоат бўлдилар. Ул кеча ўтти эрса, Насриддинхон одамларини жам қилиб, кечалаб вақти намоз дарвозадан кириб, якбора карнай тортиб, ўрдага от қўйдилар. Қирғизлар тоби мақтовамат қилмай қочдилар. Хонзода обрў олиб, давлати тамом бирла ўрдага дохил бўлуб, тахти мурасеъда барқарор ва устувор бўлдилар. Дўстлар шод, душманлар ғамгин бўлди. Атроф ва жонибдин каллаботурлар келиб жамоат бўлдилар. Хўқандликга дубора жон кириб, шод-хуррам бўлдилар.

Бир неча қирғизлар банди тушуб эрди. Қал Абдулла тўпчи ҳам банди бўлуб эрди, дафъатан ўлдурдилар. Хонзода хурсандлик бирла мардумга инъом ва эҳсон айлаб, халойиқни хушнуд айлаб, миқдори бир ҳафта ўтуб эрди, якбора ўрус Андижонни саранжом қилиб, офтобачини бир неча қипчоқ бирла ва неча қирғизларни олиб келдилар. Яккамулла деган мавзеъ қўнди. Хонзода воқиф бўлуб, бир неча бўқча ва от ясаб истиқболнига чиқдилар. Шу ҳолда офтобачини ва хонзодани аробага солиб, бир неча одамларни хатлаб, қипчоқ ва қирғиз ва хўқандликларни аробага солиб, Тошкандга сибир қилди. Ҳамма аркони давлатлар ҳуши калласидин учуб, ҳайрат бармоғини тишлаб, афсус ва надомат айлаб, гиря ва зори айладилар.

Камина, мулла Мирзоолим роқими бу рисола, қирғизлар қўлида банди ва асир эрдим. Худованди каримнинг инояти бирла улардин халос бўлуб келиб, хонзодан навжавонга мулоқот бўлуб дуо айлаб, бир соат суҳбат топиб, аҳволпурслик қилиб ва навозишлар айлаб, дилдорлик бирла сарафроз айладилар. Ҳануз чандони сўзлашиб тўймаб эрдук, мундоғ ҳодиса рў берди. Андоғки, байти Алишер Навоий:

Дарди фироқ ўзгаю ҳижрони бошқа,  
Бурни қонади етимни оғзи етупиғанда ошқа.

Каминага муҳаббати афзун зиёда эрди, бул боисдин бир неча байт ғазали мажнунвор айғони бу турур:

Бир неча соҳиб хуруж ҳодисе бино бўлди, дариг,  
Феъли шайтон ҳавога мубғало бўлди, дариг,  
Янгиқўрғон, Қум, Бачқир қилдилар фосид хаёл,  
Фитнаю нақи фасод муддао бўлди, дариг.  
Қилди Оққўрғон, Урганжи аларга иқтидо,  
Чун азони бемаҳал кўш нидо бўлди, дариг,  
Бир неча авбошлар беҳуда солди фитналар,  
То қиёмат шармсор, рўсиёҳ бўлди, дариг.  
Жам ўлуб авбошлар хонин қамаб дарборга,  
Хазинани торож этиб, муфлис ғано бўлди, дариг.  
Оқибат шаҳзода Насриддин қочиб дарбордин,  
Роҳи Маҳрамдин Хўжанд мулкига жо бўлди, дариг.  
Отабек нойиб баҳодир берди бош авбошқа,  
Рихлати дорулфано дорулбақо бўлди, дариг.  
Нечани қатл айладилар хазнани торож этиб,  
Рустойи шаҳр халқиға вабо бўлди, дариг.  
Мавлави чубин била ул Абдумўмин ришини,  
Қатл қилдилар ҳама кори қазо бўлди, дариг.  
Масжиди жомеъда жам ўлди жами хосу ом,  
Чун ҳужуми гуфтуғўйи можаро бўлди, дариг.  
Қочдилар Султонмуродбек Хизир етим ҳавлисига,  
Жумла сўфи ранжиши жўри бақо бўлди, дариг.  
Ул Қаландарбек, Жабборқул кал қилиб

шармандалик,

Боғий муртад ҳаддин афзун беҳаё бўлди, дариг.  
Ожизи Султонмуродбек банди бўлди оқибат,  
Бир маломат тавқи лаънат то жазо бўлди, дариг.  
Ит қутурса эгасин қопқон масали машҳурдур,  
Туз ичиб тузлуқға чичқон рўсиёҳ бўлди, дариг.

Алқисса, Учқўрғон устига Ўрусия лашкари босиб келди. Хуфтон ҳаддида тўпга тутти, қирғиз халқи шошиб қочти. Кўп мусулмонлар шаҳид бўлдилар. Бир неча хўқандлик сипоҳлар масжидга қочиб кирдилар. Пиёда ўрус лашкари милтиқ бирла отиб шаҳид қилди. Учқўрғон фуқароларидин ҳам кўп мусулмон шаҳид бўлди. Ҳаддин афзун ва андозадин берун торож қилиб, бозор ва дўконларига ўт тортиди ва дўкон ва масжидлар куюб, шуъласи осмонга чиқиб, қоронғу кечаси кундуз-



га мубаддал бўлуб, олам равшан бўлди. Учқўрғон халқи: эркак ва хотунлар тоғ орасига қочиб паноҳ топдилар. Урусия лашкари торож қилиб, бир кеча ётиб, эрта билан кўчуб, Марғинон бориб қўнди. Сарриштан мамлакатдорликка иштиғол айлади.

Вақтики, қирғиз халқи қочиб, тоғ орасига кириб, минг машаққат бирла Қоратегин устига бориб, Қоратегин ҳокимига одам киргуздилар, арзи аҳвол қилдилар. Ҳоким айти: «Кирсунлар. Ҳамма мусулмон яктан ва якбадан-дурмиз»,— деб, қирғиз ўз кирдори бадалларидин мулоҳаза қилиб, хавф ва харос айлаб кирмадилар. Қоратегин тоғининг тепасида маслаҳат қилдилар. Қаён борурларин билмадилар. Ҳайрон ва саросима бўлуб бошлари қотти. Олимбек додхоҳни ўғли Абдуллабек айдиким: «Эй қирғиз халқи, огоҳ бўлунгларким, биз халқга тамоман аҳли олам душман бўлди. Ҳар қайси жойга борсак, бизга омон бермаслар. Ношоиста ишларимиздин эл-халқга ёмон бўлдук. Сиз халқ ҳам мендек иш тутсанглар, мунча бадномликка қолмас эрдиларинг. Хўқанд пойтахтида ўлтуруб, хўблик ва мулойимлик бирла каттани ака, кичикни ука деб навъе қилиб, яхши сўзлар бирла муомала ва мураса айлаб, баҳри навъ яхши от кўтариб, сиҳат ва саломат чиқиб келдим. Ҳарчанд сизларга панд-насиҳат айлаб хат юбордим, қулоқ солмай ва қабул қилмай ва хуни ноҳақдин бош кўтармай, балки ситеза айлаб, одам ўлдурмоқга ҳарис бўлуб ва дунё ва охиратда шарманда бўлуб, қирғиз халқини лаънатномага қўйдунглар. Эмди бизларга борар жойимиз йўқ, ётар тоғимиз йўқ-дур»,— деди эрса, ҳаммаси: «Бул ёмон ишларни Сулаймон ўғри қилди»,— деб Сулаймон ҳудайчининг бўйнига қўйдилар эрса, Абдуллабек шамшир суғуруб Сулаймон ўғрини чолиб ўлдуруб, зовурга ташлади. Зулмининг касофатидин кафан ва жаноза ҳам буюрмади. Мурдор жисми қурт ва қумурсқа ва зағизғонга тўйма бўлди.

Андик сўнг Абдуллабек ҳажга ярода қилиб кетти, ўзгалари туғлаларини синдуруб хуржинларига солиб, хонларини олдиға солиб, Олой кеттилар эрса, Марғинон ҳокими бир сиёсатнома ёзиб аларга юборди, мазмуни шулким: «Эй қирғиз халқи, бул хат борғон ҳаммоно Пўладхонларингни топиб бизга келтуруб берсанглар, ўзларинг омон топиб, саломатлик бирла фуқаролик қилиб, осойиш топурсизлар ва агар масоҳала айлаб, хонларингни топиб келтуруб бермасанглар, сиёсатга

двордурсизлар. Мол-амволларингни торож қилиб, бир жонни саломат қўймай кўчуруб, Урусия юртига сибир қилиб юборурман», деб. Бул хат борғон ҳаммоно жамоат бўлуб хатни ўқудилар эрса, ҳайрон ва саросима бўлуб, гуқуйлашиб, лоилож хонларини олиб отланиб, Марғинонга бориб ҳокимни кўрдилар эрса, ҳоким бир неча сўз сўзлади ва айти: «Ёмон қароқ экансизлар, кўп одамларни ўлдурубсизлар,— деб бир неча амалдорларини хатлаб сибир қилди. Пўладхонни дор, остига олиб бориб, милтиқ бирла отиб, дорға остилар. Барча гағоларни бости. Ва оллоҳу олам биссавоб...

## РОҚИМИ БУ РИСОЛА БИР НЕЧА ДАРИҒНОМА АЙҒОНИ

Тавба айланг, дўстлар, вақти дуо бўлди, дариг,  
Кўп гадолар шоҳ, чун шоҳлар гадо бўлди, дариг.  
Фитнаи охир замон Фарғонага бўлди вуқуь,  
Ҳам ҳаромзода Пўлод подшоҳ бўлди, дариг.  
Жам ўлуб қирғиз тамоман бир неча авбош ила,  
Гуфтуғўйи маслаҳат чун можаро бўлди, дариг.  
Неча қатъо тариқлар бошиға дастор ўраб,  
Золими хунхор соҳиби дастгоҳ бўлди, дариг.  
Ваъз айтиб, жумла халойиқга бериб панду фириб,  
Тўр эгаси роҳсанлар порсо бўлди, дариг.  
Соҳиби маҳрам, ясовул, шотир осиб яроқ,  
Бир неча авбош ила соҳиб азо бўлди, дариг.  
Доимо айшу тараб бирла шарорат ишлари,  
Кеча-кундуз кори-бори чун зино бўлди, дариг.  
Хон, бекларни заифин йиғдуруб олди тамом,  
Қўй бечора бўриға ошно бўлди, дариг.  
Кўп мусулмонларни молу мулкин, олди, қилди қатл,  
Жумлаи аҳли аёл мотам, азо бўлди, дариг.  
Айлади хўрду калон шаҳзодаларни қатли ом,  
Ноумидлар кўп мусулмонга вабо бўлди, дариг.  
Золими баттоллар кўп қилди зулми беадад,  
Жумла мўмин ранжиши давру жафо бўлди, дариг.  
Зулми бидъат жўш уруб бўлди шарнат нопадид,  
Оқибат бу мулки Хўқанд тахти по бўлди, дариг.  
Ё илоҳо, жумла мўминларга қил имон ато,  
Ҳарна бўлди, жумла тақдири қазо бўлди, дариг.  
... каби моҳи сафарда қочди қирғиз оқибат,  
Кўп мусулмон ноласи сўйи само бўлди, дариг.  
Минг икки юз тўқсон учда берди жон Пўладхон,  
Соли тўнғуз калласи дорда бино бўлди, дариг.

Мушрифиди. Олим ҳаволат қил худо тақдирига,  
Қисмати рўзи азал қолу бало бўлди, дариг.

### УРУСИЯНИНГ ҚУҚОН ХОНЛИГИНИ БОСИБ ОЛИШИ

Алқисса, замоники Насриддинхоннинг Яккамулла деган мавзеъдин сибир қилиб, бир неча қирғиз ва қипчоқ ва Хўқанд калоншавандалари бирла аробага солиб, Тошканд тарафига юборди. Хотиржам бўлуб, рус аскарари отланиб, шиддат ва сиёсат бирла Хўқанд ўрда-сиға яқбора кириб келди. Мусулмонлардин хуши бошидин учуб, ҳайрон ва саросима бўлуб, баъзи бегуруҳ сипоҳлар қочиб чиқиб кетдилар ва боқий мусулмонлар тавба айлаб, худованди каримга тақя айлаб сабр қилиб турдилар. Амин ва оқсақол ва ботурлар келдилар. Турсун Муҳаммад иноқ ва Хўжа Али иноқ дастурхон ва маҳосара тайёр айлади. Қанд-қуре ва нону неъмат ва меваҳои алвон-алвон тотдилар. Жамъи тўра ва хондор ва губурнотур хон саломхонасида ўлтуруб таом еб, бир неча сўз мусулмонларга баён қилди ва айдиқим: «Бизларнинг мусулмонларга зиён ва заҳматимиз йўқтур. Шариат жойида барқарор турар. Муллалар мадрасада дарсгўйликга машғул бўлсунлар ва эшонлар хонақоҳларида зикру дуоғўйликга машғуллик қилсунлар. Фуқаро осойишталик бирла ўз бечоралик юмушига машғул бўлсун. Худоёрхон замонида қандоқ расм-қонда бўлса, шундоғ бўлсун. Қирғиз, қипчоқ халқи сизларга бузуқчилик солибдур. Сизлар бир катта подшоҳга ўзларингнинг солмасанглар, хароб бўлурсизлар. Алвақт оқ подшоҳдин бўлак катта подшоҳ йўқ турур»,— деб, либос бериб жавоб берди. «Жой-жойларингга боринглар. Сизларга меҳрибонлигимиз кўпдур»,— деди.

Андоғким, тўқсон беш ёшқа боргон Кауфман губурнотур Маҳрам қўрғонида туруб, бир неча аҳднома ёзиб, шул мазмунда бир сандуқни хатга тўлдуруб, вилоятларга юборди. Андоғким, Марғинон, Андижон, Шаҳрихон ва Намангон мусулмонлари бул аҳдноманни ўқуб, мусулмонлар бўшашиб, жангу жадалдин қўлларин тортдилар эрса, вилояти Урусиянинг тахти тасарруфига кирди.

Ул кеча ўтти, эртасиға мирзоларни жам айлаб, хирож ва таноб ва закот ва никоҳона ва тариконалардин тушадургон пулларни алоҳида-алоҳида рўйхат қилиб олди ва муллаларни чорлаб, мударрислар ўз жойларида

барқарор бўлсунлар ва икки қозибоб, баднёнат одамни сайлаб берсунлар,— деди эрса, муллалар ва бойлар жам бўлуб, бир неча диёнатлик, байносф муллани қозиликка сайй қилди, қабул қилмадилар. Лоилж Махдумхожа Калонким, сақол ва мўйлаби юлунуб маъзул бўлгон эрди, қозиликга қабул қилди ва яна бириға домла Муҳаммад Юсуф қозикалоннинг ўғли мулла Мирмаъсум қозиликга қабул қилди эрса, либос бериб, қози қилди ва яна эртасиға бойларни ва амин, оқсақолларни чорлаб, икки мингбошибоб одам сайлаб беринг, деди эрса, мулла Бўтааминни ва Хўжамбердининг мингбоши боб деб, сайлаб бердилар. Буларга сарупо бериб, мингбоши айлаб чиқарди ва Ҳамроҳқули Турроқликни қўрбоши қилди. Қишлоқларни Турсунмуҳаммад иноқ ва Хўжа Али иноқга топшурди. Мулла Хотамбой мирзо ва мулла Муҳаммад Аюб мирзони буларга ҳамроҳ қилди. Булар маслаҳат бирла саркор ва амлоқдор қилдилар. Қишлоқларни йнгирма тақсим қилди. Ҳар тўпга бир мингбоши ва бир қози ва етти амин ва ўн тўрт элликбоши қилди. Хўқанднинг қибла тарафига ўн мингбоши, ўн қози қилди. Қунчиқар тарафига ўн мингбоши, ўн қози қилди. Бир йил хирожни иноқлар жам қилиб, жавоб бердилар. Яна йилга хирожни мингбошиларга топшурди. Миқдори тўрт йил қишлоқларни хирожини жам қилиб, юздин тўқсонни уруб жавоб бердилар. Андин сўнг мирзойи аҳли қаламларни жам қилиб, таноб тортмоққа буюрди. Баъзи аҳли салоҳ мирзо ўзларини гўшага олдилар ва баъзи бепарҳиз мирзолар қабули хизмат қилдилар. Занжирчи Россия бирла шаҳар ва қишлоқ ва дашту биёбон, обод ва нообод ерларга таноб тортдилар. Ҳар танобиға уч ярим тангадин мири кам икки танга бермакка номзад қилди. Жамъи беш танга бир мири бўлди. Обод ерларини филжумла танобиға еткурдилар. Хароб ерлар танобиға еткуролмасдин ҳалок бўлуб, ерларидин безор бўлдилар. Дафтар қилиб мингбошиларга топшурди ва яна ҳар қишлоқни танобини дастхат қилиб жам боғлаб, элликбошига топшурди ва яна бир неча мирзога ўрус қўшуб, ҳавлиларни хатга олди. Ҳавли ичра неча жон одам бўлса, хатга олиб, шумора қилиб туника қоқти. Ҳар дўконга олти сўмдин пул солди ва ҳавли пули солди. Тўрт йиллик ҳавли пулини элликбошилар йнғиб олиб хазинасиға берди ва яна закотни барҳам уруб қизил қоғаз берди. Бойларга бир тариқа қоғаз берди. Қўп пулларини олди ва дўкондорларга ва исми фурушандаларга қизил қоғаз бериб, олти сўмдин

олди. Мулла Ҳотамбой мирзо ва мулла Муҳаммад Аюб мирзони меросбоши амал бериб, Ҳисор қўрғонга қўйди. Мингбошилар қаторида вазифа берди ва яна мироблардин кўп пул олдилар ва бир неча фоҳишалар ҳар вилоятдин эргашиб жам бўлгон экан, Жаҳоноро устидаги сарбозхонани аларга жой қилиб берди. Ҳар вилоятдин бир неча авбоши ва беқоида ва бебош ўғрилари эргашиб келиб эрди. Ва Хўқанд ичиндаги ўғрилари бош кўтариб жамоат бўлуб, кечаларда беибо юруб, баъзи мусулмонларни босиб ўзини ўлдуруб, ҳарна бори ни олиб кетдилар. Бу ваҳждин мусулмонлар кўп ҳалок бўлдилар ва баъзи Хўқанд ичидаги бетартиблар Руссияга хизматкор бўлуб, ўзларига бўзча от қўюб, телпак кийиб, кўчаларда от чопиб, самими қалб бирлан хизматга машғул бўлдилар ва баъзи номуносиб одамлар амин, элликбошиларга уч юз сўм ва тўрт юз сўм пора бериб, қишлоққа қози бўлдилар ва баъзи бадийнат одамлар ўзини гўшага олди ва баъзи бепарҳиз шармандалар амин ва элликбоши бўлуб, мусулмонларга кўп жавру ситам қилдилар. Мусулмонлар сабр айлаб, худого така қилдилар.

Муаллифи рисола бир неча байт саргузашти замонадин баён қилиб айғони:

### ХОДИСОТИ ХУДУСИ ФАРҒОНА ВОҚЕОТИ ВУҚУЪИ БЕГОНА.

Хўқанд ичра ўрус кирди якбораки,  
Мусулмонлар шошиб ҳайрон бўлди, дўстлар.  
Тавба айлаб, рози бўлуб қазосига,  
Балосига собир бўлуб турди, дўстлар.  
Эй муъминлар, бир неча сўз баён айлай,  
Руссиянинг афъолидин, аён айлай,  
Қулоқ солинг, хоҳ яхши, хоҳ ямон айлай,  
Аломати охир замон бўлди, дўстлар.  
Андижондин ўрус келди Яккамулла,  
Аробага ортиб, ақча, танга, тилла,  
Истиқболга чиқти ул дам хожа, мулла,  
Кийиб либос, инъомини олди, дўстлар.  
Насриддинхон шошиб чиқти истиқболга,  
Турдиали бирла борди Яккатолга,  
Аробани тўлдурубон тортуқ, молга,  
Кўрган замон сибир бўлуб кетти, дўстлар.  
Қипчоқ, қирғиз муфсидларни хатга олди,  
Аробага офтобачи бирла солди,

Бир жамоа ўрус анга ҳамроҳ бўлди,  
«Сейчас», дебон Питербурун кетти, дўстлар.  
Сибир узра неча муддат йиллар қолди,  
Баъзилари муҳлат етиб, Хўқанд келди.  
Баъзисига қазо етиб анда ўлди,  
Улуқлари бежаноза кетти, дўстлар.  
Тузин ичган давлатхоҳлар йўлдин озди,  
Бадхоҳ бўлуб, хон йўлига чоҳлар қазди,  
Сарпо бериб, инъом айлаб анга ёзди,  
Ўзи қозгон чоҳга ўзи тушти, дўстлар.  
Пайғамбар ҳам асқобларга ҳадис айтар,  
Кулли ямини, кулли қавмин деди бадтар,  
Кофир келиб дин мулкини қилди абтар,  
Муъминларни кўзи гирён бўлди, дўстлар.  
Замониким Хўқанд ичра ўрус кирди,  
Худёрхон ўрдасига дўкон қурди,  
Юрт яхшиси, хожа, мулла бориб кўрди,  
Яхши сўзлаб, эъзоз-икром қилди, дўстлар.  
Юрт яхшисин сийлаб анга амал берди,  
Мингбоши, элликбоши, дўғма қилди,  
Сипоришлар бирла «закун» таълим берди,  
Сарпо бериб, навозишлар қилди, дўстлар.  
Баъзи мулла роғиб бўлуб амал олди,  
Баъзилари муфти, аълам, қози бўлди,  
Кўруб, билиб бу ишларга рози бўлди,  
Тавба денглар, нечук замон бўлди, дўстлар.  
Муллаларни баъзисидин инсоф кетти,  
Қозиликни пора бериб сотиб олди,  
Аҳли тавфиқ муллаларга ғамга солди,  
Кўзим ёшлаб, дасту дуо бўлди, дўстлар.  
Китоб айтур, мулла эрур дин чироғи,  
Қоғоз-қалам, сиёҳидур дин яроғи,  
Амри маъруф наҳи мункар дин салоҳи,  
Халойиқдин инсоф, тавфиқ кетти, дўстлар.  
Худо берган ҳар кимсага бир азиз бош,  
Руссиядин талаб қилур баъзи мингбош,  
Закун билиб ошно бўлди кўз била қош,  
Пучак пулга хаёлларин сотти, дўстлар.  
Баъзи элликбоши бўлди, баъзи дўғма,  
Юздин урар тўқсонини, қилар тўғма,  
Нафс йўлига кирганларга бало буғма,  
Куфри зулмат исёнига ботти, дўстлар.  
Баъзи одам телпак кийиб, бўзча бўлди,  
Отлар чопиб, жону дилда хизмат қилди,  
Ҳар ой ичра бир неча сўм ақча олди.

«Издирас» дебон ҳар кун салом қилди,  
дўстлар.

Бепарҳиз мирзоларни йиғиб олди,  
Шаҳар, қишлоқ, маҳалладин уй санади,  
Эркак, занфа, гўдакларни хатга олди.  
Улганни ҳам бир-бир дафтар қилди, дўстлар.  
Шаҳар, саҳро, боғу замин таноб солди,  
Отасини номи бирла хатга олди,  
Ҳар қишлоқни алоҳида жам айлади,  
Дафтар қилиб хазинага олди, дўстлар.  
Ҳар қишлоқни пулон қилиб қўлга берди,  
Улфониға замаскасин ҳамроҳ қилди,  
Улфонидин раиятлар жондин тўйди,  
Дехқон халқи ердин безор бўлди, дўстлар.  
Жалабларға жой тайинлаб тайёр қилди,  
Ўғри, авбош, қиморбозлар бозор қилди,  
Ўғри халқи мўъминларни безор қилди,  
Ҳаддин афзун хижодатга қолди, дўстлар.  
Хуни ноҳақ қилгонларни сибир қилди,  
Ўғри халқи қўлга тушса авоқ қилди,  
Беадабни кетин очиб хипчин урди,  
Закуниға лойиқ ишни қилди, дўстлар.  
Мўъминларни ўғри халқи ҳалок қилди,  
Тун кечада босиб, қийнаб молин олди,  
Баъзисини моли бирла жонин олди,  
Мўъминларни ўғри ғорат қилди, дўстлар.  
Аҳли салоҳ мирзо бўлди мироббоши,  
Сув устидин либослари, ичган оши,  
Фикру ёди мироб бирла пул кенгаши,  
Сандуқлари сув пулиға тўлди, дўстлар.  
Фоний дунё, жойинг эрур бир газ ватан,  
Гар буюрса санга тегар тўрт газ қафан,  
Буюрмаса тўйма қилар зоғу заған,  
Андишалар халойиқдин кетти, дўстлар.  
Мўъмин керак тинмай йиғлаб, зикрин қилмоқ,  
Охиратни нушасини фикрин қилмоқ,  
Ҳақ таоло неъматларин шукрин қилмоқ,  
Шукр айлагон муродиға етти, дўстлар.  
Руссиялар бой халқиға қилди шафқат,  
Ҳалок бўлуб заҳри заққум ютти, дўстлар.  
Урда ичра масжид бўлди бутхоналар,  
Бой халқи ҳам анга бўлди доим улфат,  
Дехқон халқи ўлфонидин тортти кулфат,  
Хону беклар жойи бўлди вайроналар,  
Шаҳзодалар ҳар тарафда сарсоналар,

Бегоналар мулкға соҳиб бўлди, дўстлар.  
Хожа, мулла, шаҳзодалар бўлдилар хор,  
Беобрўлар чандон топти чун эътибор,  
Кўтарилди халойиқдин номусу ор,  
Султонимни ҳикмат сўзи бўлди, дўстлар.  
Эр либосин занф кийиб шайдо бўлди,  
Эру хотун бир-бириға савдо қилди,  
Фарзандлари отасиға бадхоҳ бўлди,  
Султон айгон аломатлар бўлди, дўстлар.  
Бошлар бўлди аёғ, аммо аёғлар бош,  
Солхурдалар тилин тортти, сўзлади ёш,  
Маъракада тўр эгаси ўғри, авбош,  
Кун мағрибдин туғар вақти бўлди, дўстлар.  
Сўз эгаси қарға бўлди, тўтилар дам,  
Вилоятда аҳли тавфиқ мўъминлар кам,  
Дин аҳлини дили ғамгин, кўзи пурнам,  
Тавба бирлан йиғлаб дуо қилди, дўстлар.  
Бул дам кетти халойиқдин шарму ҳаё,  
Хожа, мулла, эшонларни иши энё,  
Бул сабабдин қабул бўлмас қилгон дуо,  
Таомлари ҳаром шубҳа бўлди, дўстлар.  
Эй мўъминлар, тавба бирла айланг дуо,  
Ул сарварим ҳурмағидин шояд худо  
Қабул айлаб ато қилса дардға даво,  
Тахти дилда дуо вақти бўлди, дўстлар.  
Қисмат эрур қолу бало ушбу тақдир,  
Мирзоолим бу сўзларни қилди тақдир,  
Ҳодисоти замонани бир-бир тақдир,  
Хаёл айлаб қоғаз узра ёзди, дўстлар.

Алқисса, сиёсат бирла ўрус аскарни дорус-салтанан  
Хўқандға дохил бўлуб, ҳоким ва тўралар жойланиб, са-  
ранжом топти. Атроф ва жонидин хотиржам бўлуб,  
Урданинг атрофиға иморат қилдилар. Абдурахмон оф-  
тобачини ҳавлисиға ҳоким жойланиб, ўз расму қоида-  
сида ўрусча иморат қилди ва яна тўралари ҳавли ва  
иморат қилиб жойланди. Урда аркни қибла тарафиға  
то сарбозхонагача иморат қилди. Сарбозхона жойини  
иморат қилиб, маҳкам айлади. Урданинг қибла тарафи-  
даги йўлдин то сой лабиғача тўрт-беш қатор ўрусча  
иморат қилиб, сойғача еткурди. Йўлларини тартиб бирла  
ораста қилди ва ҳар вилоятдин эргашиб келган ошпаз,  
шонвой, баққол, емфуруш ва бедафуруш ва самоварчи-



лар сойни лабидин жой олиб ва дўкон ижора олиб ўлтурдилар. Урус ва нўғой ўрусча дўкон иморат қилиб «лаб-ка» от қўюб, тўла моллар солиб, лабқадорлик қилдилар. Бухоро ва Самарқанд вилоятидаги жуҳуд ва ҳиндилар Хўқанд келиб, ҳавли олиб, иморат айлаб ва дўкон ўлтуруб, яхши отлар миниб, мусулмонни писанд айламай поймол қилдилар. Қиссаи кўтаҳ, атроф вилоятдин бегона одамлар келиб жам бўлдилар. Кофир, мусулмон ва мусофир, хитой, қалмоқ аралаш бўлуб, мўъминлар алалхусус, жуҳуд ва ҳиндилар отланиб поймол қилғонига кўп дилтанг бўлдилар. Лоилож сабр айлар эрдилар.

Бул боис мухаммаси «Арш» ёзилди. Мухаммас бу турур:

Минг ҳамду сано нўшада танҳо арш,  
Минг шукри худо рўз ила шабҳо арш,  
Инглаб қилайин тавба-тасавҳо арш,  
Бул турфа замон мўъмину тарсо арш,  
Солиҳ била толиҳ била ашқо арш.  
Мўъминни дили холи эмас шубҳаю шакдин,  
Хавф ила хатар, яхшию ямон икки малакдин,  
Дил тафриқаси шубҳа ила нону намакдин,  
Айб айламангиз шиква қилай чархи фалакдин,  
Эсон била зокир била гумроҳ арш.  
Минг тавба муносиб бу замон турфа замони,  
Эл ташладилар юзларидин шарму ҳаёни,  
Фарқ ўлмади мулла, хожа, яхши-ямони,  
Нойиб, вакил, муфти била қозикалони,  
Сулҳу қасам, тухмат-даъво арш.  
Зулмат ичида мўъмин эли ранги самондур,  
Дин аҳлини сийналари таҳ-батаҳ қондур,  
Мўъминга нишон билки, ҳаё бирла имондур,  
Мўъмин кишига ушбу нишон яхши нишондур,  
Лекин бошида қулфату раво арш.  
Фосиқда ривож ўлдики, ул бўлди бадандиш,  
Мўъмин кишини хор кўруб олди ўзин пеш,  
Таҳқиру такаббур тил ила дилга урар ниш,  
Поймол ўлуб бўлди мусулмон жигари риш,  
Отланди жуҳуд, ҳиндию тарсо арш.  
Жам ўлди сатанг ўрри, қиморбоз ила авбош,  
Бозору самоварда қилур фисқни кенгош,  
Хор этти шариятни, мусулмон сирини фош,  
Беҳуда ҳақорат тилида оғзигадур тош,  
Ҳофизлик ила нағмаю таралло арш.

Бир марди худо қилди журм аҳлини монё,  
Ул аҳли китоб сўзлариға бўлмади сомё,  
Зулматда ўтуб умри азиз беҳуда зоеъ,  
Наққоши азал қудратидур санъати солеҳ,  
Масжид била майхона, калисо арш.  
Мазмуни ҳадис ҳар кун ҳар явм бадтардур,  
Тўрнинг эгаси маъракада ўғрию ғардур,  
Фарзанди азиз жумласи бадхоҳи падардур,  
Хотун била жангу жадал хориси зардур,  
Ҳам жангу жадал бирла мавосо арш.  
Бахил ила сахо тафриқаси хайр ила шардур,  
Мўъмин ила кофир ҳама авлоди башардур,  
Мўъминга биҳишт ваъдаси, кофирга сақардур,  
Мўъмин иши тавба била хавфу хатардур,  
Афсусу надоматда илолло арш.  
Тақдир азал лавҳида ёзгон бу қазодур,  
Ортуқ кам эмас ризқи муқаддарки ғазодур,  
Ҳар яхши-ямон феълга албатта жазодур,  
Бил, ушбу тириклик равиши тўю азодур,  
Ҳам тўю мусибатда тамошо арш.  
Эй уммати ожиз, кўтаринг дасти дуони,  
Тахти дил ила тавба била навҳи навони,  
Ул сарваримиз ҳурматидини олса балони,  
Шоянки худо қилса ато дардга давони,  
Васл ила ижобатга худоё арш.  
Олимни иши масхараи байти ғазалдур,  
Ҳар байти ғазал жумласи тақдир азалдур,  
Оқил кишига ширу шакар, қанду асалдур,  
Фаҳм айласангиз дафъе савдойи касалдур,  
Чистони шабистон, муаммо арш.

## ҲАЗАЛЛАР

Мардуми Фарғонага хон бўлди ҳайф,  
Хон дема, балки ҳама жон бўлди ҳайф.  
Фитналар жўш урди беҳад қилди мавж,  
Селидин бу мулк вайрон бўлди, ҳайф.  
Хожа, мулла бўлдилар хору залил,  
Яхшилар бу ишга ҳайрон бўлди, ҳайф.  
Обиду зоҳид баси бўлди фано,  
Қорию куррою қуръон бўлди ҳайф.  
Кўп мусулмонларга тушти тафриқа,  
Нечалар ер бирла яксон бўлди, ҳайф.  
Неча мўъмин рус мулкида асир,

Бир неча мулки Хуросон бўлди, ҳайф.  
 Уш мулки ҳаддин, афзун тахти по,  
 Ҳазрати тахти Сулаймон бўлди ҳайф.  
 Рустойи бир неча авбош ила,  
 Шаҳарларни қилди талон, бўлди ҳайф.  
 Аскарни Хўқандга ҳайф тарбият,  
 Жумласига парчаи нон бўлди ҳайф.  
 Оқибат бул мулк бўлди тахти по,  
 Ҳам музофот кофиристон бўлди, ҳайф.  
 Уйлаким, мўъмин мунофиқ бўлди фарқ,  
 Ул мунофиқларга имон бўлди ҳайф.  
 Ё илоҳо, барчага тавфиқ ато,  
 Қил карам, жумла мусулмон бўлди ҳайф.  
 Мирзоолимга бўлуб беҳад зарар,  
 Ё илоҳо, айла осон, бўлди ҳайф.

\* \* \*

қиссаи кутаҳ жинси инсон бўлди фарқ,  
 Балки хайру шар, эҳсон бўлди фарқ.  
 Зоҳир ўлди фитнаи охир замон,  
 Жумла ашё, жон, бежон бўлди фарқ.  
 Қавми бедин бўлди чун санги маҳак,  
 Ўтиқоди инсоф адён бўлди фарқ.  
 Хожа, мулла, тожиру муфлис, гани,  
 Косиби бозор, дўкон бўлди фарқ.  
 Хонини бадбахт, дўзди роҳзан,  
 Хорису баднафс шайтон бўлди фарқ.  
 Фосиқу фожир тамоми шўриш,  
 Жинси фисқ, журми исён бўлди фарқ.  
 Кўча-кўй, шаҳар, жўю жўйбор,  
 Дашту саҳрою биёбон бўлди фарқ.  
 Ўтиқоди марду зан, ёшу қари,  
 Балки гўдак бирла сибён бўлди фарқ.  
 Маълум ўлди жамъи ёру ошно,  
 Ваъдаҳойи аҳду паймон бўлди фарқ.  
 Ё илоҳо, айла тавфиқинг карам,  
 Ўтиқоди жумла инсон бўлди фарқ.  
 Мирзоолим, сен этак чек халқдин,  
 Ўтиқоди халфа, эшон бўлди фарқ.

Алқисса, вақтиким шаҳзода Насриддинхони навжа-  
 воннинг батариқан сибир бир неча руссиялар ўртага  
 олиб, аробага солиб, суръати тамом бирлан Тошканд

олиб бордилар. Бир-икки кун тўхтаб, бир неча лозим  
 нимарсаларни олиб, андин Питербурғ вилоятига оқ  
 подшоҳнинг олдига равона бўлдилар. Бир неча ўруслар  
 аробага солиб, ўртага олиб, шитобу итоб бирла равона  
 бўлди ва бир неча кун меҳнату машаққат тортиб ва бир  
 неча манзил ва мароҳил тай қилиб, Питербурғ вилоя-  
 тига бориб, оқ подшоҳга кўрунуш қилдилар эрса, оқ  
 подшоҳ кўп эъзозу икром қилиб жондор амал берди.  
 Вазифа ва жойи олий тайин қилди ва бир неча кун анда  
 истиқомат қилдилар. Кундин-кунга эъзозу икромни зиёда  
 бўлди эрса, Қофман номлик ярим подшоҳ арза қилиб,  
 Насриддинхонни оқ подшодин талаб қилибдур. Оқ под-  
 шоҳ арзаси мазмунидин муталлеъ бўлуб, дарҳол Нас-  
 риддинга меҳрибонлик айлаб, инъом ва эҳсон айлаб,  
 обрўйи тамом бирлан Тошкандга юборди. Шаҳзодаи  
 навжавон ҳаддин афзун обрў топиб, эътимодлик кофир  
 тўралар бирла йўлга равона бўлуб, бир неча манзил тай  
 қилиб, снҳат ва саломат, ғоним ва солим Тошкандга  
 дохил бўлуб, Қофман ярим подшоҳ отахонини кўрди  
 эрса, хуш ва хурсанд бўлуб, кўп иззат ва икром айлаб,  
 вазифа таъйин қилиб, жойи олий ва маконни покиза  
 таъйинлаб, саруноийи олий бериб узатти. Шаҳзодаи нав-  
 жавон укаларни бирла топишиб, бошлашиб, оналарини  
 кўрдилар. Кўрушуб, йиғлашиб, топишиб, худованди ка-  
 римга шукри сано айлаб, бир неча вақт истироҳат топ-  
 тилар ва бир неча замондин сўнг шаҳзодаи Насриддин  
 якбора марги муфожотга мубтало бўлуб, тақдирин ило-  
 ҳий бирлан фоний дунёдин боқий оламга рихлат қил-  
 ди. Жамоат бўлуб, обрўйи тамом бирла дафн айлади-  
 лар ва бир неча замондин сўнг шаҳзода Насруллоҳ  
 муллақоби Урмонбек камоли фатонат ва закоатдин  
 сил касалига мубтало бўлуб эрди, тақдирин илоҳий,  
 ҳукми ламязалий бирлан якбора олами фонийдин боқий  
 оламга хиромида қилди. Юрт яхчилари, қавми қарин-  
 дошлар жамоати кўп камокона обрўйи тамом бирлан  
 дафн айладилар...

ЛУҒАТ

А

- Авбош** — бевош, безорн, саёқ, дайди.  
**Аён** — ёрдам, кўмак.  
**Авқоф** — вақфлар (масжид, мадраса кабилар таъминот учун белгилаб қўйилган ер ва турли даромадли мулклар, бирлиги *вақф*).  
**Адам** — йўқ, йўқлик.  
**Адам айламак** — йўқ қилмоқ.  
**Адл** — адолат, инсоф, тўғрилиқ.  
**Адув** — душман, ёв.  
**Ажлол** — ҳурмат қилиш, қадрлаш.  
**Азкор** — энкр этиш, эслатиш, айтиш (бирлиги *зикр*).  
**Азл** — бўшатиш, мансабдан тушириш.  
**Азм** — бирор ишга ёки сафарга қасд қилиш, бел боғлаш, интилиш, сафарга чиқиш.  
**Айру** — бошқа, ўзга.  
**Алам** — байроқ.  
**Алалхусус** — хусусан.  
**Алассабоҳ** — эрталаб.  
**Алоийқ** — алоқалар, борди-келдишлар, боғланишлар (бирлиги *алоқа*).  
**Алқисса** — ниҳоят, хуллас, хулоса, қисқаси.  
**Алқоб** — лақаблар, унвонлар, тахаллуслар (бирлиги *лақаб*).  
**Алҳол** — энди, ҳозир, ҳозирги вақтда.  
**Амал** — 1) иш, ҳаракат, ижро; 2) мансаб.  
**Амал** — куй, ашула.  
**Амният** — тинчлик, осойишталик.  
**Амон** — хавфсиз, қўрқинчсиз, тинчлик.  
**Амсол** — ўхшашлар, монандлар, тенгдошлар (бирлиги *масал*).  
**Анбуҳ** — талай, беҳад.  
**Аржуманд** — азиз, ҳурматли, қадрли.  
**Арш** — 1) осмон, арш; 2) тарт.  
**Асар** — нз, нишон, белги, таъсир.  
**Асно** — ора, пайт, маврид.  
**Асо** — ҳасса, таёқ.  
**Асрор** — сирлар (бирлиги *сир*).  
**Асҳоб** — 1) эгалар, аҳллар; 2) суҳбатдошлар, ҳамсуҳбатлар, дўстлар.  
**Атвор** — феъл-ҳаракатлар, йўсинлар, равишлар (бирлиги *тавр*).  
**Афғор** — яраланган, жароҳатли, хаста.  
**Афио** — ошкор, фош.  
**Ашроф** — шарафли кишилар, эътиборли кишилар.  
**Ашқиё** — ярамаслар, ёвузлар, бадбахтлар (бирлиги *шақий*).  
**Авдо** — душманлар (бирлиги *адув*).  
**Аён ва ашроф** — зодагон ва аслзодалар (оқсуяклар).  
**Ағлам** — 1) билагон, энг олим; 2) эски вақтда диний-ҳуқуқий масалалар юзасидан фикр берувчи диний амалдор.  
**Ақд** — боғлаш, тугиш; тугуч, боғланиш; никоҳ.

**Ағёр**  
**Аҳбоб**  
**Аҳволот**  
**Аҳзон**

**Аҳком**

**Бадр**

**Бадрақа**

**Балиғ**

**Бани**

**Баракат**

**Барахна**

**Бароё**

**Барор**

**Барот**

**Басе**

**Басир**

**Басират**

**Басорат**

**Бастар (бистар)**

**Бастари**

**Бахшиш**

**Баҳо**

**Бабок**

**Бейъат**

**Бекарон**

**Бент**

**Бехуд**

**Беша**

**Бизоат**

**Бибизоат**

**Бих**

**Бодия**

**Бодияншин**

**Болкул**

**Болостиқлол**

**Ботил**

**Ботий**

**Ботий**

**Ботий**

**Бол, вубол**

**Боло**

**Боло**

**Боло**

**Боло**

**Боло**

- бегоналар, ётлар (бирлиги *гайр*).  
 — дўстлар, севаклилар (бирлиги *ҳабиб*).  
 — 1) (бирлиги *ҳол*, *аҳвол*); 2) ишлар, ҳодисалар.  
 — қайғулар, гамлар, ҳасратлар (бирлиги *ҳузн*, *ҳазан*).  
 — ҳукмлар, фармонлар; кўрсатмалар (бирлиги *ҳукм*).

Б

- тўлин ой, ўн тўрт кечалик ой.  
 — раҳбар, йўлловчи; карвонбоши.  
 — нафис маъноли, тўлиқ ифодали, силлиқ.  
 — авлод, болалар.  
 — шарофат, хайрлик; мўллик, фаровонлик.  
 — яланғоч.  
 — халқлар, десонлар, кишилар (бирлиги *барийя*).  
 — илгариланиш, ривож; муваффақият.  
 — 1) оқлик қоғоз (подшоҳ томонидан берилган овозлик хати); 2) ёрлик хати; 3) пул қвитанцияси.  
 — кўп, анча; кўпинча.  
 — кўрувчи; тасаввуфда — ўткир кўзли, ўта сезгир маъносида.  
 — кўрувчанлик, ўткир кўзлик, ўта сезгирлик.  
 — ўткир кўзлик, билагонлик.  
 — тўшак, ўрин.  
 — ётиб қолган касал, бемор.  
 — бериш, эҳсон этиш, муруват, ҳада, тортиқ-тириклик, ҳаёт, борлик, абадийлик.  
 — 1) ҳайқмовчи, қўрқмовчи, торгннмовчи; 2) ҳаёсиз, парвосиз, бевош.  
 — 1) иттифоқ, сулҳ; 2) сидқидиллик учун қасам-ёд; 3) ҳукумати тан олиш.  
 — чексиз, ҳисобсиз.  
 — қиз.  
 — ўзидан кетган, беҳуш, ҳушсиз.  
 — тўқай, ўрмон, чангалзор, чакалакзор.  
 — мол-мулк, асбоб, сармойя.  
 — мулксиз, молсиз, сармойясиз, камбағал.  
 — илдиш.  
 — дашт, чўл, саҳро, биёбон.  
 — даштда яшовчилар.  
 — бутунлай, бугун, тамомак.  
 — мустақил.  
 — бузилган, бузуқ, бекор қилинган, беҳуда.  
 — (кўплиги *бўғот*), исёничи, ғалаёнчи.  
 — абадий, донмий, мангу; қолдиқ, ортиб қолган нарса, қолгани.

В

- айб, камчилик; оғирлик, қийинчилик; увол.  
 — лекин, аммо; магар.  
 — эга, соҳиб; авлиё, азиз.  
 — неъмат эгаси, боқувчи, ҳўжайин.  
 — (ва агар)нинг қисқаргани.  
 — кенг.

- Васвасаомиз** — йўлдан чиқарадиган, айнитадиган.  
**Вассалом** — бўлгани шу; тамом, пироварди, охири каби маъноларда бўлиб, мактуб охирига қўйилади.
- Васф** — таърифлаш, мақташ.  
**Ваҳшат асар** — ваҳшийлик белгиси, қўрқинчли, даҳшат нишонаси.
- Ваид** — қўрқитиш, таҳдид этиши.  
**Ваиди ваид** — қўрқитувчи, таҳдид қилувчи ваъда.  
**Вирд** — тарк қилмай дони бажариб туриладиган вазифа, дуо (кўпчилиги *аврод*) вирдлар, вазифалар.
- Вовайло** — пушаймонлик ва афсусни билдирувчи: воҳ, дариг, афсус, хайф, аттанг маъноларини ифодаловчи сўз.
- Вожиб** — бажарилиши мажбурий, зарур бўлган нарсаси, ҳол.
- Вожун, вожгуна** — терс, тескари; чаппа; паст.  
**Воиз** — ваъз айтувчи, панд-насихат қилувчи.  
**Восил** — эришувчи, етишувчи; эришган, етишган.  
**Воқеъ** — юз берган, пайдо бўлган  
**Вуқуъ** — бирор ҳол ва воқеанинг юз бериши, пайдо бўлиши.

## Г

- Гард** — чанг, тўзон, тупроқ.  
**Гарон** — оғир, вазмин.  
**Гиря** — йиғи.  
**Гудоз** — эрувчи, куювчи; эриш, куйиш.  
**Гузар** — ўтиш, кечиш, утиладиган жой.  
**Гумроҳ** — йўлдан адашган, йўлдан озган.  
**Гуризон** — қочувчи, қочган, қочган ҳолда.  
**Густоҳлик** — ибосизлик, ҳайиқмаслик.  
**Гурги гушна** — оч бўри.

## Д

- Давот** — снэхдон.  
**Далил** — 1) ҳужжат, асос; 2) йўл бошловчи.  
**Далирона** — жасурларча, ботирларча, дадиллик билан, қўрқмасдан.  
**Далойил** — далиллар, ҳужжатлар (бирлиги далил).  
**Даранда** — йиртқишлар.  
**Дарбор** — шоҳ ҳовлиси.  
**Дарий** — 1) дарага тегишли, дарада турадиган (дара сўзидан); 2) тожик тилининг қадимий номи.  
**Дариго** — э вой, э дариг! Ҳай атанг!  
**Дастбўс** — қўл ўпиш.  
**Дастор** — салла.  
**Дафойиш** — кўмилган бойлик (хазина)лар, дафиналар (бирлиги *дафина*).  
**Дағал** — маккор, фирибгар, алдоқчи, ҳийлакор, бузилган.  
**Даҳр** — дунё, олам, замон, давр.  
**Дилмасанд** — кўнгилга хуш келадиган, дил ёқтирадиган, ёқимли.  
**Домед** — кувё.  
**Дона** — 1) бир танганинг олтидан бири, ўртача 8 та

- арпа баробаридаги оғирлик; 2) маълум ҳисса, миқдор; 3) вилоят.  
**Доро** — 1) эга, соҳиб; 2) шоҳ, подшо.  
**Дорулфано** — фожий дунё, ердаги ҳаёт, вақтинча дунё.  
**Дорулбақо** — жаннат.  
**Дорус-салтана** — пештоқ яшайдиган жой, пойтахт.  
**Дофиъ** — даъф қилувчи, қайтарувчи, йўқотувчи.  
**Дун** — паст, разил, нокас.  
**Дурарбор** — дурлар (марваридлар) сочувчи; қийматли сўзлар тузувчи.  
**Дуруд** — мақтов, дуо, салом, яхшилик тилаш.

## Ж

- Жадвор** — жавдар; *ҳабби жадвор* — жавдар донаси.  
**Жалий** — равшан, очиқ, йирик; кўза кўриварлик.  
**Жало** — ватанни ташлаб кетиш, кечиш, ватандан ажраллиш, сурилиши.  
**Жамъи** — ҳамма, барча.  
**Жарроп** — 1) катта тўда, жуда кўп; 2) урушқоқ, қўрқмас тўда.  
**Жибол** — тоғлар (бирлиги *жабол*).  
**Жидди жаҳд** — ҳаракат, ҳаракат қилмоқ.  
**Жойгир** — ўрин олди, жой олди.  
**Жома** — кийим, тўи.  
**Жомъ** — жам қилувчи, тўпловчи; ўз исмига қамраб олувчи.  
**Жонгудоз** — жонни қийновчи, азоб берувчи.  
**Жоҳ** — мансаб, юқори даражали ўрин, амал, мартаба.  
**Жузв** — бўлак, қисм.  
**Жузв бўлмоқ** — бутуннинг бир қисми бўлмоқ, бирикиб кетмоқ.  
**Жулус** — 1) ўлтириш; 2) мажлис.  
**Жунун** — жинилик.  
**Жўё, жўён** — истовчи, талаб қилувчи.  
**Жўйбор** — серсув жой; дарё, сой, катта ариқ.  
**Жўш** — 1) қайнаш; 2) гўлгула, гавго, тўполон, тўлқин.

## З

- Забун** — 1) ожиз, нотавон, бечора, кучсиз; 2) мағлуб, енгилган.  
**Закот** — кишилардан уларнинг умумий бойлигининг қирқдан бири миқдорда ҳар йили олинган диний солиқ.  
**Залил** — хор, фақир, тубан.  
**Зарбафт** — зардан тўқилган мато (кийимлик), зарбоф.  
**Захмдор** — ярадор.  
**Заъф** — кучсизлик, ҳолсизлик, касаллик; ожизлик.  
**Заған** — қузғун;  
**Зағу-заған** — қарға-қузғун.  
**Заҳра** — 1) ўт; саффо халтаси; 2) журъат, шижоат, юракликлик.  
**Зиё** — нур, ёруғлик, шуъла.  
**Зикр** — сўзлаш, тилга олиш, эслаш, хотирлаш, баён этиш.  
**Зиллат** — хорлик, тубанлик, пастлик.  
**Зимнан** — дарвоқе, айтгандай, айтмоқчи; шу билан бирга.



*Зирдаст* — қўлга киритиш, буйсундириш.  
*Зоил, зоил* — йуқ бўлувчи, йуқоладиган, ўчадиган.  
*Зотий* — аслий, табий; шахсий.  
*Зоҳид* — дунё ишларига қизиқмасдан, ибодат билан машғул бўлган киши, сўфий.  
*Зоҳир* — маълум бўлмоқ, ошкор бўлмоқ.  
*Зулминан* — эҳсонлар эгаси, эҳсонли.  
*Зулмуот* — зулматлар, қоронғуликлар (бирлиги *зулмат*).  
*Зуннор* — мусулмон давлатларда яшовчи насронийлар мажбуран белга боғлаб юрадиган ва маълум бир рангдаги чилвир.  
*Зухур* — майдонга чиқиш, кўриниш, пайдо бўлиш.

## И

*Ибоҳат* — рухсат, ижозат (дин ёки қонун талаблари орқали).  
*Идбор* — бахтсизлик, иши олдига босмаслик.  
*Ижобат* — қабул қилиш; жавоб бериш; рози бўлиш.  
*Изом* — улур, буюк, катта (бирлиги *азим*).  
*Ийд* — байрам, ҳайит.  
*Имтиёз* — фарқ, айирма, ортиқлик; ортиқча ҳуқуқ.  
*Инон* — жилов, тизгин.  
*Инони ихтиёр* — тамомий ихтиёр.  
*Инс* — инсон, киши, одам жинси.  
*Ияқид* — буйсуниш, берилиш.  
*Иродат* — 1) қасд, ният, хоҳиш, истак; 2) мурдлик, берилиш.  
*Ирсол* — юбориш, етказиш.  
*Истионат* — ёрдам сўраш.  
*Истиотаат* — қудрат; куч, иқтидор.  
*Истифода* — фойдаланиш, бирор нарсани ўрганиш, илм олиш, ўқиш-ўрганиш.  
*Истиғфор* — гуноҳни кечиритиш, афв этишни сўраш.  
*Ифода, ифодат* — фойдалантириш; аниқлаш; ўргатиш; дарс бериш.  
*Ихтилот* — араланиш, қотишиш, борди-келди қилиш.  
*Иштиғол* — шуғулланиш, машғулот.  
*Иқтидо* — эргашиш, тақлид қилиш.  
*Иҳонат* — камситиш, хўрлаш, таҳқирлаш.  
*Иҳтироз* — сақланиш, эҳтиётланиш.  
*Иҳтисоб* — ҳисоб олиш; таҳқиқлаш, текшириш.

## К

*Кавкаб* — юлдуз (кўпчилиги *кавокиб*).  
*Калисо* — насронийлар ибодатхонаси.  
*Камокона* — бўлганича, илгари қандай бўлса ҳозир ҳам шундай, ўзгаришсиз.  
*Кирдор* — қилиқ, иш, тарз, кўриниш.  
*Кошиф* — кашф этувчи, очувчи, топувчи.  
*Коҳиш* — қисқариш, камайиш.  
*Кўтах, кўтоҳ* — қисқа, калта.  
*Кўтахназар* — қисқа ўйли, калтафаҳм, узоқни кўраолмайдиган.  
*Кушга* — ўлдирилган, ўлик.  
*Куюк* — куйган.

*Кухан* — эски, қадимги; титилган, лавираган; *кудан* сол-қари, ёши улур.  
*Кўс* — катта ноғора.  
**Л**  
*Лаббайк* — биров чақирганда айтилади; ҳозирман, буюринг, тайёрман маъноларида.  
*Лавҳ* — ёйиқ нарсаси; тахта; ёзув тахтаси; 2) равшанлик (кўпчилиги *алавҳ*).  
*Лавҳи замир* — мажозан — кўнгиш.  
*Латойиф* — латифа, гўзал сўз ва ҳикоялар (бирлиги *латифа*).  
*Либоси гуноғун* — турли хил, халма-хил либослар.

## М

*Маа* — билан, бирга, биргаликда.  
*Мавозез* — жой, ўрин, ер (кўпчилиги *мавозез*).  
*Мавлавий* — эга, соҳиб маъносига: ошмилар ёки сўфийларнинг номидан илгари келтирилган лақаб, унвон (мулла ёки домудла каби).  
*Мадид* — чўзилган, узоқда тортилган, чўзиқ.  
*Муддати мадид* — узоқ муддат.  
*Мажмаъ* — тўпланадиган жой, йиғин, тўда.  
*Маин* — оқадиган, оқар.  
*Мои маин* — оқар сув.  
*Малолат* — малоллик, кўнгишга етган оғирчилик, сиқилишлик, ҳорғинлик.  
*Малул* — малолланган; қайғули, ғамгин, хафа.  
*Мамот* — ўлим, вафот.  
*Мансур* — ғолиб, ғалаба қозонган.  
*Манҳий, манохий* — маън қилинган нарсалар.  
*Мардум* — 1) одамлар, кишилар; 2) қорачи.  
*Мурдуми чашм* — кўз қорачиги.  
*Маротиб* — мартабалар, даражалар (бирлиги *мартаба*).  
*Мароҳил* — манзиллар (бирлиги *марҳала*), манзил.  
*Марғуб* — ёқимли, сеvimли, маъқул.  
*Масал* — ўхшаш, мисол.  
*Масдуд* — тўсийган, боғланган; чекланган.  
*Масмуъ* — эшитилган.  
*Маснад* — 1) суянчиқ; 2) тахт; 3) юксак ўрин; 4) ҳукмдорлик ўрни.  
*Масолиҳа, масолиҳ* — керакли нарсалар, материал, масаллик.  
*Масоф* — 1) жанг майдони; 2) жанг, уруш; 3) аскар сафи.  
*Масоҳат* — ер ўлчаш, таноблаш;  
*Масоҳат қилмоқ* — 1) ер ўлчамоқ; 2) мажозан — кезмоқ.  
*Матмаъ* — 1) манфаат, фойда, наф; 2) ғараз, ҳирс, тама.  
*Маъзул* — бўшатишган, ишдан озод этилган; 2) йуқолиш, кетиш.  
*Маъроз* — кўтарилиш, юқори чиқиш.  
*Маъсият* — гуноҳ.  
*Маътал, муътал* — тўхтатишган, тўхтатишлик қолган, қараб қолган.  
*Мақоамат* — қаршилиқ, чидам.  
*Мақолот* — 1) мақоалалар, нутқлар; 2) боблар.  
*Мақрун* — яқинлашган, яқин; қўшилган, ёндошган.  
*Мақтул* — ўлдирилган.

**Мақула, мақулот** — 1) мавзу, масала; 2) гап.  
**Мағлуба, мағлуб** — енгил, голиблик; мағлуб қилмоқ, енгмоқ.  
**Мағмур** — ғамли, хафа, руссали.  
**Мағфират** — кечирит, ёрлақаш, гуноҳидан ўтви.  
**Маҳак** — кумуш ва олтинларга суртиб, уларнинг тоза-  
 нозозалигини ажратадиган тош.  
**Маҳэ** — йўқолиш, битиш, майдондан кўтарилиш; ҳай-  
 ратда қолиб ўзидан кетиш.  
**Маҳзун** — ғамли, қайғули, хафа.  
**Маҳобат** — 1) ҳайбат, шуқуқ, савлат; 2) қўрқинчли кў-  
 риниш.  
**Маҳсул** — маҳсулнинг кўплиги.  
**Маҳрам** — 1) энг яқин қариндош; 2) улфат, ҳамдам,  
 сирдош; II хусусий хизматчи.  
**Мизож** — кишининг табиати, темперамент; аралашма.  
**Михрат** — 1) улуг, катта; 2) элчи; 3) сурнайчилар бош-  
 лиги.  
**Мофизамир** — пинҳоний мақсад.  
**Моя** — 1) моҳият, бир нарсанинг асл моддаси; 2) ўғит,  
 ачитқи; 3) дастмоя, дастлабки маблағ.  
**Муаккад** — 1) қаттиқ талаб қилувчи, талабчан; 2) қаттиқ,  
 жиддий.  
**Муаккал** — вақил этилган (киши).  
**Муабдал** — алмашинган, ўзгартилган, айрибошланган.  
**Мубошир** — 1) бошқарувчи, 2) ишчиларнинг бошқарувчиси.  
**Муоаррас** — васиятнома қолдирувчи.  
**Мувассо** — яхшилик; келишиш, муроса қилиш.  
**Мударрис** — дарс берувчи, мадраса муаллими.  
**Мудғам** — киритган, бириккан, яширинган.  
**Мужаррад** — 1) яланғоч, холи, танҳо; 2) озод, яққа, ёлғиз;  
 3) бўйдоқ, уйланмаган.  
**Муштабо** — сараланган, сайлаб, танлаб олинган, мумтоз.  
**Музайян** — зийнатланган, безанган.  
**Музаффар** — зафар қозонган, голиб, иши илгарига босган.  
**Музофот** — 1) шаҳар атрофидаги боғлиқ жойлар; 1) кў-  
 шимчалар.  
**Мукаддар** — 1) кирланган; 2) хираланган; 3) ғамли, кўнгли  
 олинган.  
**Мулак** — (бирлиги малик), подшоҳ, хон.  
**Мумтоз** — сараланган, саралаб (сайлаб) олинган, ажра-  
 тилган.  
**Мунис** — улфат, ҳамдам, доим бирга бўлувчи улфат.  
**Муноқаша** — жанжал, тортишув.  
**Мунодий** — бирор хабарни баланд товуш билан эълон  
 этувчи, жарчи.  
**Муний** — 1) ёзувчи, котиб; 2) мажозан — Аторуд (Ма-  
 курий) планетаси.  
**Мунқатий** — ажралган, кесилган, узилган: Мунқатий қи-  
 моқ.  
**Мунҳазим** — тарқалган, бузилган, тумтарақай бўлган.  
**Муоф, маоф** — афв этилган, гуноҳи кечирилган.  
**Мураббий** — тарбиячи.  
**Мурид** — 1) талаб этувчи, истовчи; эргашувчи; 2)  
 савуфда бирор шайхга эргашувчи, эшонга  
 берувчи.  
**Мургазо** — танланган, сайланган.

**Мусаллах**  
**Мусаххар**

**Муслиҳ**  
**Мусолиҳа**  
**Мусоҳила**  
**Мусриф**  
**Мустамиз**  
**Мустағроқ**  
**Мутаваттин**

**Мутасаддий**  
**Мутасарриф**

**Мутофарриҳа**  
**Мутгако**  
**Муттала**  
**Муфассир**  
**Муфаттин**  
**Муфлис**

**Муфсид**  
**Мушкин**  
**Мухаммар**  
**Мухолафат**  
**Мухолиф**  
**Муғталиб**  
**Муқаддар**  
**Муқарраб**

**Муқайяд**  
**Муқобил**  
**Муқтадо**  
**Муғ**

**Муҳибб**  
**Муҳосара**  
**Муҳриқ**

**Муҳтасиб**

**Муажжовон**  
**Муозизи**

**Муоҳа**

**Муайн**  
**Муажжор**  
**Муашунамо**  
**Муқдина**  
**Муқс**  
**Муққора**  
**Муқсият**

— қуролланган.  
 — забт қилинган, ўзига қаратилган, фатҳ қилин-  
 ган, бўйсундирилган.  
 — сулҳ тузувчи.  
 — сулҳ тузиш.  
 — марҳаматлилиқ, мулоимлиқ, риоялилиқ.  
 — исрофгар, пул ва молни беҳуда сарф қилувчи.  
 — тингловчи, эшитувчи.  
 — фарқ бўлган, чўмган.  
 — бирор ерни ўзича ватан тутувчи, турувчи, ер-  
 лашган, жойлашган.  
 — бирор ишни бошловчи, ташаббускор.  
 — 1) бирор ишни истаганича бажара олувчи; 2)  
 тасарруф қилувчи, эгалловчи.  
 — тарқоқ, сочилган.  
 — суянчиқ, таянлабдиган нарса, мадаккор.  
 — хабардор, огоҳ.  
 — изоҳ берувчи.  
 — айроқчи, ғаламис, фитначи, иғвогар.  
 — камбағал, бетора, камбағаллашган; савдода  
 синган.  
 — 1) зарарли; 2) бузувчи, фасодчи.  
 — ачиган, турушланган; ошган хамир.  
 — келишмовчилик, тескарिलाшиш.  
 — тескари, қарама-қарши.  
 — 1) мушк ҳидли; 2) мушк рангли, қора тусли.  
 — ишончли, ишончга лойиқ, эътимодли.  
 — яқин-турувчи, дўст.  
 — тақдирдаги; илгаридан тайин этилган (диний).

— боғланган, уланган, банд этилган.  
 — қарши турувчи, қарши, зид.  
 — бўйсунилган, эргашилган (кимса).  
 — 1) мажусий, оташпараст, ўтга чўқинувчи; 2)  
 мажозан — майфуруш.  
 — 1) севувчи; 2) дўст.  
 — қамал, ўраб олиш.  
 — 1) ёндирувчи, куйдирувчи; 2) кўнглини ўртов-  
 чи.  
 — эҳтисоб этувчи; шарнатга хилоф ишларни тек-  
 ширувчи; бозордаги тош-торози ва нархларни  
 назорат этувчи.

## Н

**Навжагон** — ёш йигит, йигитча.  
**Навоизи** — яхшалик қилпи, сийлаш, эркалаш, марҳамат  
 қилиш, меҳрибончилик.  
**Навоҳа** — товуш чиқариб йиғлаш, улиш, мунгли йиғи,  
 нола.  
**Навоф** — ғилоф, қилич ғилофи.  
**Наврадгор** — дурадгор.  
**Навога егмоқ, ўсмоқ** — воёга егмоқ, ўсмоқ.  
**Навоқ пул; қийматли мол** — навоқ пул; қийматли мол.  
**Навоқ (кўплиги навоқис), нуқсон** — навоқ.  
**Навоғора** — навоғора.  
**Навоҳлик, иш олдинга босмаслик** — навоҳлик, иш олдинга босмаслик.

Низом — 1) тартиб, қоида, тузум; 2) армия (ҳарбий).  
 Ниҳод — 1) табиат, характер, хислат; 2) тузилиш.  
 Нозила — бахтсизлик, офат.  
 Нозир — назорат қилувчи, қаровчи, кўз солувчи.

**О**

Обид, обида — ибодат қилувчи.  
 Озим — 1) бирор ишни бажаришга қасд, ният қилувчи; 2) юрвчи, кетувчи, сафарга чикувчи;  
 Озим бўлмақ — кетмоқ, жўнаб кетмоқ.  
 Озурда — озор чеккан, ранжиган.  
 — Олот — асбоблар, қурооллар, яроқлар.  
 — Ол — омма, кўпчилик, умумий.  
 Ориз — кўпинча сўзга қўшилиб келади: пайдо бўлувчи, юз берувчи маъносда: ориз бўлмақ — юз бермоқ.

**П**

Парсоначи — вазир муовини, фармон ижро қилувчи.  
 Пеша — ҳунар, касб; одат.  
 Порсо — сақланувчи, ёмон ишлардан ўзини сақловчи.  
 Пурдил — қаҳрамон, паҳлавон, довьорак.

**Р**

Равза — 1) боғ; 2) жаннат; 3) мажозан — қабр;  
 Равзаи заркор — олтин безакли бино.  
 Раво — чиқариш, чиқиш; чиқарувчи.  
 Рағ — томир, қон томири.  
 Раийят — бир ҳукмдорнинг қўл остидаги халқ (кўпчилиги раоё).

Ракоб — 1) узанги; 2) транспорт зинаси.  
 Ранж — машаққат, қийналиш, оғриқ, касаллик.  
 Рафиъ — юксак, баланд.  
 Рафъ — кўтарилиш, юксалтириш; 2) йўқ қилиш.  
 Раҳна — дарз, ёриқ, йиқик.  
 Рахт — 1) уй асбоб-анжоми; 2) кийим-кечак; 2) йўл (сафар) юки.

Рағбат — хоҳиш, майл, қизиқиш.  
 Риъзат — нафе хоҳиш қилган нарсалардан тортиниб, жўрттага ўзини қийнаш; қийналиш, машаққатланиш.

Ризвон — розилик, мамнунлик; 2) мажозан — жаннат.  
 Риҳлат — кўчиш, жўнаш, узоқ сафарга чиқиш, 2) ўлиш.  
 Ройгон — яширин сир.  
 Роқим — йўлдан топилган, текни, текинга келган нарсалар.  
 Роқим — хат ёзувчи.  
 Роғиб — рағбатли, хоҳишли, мойил.  
 Роҳи гуриз — қочиш йўли.

**С**

— Савора, савор — улов минган, отлик.  
 Сазойиш — лойиқлик, муносиблик.  
 Саид — савдатли, бахтли, бахтиёр.  
 Сайс — отбоқар.  
 Салим — соғлом, саломат, омон.  
 Салоҳ — 1) ақллилик, фаросат билан иш тутуш;

Самъ — яхшилик; 3) ободлик.  
 Сарир — 1) эшитиш; 2) ҳулоқ.  
 Сарингун — тахт.  
 Сарспарда — 1) боши қўни, остин-устун, тўнтарилган. 2) мажозан — шарманда.  
 Сарспарда — 1) сарой пардаси, катта парда; 2) подшоҳ чодари.

Сарсар — совуқ, кучли ва қаттиқ шамол.  
 Сатри аврат — уят жойини беркитиш.  
 Сафо — ёруғлик, равшанлик, порлоқлик; хурсандлик, майшат.

Саҳс, саховат — саҳийлик, қўли очиклик, саховат.  
 Сақар — дўзах, тамур.  
 Сақом — касаллик, дард.  
 Сағир — кичик ёшдаги, балоғат ёшига етмаган, вояга етмаган.

Саҳе — хато, янглиш.  
 Саҳл — осон, енгил, арэнмас.  
 Сиёдат — сайидлик, улуғлик, пайғамбар авлодига мансуб.

Сийрат — хулқ-атвор, хислат, равиш, одат, ҳолат (кўпчилиги сийр).  
 Сипориш — 1) топшириқ, ҳавола; 2) ҳурмат, меҳрибонлик.

Сипориш қилмоқ — топширмоқ, ҳавола қилмоқ.  
 Силоҳ — 1) аскар, қўшин; 2) амалдор.  
 Ситеза, ситез — 1) кек, хусумат, душманлик; 2) зули; 3) уруш; жанжал.

**Т**

Табл — катта ноғора, довул.  
 Таважжух — юзланиш, юзни бир кишига ёки бир томонга қаратиш.

Таваққуъ — бирор ишнинг воқеъ бўлишига кўз тутиш, умид билан қараш.  
 Таваҳҳум — ваҳимага тушиш, қўрқиш.  
 Таваийф — гуруҳлар, қабилалар, тоғфалар (бирлиги тоғфа).

Тавғаман — эғизак.  
 Тавқир — ҳурмат, иззат.  
 Тавждид — янгилаш, янгиланиш.  
 Тажаммул — безак, зеб-зийнат, ҳашамат.

Тай — юриш, кезиш.  
 Такаллум — сўзлаш, гапиритиш, сўзлашиш.  
 Така — 1) суянчиқ, ёстиқ; 2) дарвишларнинг махсус турар жойи; умумий ётоқхона.

Така айлаб — суяниб.  
 Талаф — нобуд, ҳалоқ, йўқ бўлиш.  
 Таназзул — тубанлашиш, пастга тушиш; ўзини паст тутуш.  
 Таоқуб — кетма-кет келиш, бирин-кетин юриш, таъқиб қилиш.

Татхир — кечиктириш, кечиктиш.  
 Тақаддум — илгарилан, илгариди бўлиш, муқаддам бўлиш.

Тақозо — хоҳлаш, исташ, талаб этиш.  
 Тақриф — қарор бериш; мақсадни оғзаки аёнлаштириш;

<b>Тобез</b>	— эргашувчи, бўйсунувчи, бўйсунган, итотли; қобил; (кўплиги тавобез) — 1) эргашувчилар, бўйсунувчилар; 2) теварак, атроф.
<b>Тоб</b>	— тоқат, куч, қувват, қудрат, чидам.
<b>Тоиб</b>	— тавба қилувчи, тавба қилган.
<b>Толиб</b>	— талаб қилувчи, майл этувчи; хоҳловчи; ахтарувчи.
<b>Толих</b>	— ёмон, ёвуз.
<b>Тули амал</b>	— беҳуда ҳаёл, беҳуда умид.
<b>Тулуъ</b>	— чиқиб, кўриниб, болкиб (кўёш, ой).
<b>Тунқотор</b>	— подшоҳ турган жойнинг тун қоровули; тунги қоровул.
<b>Турбат</b>	— 1) тупроқ, ер, 2) мажозан — қабр.

**У**

<b>Убудият</b>	— бандалик, қуллик.
<b>Узлат</b>	— чекиниш, кишилардан четлашиш.
<b>Устувор</b>	— чидамли, маҳкам, тўғри.

**Ф**

<b>Фазл</b>	— 1) ортиқлик, устувлик; етуклик; 2) илм, фан, ҳунар, талант.
<b>Файз</b>	— 1) барака, мўллик; 2) лутф-карам, инъом-эҳсон; 3) қувонч, дил равшанлиги; баҳра.
<b>Фано</b>	— йўқ бўлиш, тугалиш, ўлиш.
<b>Фараҳ</b>	— бахтиёрлик, севинч, шодлик.
<b>Фиқҳ</b>	— диннинг йўл-йўриқлари, қондалари тўғрисидаги ҳуқуқ илми (шу илми билувчи: <i>фақиҳ</i> )
<b>Форигбол</b>	— хотиржам; кўнгли тинчланган, бўшалган.
<b>Фосид</b>	— бузуқ; <i>хаёли фосид</i> — бузуқ ҳаёл.
<b>Фохира</b>	— шонли, ҳашаматли, гўзал.
<b>Фузун</b>	— ортиқ, зиёда, кўп.

**Х**

<b>Хайру шар</b>	— яхши-ёмон.
<b>Хамуш</b>	— индамас, жим.
<b>Хасоийил</b>	— (бирлиги хислат) сифат, хусусият, махсус ҳолат; одат, характер.
<b>Хатм</b>	— 1) тугалиш, тамомланиш, охирга етказиш, 2) муҳр босиш, 3) хос, махсус.
<b>Хафий</b>	— махфий, яширин.
<b>Хафо</b>	— яширинлик, махфийлик.
<b>Хашр</b>	— 1) тўпланиш, йиғилиш, катта йиғин; 2) қиёмат кун (диний).
<b>Хидмат</b>	— хизмат, юмуш, иш.
<b>Хилоф</b>	— 1) қарши, тескари, эид; 2) қаршилиқ, келиш-масляк; 3) ёлгон, ҳақиқатга қарши.
<b>Хилъат</b>	— ҳашамли кийим, сарпо; <i>зарбафт хилъат</i> — кимхоб тўн.
<b>Хиромон</b>	— ўзга ҳар тарафга ташлаб, ноз билан юрүвчи.
<b>Хокриз</b>	— тупроқ селиб, сочиб.
<b>Хома</b>	— қалам; хома урмоқ-ёзмоқ.

**Ч**

<b>Чаповул</b>	— босқинчилик ва талончилик.
----------------	------------------------------

**Чизи**  
**Чобуксувор**  
*Чу, чун*

— нимадир (қандайдир нарса).  
— чавандоз, **огни усталик** билан бошқарувчи,  
— каби, ўхшаш, масалли; чунки, модомки, вақтинки, қачонки, чунончи.

**Ш**

**Шабона**  
**Шадиб**  
**Шайхул-ислом**  
**Шар**  
**Шарорат, шарор**

— кечаси, кечқурун.  
— шиддатли, қаттиқ, оғир.  
— исломда энг катта диний мансаб, унвон.  
— ёмонлик, гуноҳ; *шару шар* — фитна-фасод.  
— 1) учкун, аланга, тобланиш, ярқираш; 2) ёмонлик.  
— шафқатли, марҳаматли.  
— олти қиррали гурзи, шашпар (уруш қуроли), тўқмоқ.  
— шарватга (диний қондага) тегишли.  
— 1) ботирлик, мардлик: шон-шавкат; 2) олий-жаноблик.  
— усул, йўл.  
— мувофиқ, муносиб, лойиқ, маъқул, мақбул.  
— ёйилган, тарқалган, машҳур, ошқора.

**Шафиқ**  
**Шашпар**

**Шаръий**  
**Шаҳомат**

**Шива**  
**Шойист**  
**Шойиъ**

**Э**

**Эълон**  
**Эътикоф**  
**Эътиمود**

— маълум қилиш, билдириш.  
— чилла ўтириш, доимий ибодат.  
— таяниш, суюяиш; ишониб, таянч.

**Қ**

**Қайд**  
**Қаламрав**

— банд, боғланган; кишан.  
— бир подшоҳнинг қўл остидаги мамлакат, территория.

**Қарин**  
**Қаробат**  
**Қаря**

— яқин, яқинлашган, қалин дўст.  
— яқинлик, яқин қариндошлик.  
— қишлоқ, овул.

**Ғ**

**Ғаддор**  
**Ғазо, ғазот**  
**Ғамзудо**  
**Ғани**

— 1) алдамчи; хиёнатчи; 2) бераҳм, золми.  
— диний уруш.  
— қайғуни кетказувчи.  
— 1) бой, бадавлат; 2) эҳтиёжсиз (кўплиги-ағниё).

**Ғано**  
**Ғарқа**  
**Ғалмон**

— бойлик.  
— чўмган, ботиб кетган.  
— 1) ғулом, хизматкор; 2) асотирга кўра жаннатдаги хизматкор.  
— ўлжа олиб, ўлжали.

**Ғоним**

**Ҳ**

**Ҳаб**  
**Ҳабби набот**  
**Ҳабо**

— 1) дон, дон; 2) мош ва ундан каттароқ қилиб юмалоқланган дори.  
— ўсимлик донаси.  
— 1) чанг, тўзон; 2) беҳуда, бекорга кетказиш, йўқ қилиш.

**Ҳад**  
**Ҳажар**  
**Ҳазимат**  
**Ҳамд**  
**Ҳамийят**

— чек, чегара.  
— тош (кўплиги аҳжор).  
— орқага қайтиш, чекиниш; қочмоқ.  
— мақташ.  
— ор-номусни сақлаш ва уни ҳимоя қилиш, муҳофаза қилиш.



*Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти*

**Мирзоолим Мушриф**  
**АНСОБ УС-САЛОТИН**  
**ВА**  
**ТАВОРИХ УЛ-ХАВОҚИН**  
(Қўқон хонлиги тарихи)

Муҳаррир *Ж. Сувоиқулов*  
Рассом *Т. Герасимова*  
Расмлар муҳаррири *Н. Взенковская*  
Техн. муҳаррири *Т. Смирнова*  
Мусахҳаҳ *Ш. Собирова*

ИБ № 5194

Босмахонага 27.07.94 да берилди. Босишга 05.06.95 да рухсат этилди.  
Бичими 84×108<sup>1/2</sup>, 1-нав босмахона қоғози. Адабий гарнтура. Юқори баъ  
ма. 6,72 шартли босма табақ. 7,3 нашр босма тобоғи. Жами 10000 нуска  
1225 буюртма. Баҳоси шартнома асосида. 95—99-рақамли шартнома.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129, Тошкент  
Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмахона  
босилди, 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-бек кўча, 2-уй.